

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ

РАҶНО ИБРОҲИМОВА

# ҚАЛБДАН СЕВГИ ТОШДИ...

**УСТОЗ ОЙБЕК ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги Б.А.НАЗАРОВ таҳрири остида

Ташкент  
«Янги аср авлоди»  
2004

83.3(59)6

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига бинаон 2005 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 100 йиллиги кенг нишонланади. Мазкур китоб ўзбек адабиёти ва илм-фан равнақига беқиёс ҳисса қўшган атоқли ва ардоқли адабимиз Ойбекнинг қутлуг бир асрлик юбилеий муносабати билан тайёрланди ва буюк ёзувчимизнинг қутлуг тўйига муносаби армугондир. Китобга кирган мақолалар, хотиралар Ойбек ҳарактерига, ҳаёти ва ижодига оид чизгиларни янада тўлдиришига имкон бершидан умидворимиз.

Китобда Ойбек уй-музейи ва Ойбекнинг тўнгич ўғли Омон Мусаевич Тошмуҳамедовнинг оиласи архивида сақлананаётган фотосуратлардан фойдаланилди.

Бизга суратлардан фойдаланишга лутфан ижозат берган Омон Тошмуҳамедовнинг рафиқалари Ҳулкар Ҳамидовна Олимжонова ва Ойбек уй-музейи директори Ойнур Бекжоновна Тошмуҳамедовага ва мазкур китобни нашр этишда ёрдамиши аямаган «Янги аср авлоди» наширёт-матбаа маркази ижодий жамоасига чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Тақризчилар:


У.НОРМАТОВ, филология фанлари доктори, профессор  
Ш.НОРМАТОВА, филология фанлари иомзоди, доцент

Масъул муҳаррир:

Н.НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Халқ шоири

Дизайн муаллифи: Алҳам Абдуллаев

TO 31249  
291



ISBN 5-633-01671-8

© Раъно Иброҳимова. «Қалбдан севги топиди...»  
«Янги аср авлоди», 2004 йил.

# САТРЛАРДА ЖОНЛАНГАН ИНСОН...

Сўзбоши ўрнида



«Мен Тошкентнинг турли адабий хазиналарини ўзида жамулжам этган Навоий музейидан ташқари, Ўзбекистоннинг улкан, эндиликда эса классик адаби бўлиб қолган дўстимиэ Ойбекни хотирлаш маскани билан хам якин орада бойишига астойдил ишонман. Ойбек ўзининг бутун хаёти ва ижоди билан халқнинг меҳр-мухаббатини қозонди, унинг китоблари, кўллётмалари ва буюмлари муайян бир жойга тўпланишини ва бу жойда у яшаган ва ижод этган мухит анқиб туришини истар эди киши»\* — деган эди ёзувчи Н. Тихонов. Унинг бу сўзларида кўпчиликнинг истаги ўз ифодасини топган. Мана бу кунга келиб Ойбекнинг қаламкаш дўсти Н. С. Тихоновнинг оразуси амалга ошиди. 1980 йилда Ойбек яшаган уй давлат ихтиёрига ўтди, ёзувчининг уй-музейига айлантирилди, бу хушхабарни халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Адиб яшаган уй эндиликда умумхалқ мулкига айланди. Уйнинг пешгоқидаги мармар тахтачага «Бу уйда 1940-1968 йилларда Ойбек яшаган ва ижод қилган» деган сўзлар битилган.

Ойбек яшаган уй жойлашган кўчанинг номи бир неча бор ўзгарди. Даставал 1-Кисловодская, кейинчалик генерал

\* Мақола муаллифининг Н. С. Тихонов билан килган сухбатидан. Москва, 1977.

Хўжаев, хозир эса бу кўча И.Тазиддинов номи билан аталмоқда. Ишчилар шаҳарчасида жойлашган бу уйни билмаган киши йўқ. Хозир ҳам «Домла Ойбекнинг уйлари қайси?» — деб сўрасангиз, ёшу қари кўрсатиб беради. Адиб номига келган ва хозир унинг уй-музейида сакланаётган хатлар буни яна бир бор исботлайди. Хатларнинг деярли ҳаммасида манзили аниқ кўрсатилмаган. «Ёзувчи Ойбекка», «Ишчилар шаҳарчаси. Мусо Тоғмухамедовга», кўпчилик хатлар Ёзувчилар уюшмаси, радио, турли нашриётлар манзилгоҳига «Ойбекка» деб юборилган. Бу хатларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, адиб қўлига етиб келган.

Ишчилар шаҳарчасидаги бу уйга Ойбек оиласи 1940 йилнинг 29 декабрида кўчиб ўтишди. Унгача ўтган бир йил уйнинг қурилишига кетади. Уй қурилиши жараёнида содир бўлган бир воқеани эслаб, адибнинг рафиқаси профессор Зарифа Сайдносирова куйидагиларни хотирлаган эди: «У кезлар мих камёб эди. Ишлатилган, эски, заанглаб кетган михларни сотиб олиб, Ойбек иккаламиз уларни ўтириб олиб текислардик». Адибнинг кўли теккан, у текислаган михлардан қад кўтарган бу уй йиллар оша Ойбекнинг ижодкор дўстлари — адабиётимиининг етук намояндлари билан бўлган учрашувлар, ижодий сухбатларнинг тилсиз шоҳиди, ёзувчига иккинчи умр баҳш этган асарларининг тувилиш жойи бўлиб қолди.

Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ўзбек адабиёти тарихида кенг ўрганилган. Бу борада жуда кўп тадқиқотлар, монографиялар, китоб на рисолалар, илмий мақолалар ёзилган. Лекин Ойбек ижоди ажиб жавоҳирларга бой денгизни эслатади. Денгиз тубига нечоғлик чуқуррок тушиб, уни ўрганганинг сари жавоҳирнинг янги турфа хиллари топилганидек, Ойбек ижодини ҳам ўргангапиш сари, ижодининг янги қирралари очила боради. Ойбек ижодига мурожаат этган ҳар бир янги авлод ўзи учун Ойбекни янгитдан кашф этади. Шу мақсадда биз ҳам Ойбек каламига мансуб нутқ, маъруза матнлари, ёзишмалари, замондошлиарининг адаб ҳақидаги хотираларига суюниб, улииг сиймосини хотирамизда яна бир бор тикламоқчимиз, ижоди зарваракларини кўздан кечирмокчимиз.

Маълумки, Ойбек узок йиллар мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ва собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлади. Бадиий ижоди билан бир каторда, хизмат юзасидан унга турли адабий анжуманларда, мажлисларда, учрашув, тантанали кечаларда нутқ сўзлашга тўғри келган. Ойбек маърузаларининг кўпчилик қисми бевосита рус тилида ёзилган бўлиб, бу масаланинг бир томонини ташкил этади, биз бу масалага бошқа манбада маҳсус тўхталғанмиз. Ҳозир эса биз адаб қаламига мансуб, турли адабий мухокамалардаги нутқ матнларининг ҳар бир сатри ортида яширилган инсон -- Ойбек табиатига, шахсига, характеристига, ижодига оид чизгиларни кузатишни максад қилғанмиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти, умуман турли масалалар юзасидан ўтказилган кенгаш, мажлис, конференция ва йигилишларда Ойбек сўзлаган нутқ ва маъруза матнларини кўздан кечирар эканмиз, адабнинг жамоат ишлари билан ҳам ўта банд бўлгани кўзга ташланади. Ойбекнинг ҳазиллапиб, «Илгарилари ёзишга вақт кўп бўларди, аммо тажриба етишмасди, энди эса тажриба ҳам бор, маҳорат ҳам етарли, вақт етишмайди», -- деб айттигининг боиси ҳам шунда бўлса керак.

Бир жилд китоб учун манба вазифасини бажарган Ойбек нутқлари уни ниҳоятда билими кенг ёзувчилигидан далолат беради. Ойбек нутқлари матнидан уни поэзия, проза, танқидчилик, драматургия, таржима масалаларига оид кенгашлардан ташқари, киносценарийлар мухокамасида, уюшма билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан чақирилган мажлисларда ҳам фаол қатнашгани маълум бўлди. Ойбек ҳатто театр жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун ҳам вақт ажратса олган.

Ҳамза театри (ҳозирги Миллий театр) жамоаси Ойбек таржимасида М.Ю.Лермонтовнинг «Маскарад» пьесасини сахналаштиришга киришади. Шу муносабат билан Ойбекнинг театрга тез-тез келиб тургани, пьеса репетицияларида иштирок этгани, ўз фикрларини билдиргани ҳақида бизга халқ артисти Наби Раҳимов қуйидагиларни сўзлаб берган эди: «Режиссёр Амонтов бошчилигига театримиз жамоаси Лермон-

товнинг «Маскарад»ини саҳналаштиргани киришди. Бу театримизни рус классиклари асарига биринчи бор мурожаат этиши эди. Сабаби тажриба кам, актёрлик маҳорати стишмас эди. Шунинг учун ҳам спектаклни саҳналаштиришда аинча кийналдик. Лекин спектакл кўп қўйилмади, атиги бир йилгина давом этди. У кезларда театр танқидчилиги яхши риножланмаганлиги сабабли, спектакл объектив баҳосини ололмади.

Спектаклни саҳналаштириш муносабати билан Ойбек домла театримизга тез-тез келиб турдилар. Адибнинг буюклиги, забардаст олимлиги, салобати у кипи билан яқин муносабатда бўлишимизга монелик қиласарди. Таржима тўлиқ, яхши, мукаммал бўлганлиги туфайли пьеса матнига деярли ўзгартишилар киритилмади, факат айтилиши кийин бўлган сўзларгина ўзгартирилди».\*

Ойбек кайси масала юзасидан сўзга чикмасин, уни кўрилаётган масалага маъбулият билан ёндошгани яқкол кўринади. Ёзуучилар уюшмаси томонидан ташкил этилган ва 1940 йилнинг 26 декабрида «Ҳамза», 1946 йилнинг 4 октябрида «Алишер Навоий» киносценарийлари мухокамасига бағишлиланган йигилишдаги Ойбекнинг нутқи фикримизнинг далили бўлади. Гарчанд Ойбек сўзининг бошида: «Мен киносценарий соҳасида мутахассис эмасман. Шу сабабли мен билдириган мулоҳазаларга мухокамада қатнашувчи ўртоқлар кўшилмаслиги ҳам мумкин», — деб эътироф этишига қарамасдан, иккала фильм юзасидан ҳам ўтказилган мухокамада у қимматли фикр билдириган. «...сценарийда мулоҳаза кўп, — дейди «Ҳамза» киносценарийси мухокамасидаги йиғилишда Ойбек. — Айниқса, сценарий персонажлари икки буюк композитор — Моцарт ва Сальери ҳақида кўп мулоҳаза юритишади. Европа адабиёти, Пушкин ижоди билан яқиндан таниш бўлган омма учун бу албагта қизиқ ва тушунарли, аммо кинофильм қенг оммага мўлжалланганлиги сабабли оддий ишчи, колхозчи учун ҳам сценарий персонажлари тортишаётган масала тушунарли бўлиши керак. Уларнинг кўпчилиги Моцарт ва Сальери ижоди

\* Макола муаллифининг халқ артисти Наби Раҳимов билан қилған сұхбатидан. Тошкент, 1974 йил.

билан таниш эмас ва бу икки буюк зот ўртасидаги муносабат ва дүстлик инлари нима билан туғагани хам оддий халқ учун қоронғи. Европа мусиқаси ҳақида гап кетганды уни халққа персонажлар мулоҳазаси орқали эмас, болқа бир йўл топиб етказиши керак».\*

Ойбек нутки матининг бу сатрлари ортидан унинг кино-сценарий соҳасида ҳам кенг билимга эга эканлигидан ташкари Европа мусика санъатидан хам хабардорлиги, Ҳамза ижоди билан эса яқиндан танишлиги кўриниб туради. «Навоий» киносценарийси мухокамасидаги Ойбек нутқидан унинг зукко тарихчи бўлганлиги, Навоий шахси, замондошлари ва у яшаган давр тарихи билан чукур танишлигини гувоҳи бўламиз. Киносценарийда Мажиддин образи хусусида: «Бу маккор вазирни Навоий ва Ҳусайн Бойкародан устун келиши тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди, масаланинг бу тариқа қўйилиши сиёсий жиҳатдан хам хато, чунончи Навоий ўта аклли ва узоқни кўрувчи шахс бўлганлиги учун Мажиддин ва унинг атрофига йиғилганларни фош этишга муваффақ бўлган», — деб фикр билдирганди Ойбек. Бундан ташкари, киносценарийда асосий камчиликлардан бири сифатида Ойбек Навоийнинг дўсти Ҳожам билан боғлиқ ўринларни ҳам қайд этади. Сценарийда Ҳожам дарненнома, ёлғизлики ёқтирувчи, Навоийга факат шеърият билан шуғулланишини таклиф этувчи шахс сифатида тасвирланган. «Аслида эса Ҳожам Хурсоннинг давлат ишларида фаол иштирок этган, ғайратли, сиёсий курашларга аралашиб турувчи, керагида ўз фикрини айтгунчи, допишмайд шахс бўлган» — деб изоҳ беради Ойбек.

Сценарий мухокамасидаги Ойбек нутки бизга ёзувчининг ижодий эътиқоди хусусида ҳам маълумот беради. Ойбекнинг фикрича, адабиётчининг назифаси — қандай асар бўлмасин, уни мухокама этиб, ўз фикрини билдириш. «Биз, — дейди Ойбек, — ўзимизнинг қарашларимизни, ғояларимизни сценарий муаллифига зўрлаб уқдирмокчи эмасмиз, лекин улар хам биз билдирган танқидий фикрлар устида ўйлаб кўришлари

\* Ойбек. XX жилдлик мукаммал асарлар тўплами Т., Фан, 1985. XX жилд, 121-бет.

керак». Ойбек билдирган бу фикр унинг эътиқодда изчиллигидан ташқари, ўта маданиятли эканидан ҳам далолат беради. Ойбекниңг мулоҳазалари, билдирган танқидий фикрлари нечоғлик асосланган бўлмасин, у ўз қарашларини кўр-кўрона қабул этишларига қарши эди.

1941 йилнинг 20 февралида Ёзувчилар уюшмасида Ойбекниң «Кутлуг қон» романининг муҳокамаси бўлиб ўтади. Муҳокамада Ҳамид Олимжон, Шайхзода ҳам катнашишади. Ойбекниң нутқидан муҳокама қияғин ўтган, бир катор танқидий фикрлар ҳам билдирилгани маълум бўлади. Ойбек муҳокамада катнашганларга ўз мисшатдорчилигини билдирад экан: «Мен фикр билдирган ўртоқлар билан тортишмоқчи эмасман, улар билдирган мулоҳазаларниңг кўпчилигига қўшиламан», — дейди.

Ойбек ниҳоятда камтарин инсон бўлган. Айрим масалалар юзасидан фикр билдирилганда, агар у ўзини бу масала да ожиз сезса, албатта огоҳлантиради. 1945 йилнинг 29 октябрида Тошкент шаҳар ёзувчиларининг умумий мажлисида бир ёзувчининг асари тилига оид айрим томонлар ҳакида танқидий фикрлар билдирилади. Ва шу масала юзасидан Ойбек ҳам ўз фикрини билдирад экан: «Рус ёзувчисининг тили ҳакида фикр билдириш мен учун мушқул», — дейди ва романнинг асосий қиммати, унда кўтарилилган масаланинг дол зарблиги ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашади. Ёзувчи нуткларидан уни бирон масала юзасидан шунчаки чиқиши қилиб, юзаки фикр билдиргани кўринмайди. Асари муҳокама этилаётган ёзувчи ким бўлишидан қатъи назар, Ойбек ҳамиша ҳақ гапни айтган, ранжитиб қўйишдан қўрқкан эмас. 1945 йилнинг 2 ноябрида Ёзувчилар уюшмасида Ойбек Шайхзоданинг «Жалолиддин» пьесасининг муҳокамасида иштирок этади, у асарининг ижобий томонлари билан бир каторда камчиликлари ва уларининг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб ўтади. «Жалолиддин» пьесасининг муҳокамасида Ойбек ўзининг «Махмуд Торобий» операси либреттосини ижодий тарихига оид айтган мулоҳазалари ҳам қизиқарли. «Мен 1941 йили «Махмуд Торобий» операсининг либреттосини яратганимда, — дейди Ойбек, — қаршиликка учрадим.

— Менинг қаҳрамоним Чингизга қарши халқни кўтарган косиб Торобий асар нихоясида ўлади. У эса тирик колиши керак эди. Гарчи тарихий ҳақиқат бунга монелик килса-да. 1941 йилнинг охирида Гитлер газандалари Москвага якинлашиб келаётган бир пайтда, халқни руҳлантириш, уларнинг юрагида ғалабага бўлган ишонч учқунларини ёлқинлатиш учун асар қаҳрамони ўлмасдан колиши талаб этилади». «Бу фикр бизга Ойбекнинг «Махмуд Торобий» асари ҳакида маълумот бериш билан бир қаторда уруш йиллари адабиёти-мизга қўйилган талаб билан ҳам таништиради. Лекин бу қаҳрамонни сунъий равищда идеаллаштириш деган гап эмас, албатта. Шу боисдан ҳам Ойбек Шайхзоданинг «Жалолиддин»ни яратишида йўл қўйган хатоларидан бири Жалолиддинни ўта идеаллаштирганида деб билади.

Ойбек нутки матнлари билан танишиш бизга факат унинг шахси ва ижодига оид чизгиларни эмас, балки салкам кирк-эллик йилни ўз ичига олган давр ҳақида ҳам маълумот беради. 1946 йилнинг 23 майида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида «Ўзбек прозаси антологияси»ни яратишга оид масала кўрилади. «Ўзбек прозаси антологияси»ни чиқариш учун эса ўзбек адабиётидаги барча проза асарлари билан танишиб чикиб, сўнг энг яхшиларини антологияга киритиш лозим эди. «Бу жиддий ва масъулиятли вазифа — материал саралашни, — дейди Ойбек ўз сўзида, — биз Ҳомил Ёкубов, Миркарим Осим, Порсо Шамсиев ўртоқларга топширдик. — Антологияга материал тўйлаш, жуда масъулиятли иш бўлиб, бунинг учун катта тайёргарлик кўрилиб, библиотека, Шарқшунослик институти ва архив каталогидан бор материалларни йиғиб, сўнг саралаш керак бўлади».

Бир карашда бажарилиши лозим бўлган вазифа адабиёт-шунос олимларга бўлиб берилгацек кўришади. Аслида бунинг замирида классик адабиётимиз билан чуқур таниш бўлган Ҳомил Ёкубов, Миркарим Осим ва Порсо Шамсиев каби адабиёт жонкуярлари ижодига берилган юкори баҳо ётади. Бу маълумотлар ўз навбатида «40-60 йиллар адабиёти» мавзусини ёритишида мухим омил вазифасини ўтайди.

1940-1945 йилларга оид Ойбек нуткларини кўздан кечирав эканмиз, Иккинчи жаҳон урушида аёвсиз жанглар кетаётган бир пайтда ҳам маданий ва адабий ҳаёт бир сонияга бўлса-да тўхтаб қолмаганинг шоҳиди бўламиз. Буни Ойбекнинг нутқ матнлари билан бир каторда адабининг уй-музейи архивида сақланувчи хат-ёзишмалари ҳам тасдиклайди. Хусусан, Ойбекнинг Александр Дейч билан бўлган ёзишмалари. Ойбек билан ёзувчи, адабиётшунос А.Дейчининг архивларида уларнинг ёзишмалари сақланган бўлиб, бу хатлар улар ўртасидаги якин муносабатдан, ижодий ҳамкорликдан дарак беради. А.Дейчининг хотирлашича, унинг Ойбек билан дўстлашишига Ҳамид Олимжон сабабчи бўлган экан.

Тошкент уруш йилларида душман босиб олган шаҳарлардан кўчиб келганлар учун ўз бағридан жой берди. Шу жумладан, москвалик ва ленинградлик олим ва ёзувчилар ҳам Тошкентда бошпана топиши. Уларнинг бир гурӯҳи Тошкентнинг Пушкин кўчасидаги 84-йїда истиқомат килишди. Шиддатли уруш кетаётганига қарамай, ёзувчилар ўз асарлари устида ишлапдан, бастакорлар куй басталапдан, олимлар илмий тадқиқотлари устида иш олиб боришдан бир дақиқага ҳам тўхташимида, хуллас мамлакат ҳаётининг бирон соҳаси оқеаб колмади. Шу жумладан, 84-йїда ҳам ҳаёт кайнади.

Ойбек бу уйга тез-тез келиб туарар эди. Унинг А.Дейч билан ҳамкорликда «Халқ қалкони» драмасини яратиш хусусидаги фикри ҳам шу ерда туғилди. А.Дейч бу хақда бундай хотирлайди:

«Уруш йилларида бир куни Тошкентдаги театрларга бошлиқ килиб тайинланган С.М.Михоэлс меникига кириб келди. У менга ўзининг «Броненосец Потёмкип» операсининг муаллифи, таниқли композитор А.С.Чишко билан тасодифан учрашиб қолгани ҳакида сўзлади. А.С.Чишко, Ойбек ва Михоэлс ҳамкорликда катта тарихий-қаҳрамонлик мавзууда опера яратига киришишган экан... Ўрта Осиё тарихининг билимдони сифатида Ойбек XIII асрга, Бухорони мўбул хони Чигатой томонидан забт этилган даврига мурожаат қилди. Бўлажак опера қаҳрамони ун эловчининг фарзанди Махмуд Торобий

аслида она юрт, она тупрок, муқаддас ер муҳаббати билан түлиб-тошған одам... Тарихий аниклик, ҳаққонийлик билан, түйғулар гүзәллиги, салмоқлиги билан ажралиб турадиган бу асар композиторга яхни материал берди. Михоэлс ва Ойбек бу ишга мени жалб этишди. Шу тариқа Ойбек билан хамкорликда ана шу тарихий материал асосида «Халқ қалқони» драмасини ёзиш нияти пайдо бўлади».

Ойбек архивида мазкур драманинг З кўринишдан иборат бир пардаси сакланган. Ойбек ва Дейч ўртасидаги ёзималарга кўра, пьеса олти кўринишдан иборат бўлини керак. Драма устидаги иш айни қизиган бир пайтда Дейч Москвага қайтади ва драма устидаги иш тугалланмай қолади. Лекин Ойбек билан Дейч ўртасидаги ёзималардан уларнинг хаёлларини драма тақдирни ҳамиша банд этиб келгани кўриниб туради. «Хурматли Александр Иосифович! — деб ёзади Ойбек хатида. — Софман, саломатман! Фронт дафтарлари устида ишлайпман, хали тутатганим йўқ. Ростини айтганда, пьесамизнинг иккинчи кўришиши устида ишлайпман, ишни тезлатиб, муддатида тутатиш мумкин. Менимча, пьеса ёмон чиқмаялти. Лекин бир нарса мени хавотирга солаялти. Хатингизнинг мазмунига қараганда, сиз Ташкентта бошқа келолмайсиз, пьеса устида бирга ўтириб ишлашимиз керак эмасмикин? Келолмаслигинги, албагта, ачинарли, мен сизни кутган эдим. Сиз аввал менга ўзингиз ёзган қисмларни жўнатинг, кейин у ёрини нима қилишни яна ўйлаб кўрамиз» (31.УШ, 43).

«...Сизга пьесамизнинг 1-кўринишини, сиз билан Москвада ўқиган қисмимизни юборяпман, — деб жавоб ёзади А.Дейч Ойбекка, — фактат бир оз ўзгартириш киритдим, кўриб чиқарсиз. Пьесанинг З кўриниши деярли тайёр, уни май ойининг бошларида сизга жўнатиб юбораман, хуллас, сиз пьесани олтинчи кўринишнига қадар кўриб, эпақага келтиришингиз мумкин, сўнгги кўриниш эса менинг зинмамда. Уни май ойининг иккинчи ярмига қадар юбораман».

«Кеча хатингизни олдим, — деб Дейчнинг хатига жавоб ёзади Ойбек, — пьесамизнинг ярми битганидан хурсандман. Эндиликда мен унинг иккинчи қисми устида ишлапим керак. Хотирингиз жам бўлсин, нихоятда бандлигимга қарамасдан,

мен ўз қисмларимни ёзиб тугатаман ва шундан сўнг бирга ўтириб ишлаймиз. Бу жуда ҳам зарур» (21.1.44).

Хатларнинг мазмунидан кўриниб турибдик, пъесанинг бир қисмини Дейч, иккинчи бир қисмини эса Ойбек ёза бошлишган; асар устидаги иш тугагач, уни биргаликда таҳрир этишини режа қилишган.

Мазкур хат бизга Ойбек ижодий принципига хос бўлган яна бир чизгини аниқлашга ёрдам беради, у ўз ижоди давомида ҳамкорликдаги ишларни жуда кам ёзган. Ҳамкорликда ёзган ишларини ҳам ўзига тегишили мустакил қисми бўлган. Ойбекнинг Дейч билан ҳамкорликда ёзган ишлари, хусусан уларнинг «Навоий ва унинг даври» тадқиқоти устидаги иш фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

«Навоий ва унинг даври» тадқиқоти устидаги иш узок мулдатга, салкам 25 йилга чўзилиб кетди. Бунинг сабабларидан бири муаллифларнинг китоб юзасидан бир қарорга кела олмаганларида бўлса керак. Ойбек Дейч билан ҳамкорликда яратётган китобида ўзининг бадиий ва илмий ижодида айтилган фикрларни қайтариб қўйишдан хавфсираган. Дейч ўз навбатида, Ойбек шубҳаларининг ўринсиалигини айтишга, тадқиқотнинг бирор ерида қайтариқ йўклигини уқтиришга харакат қилган. Бу Дейчнинг қуидаги хатидан ҳам кўриниб турибди: «Кўлёзмамизни қайта ўқиб, — деб ёзади у, — унинг замонавий рух билан йўғрилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, унда беллетристикадан асар ҳам йўқ, романингиздан олинган ўринлар ҳам йўқ. У ҳозирги туришида соф адабиётшунослик или, танқидий-библиографик очерк. Назаримда, муаллифлар уни эълон килиб, уятга қолмайдилар».

Ойбекнинг А.Дейчга ёзган қуидаги хатидан унинг ижодга, ишга бўлган муносабати яққол кўриниб турибди: «Мен мукофот муносабати билан ўтган турли тантаналар ва қабуллардан сўнг, эндиғина ишга киришяпман. Менинг табиатим шундайки, бир кун ишласам, ҳаммаёқ бўшлиқдан иборат бўлиб кўринади. Ҳозир ўзимни руҳан ўз қаҳрамоним билан Хиротда яшаётгандек сезяпман ва у яшаган даврни ҳис этаяпман. Лекин ҳозир имкон бўлса, замонавий мавзуга ўтмокчи-

ман. Сиз менинг иш услубимни биласиз: аввал пухта ўйлаб, ўрганиб, сўнг ёзишга ўтираман». Ойбекнинг биргина «Навоий» романининг ўзини ёзишга тайёргарлик жараёнида юзага келган Навоий ҳақидаги унинг такриз ва мақолалари, илмий тадқиқотлари адибни «пухта ўйлаб, ўрганиб, сўнг ёзишга киришиш»ини тасдиқловчи омил бўлиб хизмат этади.

Асар устидаги иш, Ойбекнинг қўлёзма ва унинг окка кўчирилган нусхасида тугамаган, у асар нашр этилгандан сўнг ҳам унинг устида ишлашни давом эттирган. Бир асарни турли йиллардаги нашри ўртасидаги фарқ бунга мисол бўла олади.

Ойбек ижодий лабораториясиининг бир кисмини ташкил этган ижодий жараён – асарни қайта ишлашга янги асар ёзишдан кўпроқ вакт кетади.

Асарни қайта ишлашга бўлган эҳтиёж муаллифда турли хил сабабларга кўра туғилиши мумкин. Чунончи, бадиий асар китобхонлар қўлига етиб келгач, қўпгина тортишувларга, қизғини мушозараларга сабаб бўлади. Асарга нисбатан маълум фикрлар билдириллади. Билдирилган фикрлар ўринили бўлса (акс холда баъзи асарларнинг юзлаб вариантлари юзага келиши: А.Толстой Анна Каренинани, А.Қодирий Кумушни ўлдирмаслиги, А.Пушкин Татьянани Онегинга турмушга бериши, М.Шолохов Мелиховни роман ниҳоясида советлар тарафига ўтказиши, ё аксинча аёвсиз ўлдириши лозим бўларди). У ёзувчи томонидан инобатга олиниб, асарнинг иккинчи нашрига тузатишлар киритади. Киритилган тузатишлар жиддий характерга – асарни композицион жихатдан қайта кўриб чиқиши, берилмоқчи бўлган фикрнинг ўзгача йўлини тониб бериш, образлар характерига аниқлик киритиш, уларни индивидуаллаштириш, тил, услугуб каби ёзувчи маҳоратини белгиловчи бадиий унсурларни қайта кўриб чиқиш кабиларга эга бўлиши мумкин.

Асарнинг кейинги нашрларига киритилган тузатишлар, муҳимликда юкоридагилардан қолишмайдиган техник ё стилистик тузатишлар ҳам бўлиши мумкин.

Бир ёзувчи ўз асарининг кейинги нашридаги бир воқеани эслаб: «Мен, редакторлар С.Разумовская, А.Тарасенко, Ю.Лукин томонидан билдирилган 300 та яқин стилистик тузатиш-

ларни қабул этдим ва афсусланмайман», — деб ёзади. Ойбек асарларининг кейинги нашрларига киритган тузатишлари турли характерда бўлган, ундаги ижодий характерга эга бўлган тузатишлар ҳақида Гулёз Ёқубова томонидан олиб борилган тадқикотлар, кузатишлар эътиборга лойик бўлиб, муаллифнинг «Ўзбек тили на адабиёти» журналининг 1974 йил Зсонида эълон қилинган «Ойбекнинг «Ўч» поэмаси матнининг яратилиш тарихига доир» номли илмий мақоласи бунинг ёркин мисоли бўла олади.

Мазкур кузатувлар Ойбек учун ижодда иккичи даражали ишни ўзи бўлмаганини кўрсатади. У хатто қаҳрамонларининг исмига ҳам ўта эътибор билан қараган. Ойбек асарларидаги қаҳрамонларнинг исми масаласи билан қизиқиб, адабнинг рафикаси профессор Зарифа Сайдносировадан: «Ойбек асарларидаги қаҳрамонлар исми тасодифийми, ё ўйлаб қўйилганими? Л. Толстой асарлари қаҳрамонларининг кўлчилигининг исми тасодифий бўлган экан, хатто «Анна Каренина»даги Каренини ҳам, Вронскийни ҳам исми бир хил: Алексей эканлигини ёзуви тасодиф деб изохлайди», — деб қизиққанимизда, қўйидаги жавобни олдик: «Ойбек янги, ҳали ҳеч ким томонидан қўйилмаган исм топишга уста, ишқивоз эди. Эннур, Ойнур, Гулёз, Гулранг, Бахтигул, Соғиндиқ каби исмларни топгандиги бунинг исботидир. Баъзан тасодифлар ҳам бўлиб турган. Эсимда, «Қутлуғ қон» романини ёзётганида Йўлчининг синглисига ҳеч исм топилмади, ҳадеб менга исм топиб берсанг-чи, деб мурожаат киласердилар. Шунда мен «Унсин» дедим. Бу исм у кишига ҳам ёқди ва Йўлчининг синглисига Унсин деб исм қўйдилар. Бу исм билан боғлиқ воеа тарихи эса бундай бўлган. Менинг бувим Иконда туардилар. Ёшлигимда уларникига жуда кўп борардим. Бобомларининг Унсин хола деган қўшилари бўларди. Мен у аёлни жуда ёқтирадим, сабаби у жуда меҳрибон, юмшоқ аёл эди. Кунлардан бир кун бу аёл вафот этади. Бутун қишлоқ ахлини Унсин холанинг ўлими қайнуга солади. Уни кўумин тараддудини кўришаётгаңда бирдан тирилиб, ўрнидан туради. Шу-шу биз болалар «Унсин хола, қандай килиб ўлиб-тирилганингизни гапириб беринг» деб, ҳоли-жонига қўймасдик. Унсин хола

ҳар гал шошилмасдан, бир бошдан гапириб берардилар. Унсинг холани яхни кўрганим учун, унинг исми ҳам ёқарди менга. Шу сабаб мен Ойбекка Йўлчининг синглисига Унсинг деб исм кўйишни маслаҳат берган эдим».

Ойбек ижодига хос яна бир муҳим қизиқарли томон ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу ундаги маълум бир мавзуга бўлган қизиқиш аввал шеърда, ҳикояда ё поэмада, сўнг романда ўз ифодасини топади. Масалан, унинг «Ўч», «Темирчи Жўра» поэмалари асосида «Кутлуг кон», «Навоий» достони асосида «Навоий» романни, «Кизлар», «Раиса» асарлари асосида «Олтин водийдан шабадалар» романни юзага келди. Ойбекнинг ўз сўзи билан айтганда, дастлабки кўриниш кейингисини юзага келтиришда «эскиз» вазифасини ўтади.

Москвалик бир китобхон ўзбек адаби Ойбекнинг машҳур «Навоий» романини ўқиб, унга йўллаган мактубида: «Навоийга ўхпамай туриб, «Навоий» романини ёзиш мумкин эмас» — деб ёзган эди, китобхон тўғри пайқаганидек, Ойбек ҳақиқатан ҳам Навоийга руҳан яқин, ўта беозор, бағри кенг, кўнгли юмшок инсон бўлган. Лекин Ойбек нутқлари матнини ўрганишда давом этар эканмиз, иш масаласига келганда ўта талабчан раҳбар, амалий ташкилотчи, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилувчи ва бошқалардан ҳам шуни талаб этувчи адаб сиймоси гавдаланади. Ойбекдаги меҳнатсеварлик, интизомлилик хусусида М.Шайхзода: «Шубҳасизки, Ойбек адабистимиизда ижодий иш интизомини ўз ижодига темир қоида қилиб олган адаб сифатида ёнларга якъол ўрнак бўла олади», — деб бежиз айтмаган.

Ойбек Ёзунчилар уюшмаси фаoliyatinini йўлга кўйиш мақсадида бўлимлар ишини, ҳайъат аъзоларининг вазифаларини мунтазам кузатиб борган. Ёзувчилар уюшмасида 1945 йилнинг 6 сентябрида Ойбек раислигида ўтган ҳайъат мажлиси ҳам шу масалага бағишланган эди. Ойбекнинг мазкур мажлислардаги нутқидан кўринадики, у факат ҳайъат аъзоларини ўзларига белгиланган ишни сидқидилдан, пухта бажарилишини талаб этиш билан чегараланмасдан, балки ҳар бир ёзувчини уюлманинг барча ишларида фаол қатнанишга даъват этарди.

Бу каби масала расман кун тартибига тез-тез кўйилмасада, лекин ҳар бир мажлис руҳидан, мажлислардаги

Ойбек нутқлари матнидан унинг мазкур масалага жиддий зътибор бергани сезилиб турарди. Бу талаб Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул этилаётган ёзувчилар ҳақидағи Ойбек чиқишиларида хам кўриниб туради. 1947 йилнинг 9 январида Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг Ойбек раислигига ўтган 2-мажлисида ёзувчи Даниловни уюшма аъзолигига қабул этиш масаласи муносабати билац сўзлаган нутқи хам бунинг исботидир. «Мен бугун Даниловни биринчи марта кўриб турибман, — дейди Ойбек ўз сўзида, — вахоланки, ўртоқ Данилов 3-4 йилдан бери Тошкентда истикомат қилиб келяпти. Мен Союзга уч йилдан бери раислик қилиб келаяпман. Коллективимиз катта, турли ижодий характердаги конференциялар уюштириб турамиз, мажлислар ўтказамиз, ёш ёзувчилар семинари ишлаб туради, лекин бирор йигилишда мен Даниловни учратганим йўқ». Ойбек ҳар бир ёзувчи уюшмани иккинчи уйи деб билиши ва унинг ишларида фаол қатнапити кераклигини истар эди. «Ойбек коллектив кишиси эди», — деб ёзганда Н.Тихонов мутлақ ҳақ эди.

Лекин Ойбек ёзувчилардан факат ташкилий ишларда фолликни эмас, балки ижодида хам фаол бўлишни талаб этарди. «Мана ўртоқ Данилов, — деб давом этади Ойбек, — шахримизда 4 йилдан бери яшашига қарамай, бирорта ўзбек шоири асарини таржима этмаган». Ёзувчи Удаловни хам уюшма аъзолигига қабул этишдаги мажлисда Ойбек ўз сўзида Удалов ижодига хос бўлган ижобий томонларни қайд этиб ўтиш билан бир қаторда, унинг асарларининг тили масаласидаги камчиликларни хам кўрсатиб ўтади. «Энди тўла қимматга эга бўлган асарлар ёзишга харакат қилишимиз керак», — деди Удаловга Ойбек сўзининг ниҳоясида.

Умуман, Ойбекнинг ижодий принципига кўра ёзувчими, демак, у ёзиши керак, кўп ёзиши керак, ёзганда хам мағзи бўлиқ асарлар ёзиши керак. У асар ёзишга вақт стишмаслигини сабаб қилиб кўрсатувчи ёзувчиларни тан олмайди. «Қандай қилиб ёзувчи, у нечоғлиқ банд бўлмасин, ёзмаслиги мумкин? Банд бўлсанг ҳам, ўта чарчаган бўлсанг ҳам, ички бир эхтиёж ижодкорни ҳамиша ёзув столига тортади-ку?!

Вакт етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатувчи ёзувчи хақиқий ёзувчи эмас», — дейди Ойбек.

Беозор, бағри кенг, кўнгли бўш Ойбек, ўз ишига масъулиятсиз бўлган, ижоди талабга жавоб бермайдиган ёзувчига нисбатан ўта бешафкат бўлган, уларни хатто уюшма аъзолигидан чиқариш масаласини кўриб чиқиши таклиф этган.

1948 йилнинг 15 марта Ш.Саъдулланинг аризасига биноан Ёзувчилар уюшмасида хайъат йиғилиши ўтказилди. Ш.Саъдулла ўз аризасида унинг шеърлар тўпламига «Правда Востока» рўзномасида эълон килинган танқидий мақолага жавоб берилишини сўрайди. Йиғилиш шу муносабат билан чақирилган эди. Унга Шайхзода раислик қиласди. Ойбек сўзга чиқади. У сўзида Шукур Саъдулланинг шеърий тўпламини ўқиб ултурмагани, лекин албаттга ўқиб чиқиши ва китобнинг фазилат ва нуксонлари нимада эканлигини аниқлашими айтади ва шу муносабат билан ўзининг умуман танқид ва унинг роли хақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Ойбекнинг танқид хусусидаги хулосалари унинг ижодий принципи билан янада кенгроқ танишишимизга имкон беради. Ойбекнинг фикрича, танқид ёзувчиларни тарбиялашда жуда муҳим омил. Лекин бу масала да ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Айниқса, ёш ёзувчини танқид этишда ҳамма томонни — унинг ёшлиги, ижодга энди кириб келаётганини эътиборга олмоқ ва эҳтиёtsиз танқид билан уни синдириб кўймаслик керак. Аммо ўн йиллардан бери қалам тебратиб, ўзи устида ишламайдиган ва ўзини ҳамиша ёни ижодкорлар каторида деб билувчи ёзувчига нисбатан эса ўта жиддий муносабатда бўлмоқ керак. Шу принципдан келиб чиқиб, Ойбек Ш.Саъдулла шеърлар тўплами танқидга учраган бўлса, бунинг ачинарли томони йўқ, у ўзи учун хулоса чиқариб олмоғи керак, чунки танқидчи энди бошловчи шоирни эмас, балки 16 йилдан бери ижод майдонида қалам тебратиб келаётган шоирни танқид этган деб баҳолайди.

Ойбекни Ш.Саъдулла ва унинг шеърлар тўплами хусусида танқидий мақола юзасидан билдирган бу фикри унинг факт ижодий принципи белгиси бўлибгина қолмай, балки Ойбекдаги мантикнинг ўта кучлилиги, ундаи умумлаштиришга бўлган иқтидори белгиси ҳамdir.

Ойбек нутқларининг матни бизни урушдан сўнгти йиллар ичидаги қардош халқлар билан ўзаро адабий-маданий алоқани ўрнатишга эҳтиёж кучли бўлгани билан танишиди. Алоқани ўрнатишнинг асосий омилларидан бири эса, таржима масаласи. Қардош халқлар, энг биринчи ўринда Ўрта Осиё халқлари адабиётини таржима этиш ишларини йўлга қўйини лозим эди. Арман шоири Саят Нованинг шеърлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш масаласи муносабати билан Ойбек: «Арман адабиёти – энг қадимий адабиётлардан бири. Биз бадиий адабиётимизни бойитишимиз учун арман адабиётини ўрганишимиз керак», – деган эди. Ойбекнинг бу сўзларини факат арман адабиётини эмас, умуман ҳамма қардош ва чет эл адабиётини ўрганишимиз керак, деб баҳоласак бўлади, чунонки Ойбек Ташкент шаҳар ёзувчиларининг 1946 йилнинг 27 сентябрида бўлиб ўтган йигилишидаги нуткида ёзувчиларимизнинг катта йирик асар яратишга журъат этмаслигини улардаги «маданият запаси»нинг камчиллиги билан изоҳлайди. «Кўпчилик ёзувчиларимиз, – дейди Ойбек, – айниқса, ёшлар, факат рус маданиятини эмас, балки қардош халқлар адабиётини, ҳатто ўз адабиётини ҳам яхши билишмайди».

«Маданият запаси»ни (Ойбек «запас» сўзини «багаж» маъносида қўллаган) оширишнинг энг яхши йўли ўзаро мулоқотда бўлиш. Бунга эса таржима ёрдам беради. Таржима билан боғлиқ ишларни йўлга қўйини максадида 1945 йилнинг 6 сентябрида ўтказилган Ёзувчилар уюшмаси мажлисида қабул қилинган қарорга биноан таржима билан боғлиқ ишлар билан шуғулланиш Миртемир ва Шайхзодага топширилади. Уюшманинг ҳам адабий, ҳам ташкилий ишларида Миртемир, Шайхзода ва бошқа бир қатор шоирлар фаол қатнашиб тургани Ойбек нутқлари матнидан кўриниб турибди. Нутқ матнида бу номлар тез-тез тилга олиниб туради. Ойбек ҳар мажлисдаги чиқишлиарида бу адилларнинг фаоллигини таъкидлаб ўтарди.

Қардош халқлар адабиёти, Марказий Осиё адабиётини ўрганиш, таржима масалалари билан бир қаторда адабиётимиз олдида яна ўзбек халқини пахта етиширишдаги фидокорона меҳнатини ҳам маҳҳ этувчи асарлар яратиш масаласи туради.

Шу боисдан пахтакорлар хаёти, меҳнати билан яқиндан танишиш мақсадида кўпчилик ёзувчилар қишлоқларга, пахта далашари сафарбар этилган. Ёзувчиларга берилган ижодий йўлланмалар баъзан ўзини оқламаган ҳоллар ҳам бўлган. Ташкилий масалаларга бағишланган мажлисдаги ўз нуткларида Ойбек бу ҳақда жон куйдириб ганирган. Ойбекни бу каби масалалар юзасидан чиқишилари унинг табиатидаги яна бир чизгини тўлдиради. У ҳар бир қишини ўз ишини ўта вижданан бажариши тарафдори эди.

Иккичи жаҳон урушидан сўнгги йилларда халқимиз олдида турган бирдал-бир вазифа халқ хўжалигини тиклаш бўлса, адабиёт олдида турган вазифа, халқнинг ана шу мушкул ишини бажаришда кўрсатаётган фидокорона меҳнатими тўлаконли бадний асарларда ёритиб бериш эди. Мамлакатимиэда бундай меҳнат фидокорлари кўпчиликни ташкил этарди. Лекин, Ойбек нуткларида урушдан сўнгги давр адабиётимизда тарихий мавзу билан фольклор сюжетларига берилиш кучли бўлгани кайд этилади. Хусусан, драматургијамиздаги ахволни Ойбек тахлил этар экан: «Бизнинг драматургларимиз тарихий мавзу ва фольклорга берилиб кетиб, ҳозирги замон тематикасидан ажралиб қолди. Шу сабабли бизда шу пайтгача замонавий киши образини ҳаққоний ва тўлақонли акс этириб берувчи бирорта драматик асар йўқ», — дейди. Уруш йиллари халқда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга хизмат этган тарихий мавзудаги — «Жалолиддин», «Алномиш», «Навоий» асарлари ўрнини эндиликда вокеликни акс этирувчи асарлар эгаллашига эҳтиёж туғилди. Бундай асарлар эса йўқ, борлари ҳам талабга жавоб бермас, уларда вокелик ўта «примитив ва схематик» тарзда ифодаланган эди. Урушдан сўнгги давр поэзияси ҳам бу камчиликлардан холи эмас эди. Бу ҳақда Ойбек 1946 йилнинг 18 октябрида Ёзувчилар уюшмаси котибияти йиғилишида сўзлаган нутқида батафсил тўхталиб ўтади.

Ойбек нутклари матнидан у адабиётимизда учраб турувчи камчиликларни факат санаб ўтиш билан чекланмасдан, балки бу каби нуксонларни бартараф этиш борасидаги тадбирлар ҳақида ҳам тапиргани маълум бўлади. Уюшма кошида

турли адабий бўлимлар ташкил этилади. 30 дан зиёд ёш ижодкорлар Москва ва Ленинграддаги адабиёт институтига ўқишига юборилади. Ўзбек поэзияси на прозаси антологиясили чиқариш учун мутахассис таржимонлар жалб этилади, шу билан бир каторда рус ва чет эл адабиётидан намуналар таржима этишга киришилади. Хусусан, Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Гоголинг бир томлик, Пушкиннинг уч томлик асарларини, Горькийнинг хикоя ва повестлар тўпламини, Дантенинг «Илоҳий комедия», Байроннинг «Чайлъд Горольд», Саъдийнинг «100 кеч» асарлари таржимасига киришилган эди. Ойбекнинг «Кутлур қон» А. Каҳхорнинг «Кўшчинор чироқлари», F. Фулом, Зулфиянинг шеърий тўпламлари ҳам тўёна асарлар сирасини ташкил этди. Бу санага аatab Миртемир таржимасида «Одиссея» достонини чоп этиш ҳам мўлжалланди. Лекин ёзувчилар олдида факат яхши бадиий асарлар яратиш билан чекланмасдан, ёш авлод ёзувчиларини тарбиялашдек мухим вазифа ҳам турарди.

Биз мазкур мақоламиизда манба сифатида фойдаланган Ойбек нутқлари ва ёзишмалари адаб томонидан бевосита рус тилида ёзилган бўлиб, кўпчилигининг қўллэзма нусхаси Ойбекнинг уй-музей архивида сақланмоқда. Қўллэзмалардаги Ойбек нутқлари матнини кўздан кечирар эканмиз, Ойбекни рус тилида ўта саводли ёзганининг гуяҳи бўламиз. Бунинг боиси, Ойбек ўқиган йиллар ўқиш рус тилида олиб борилар эди. Унинг тилни эгаллашида бунинг таъсири бўлган, албатта.

1920 йилнинг ўрталаридан бошлаб Ойбекни жуда яхши билган ҳам дўсти, ҳам ҳамкарабаси иқтисодчи К.И.Лапкин биз билан килган сұхбатида Ойбек ва унинг рус тилига бўлган муносабати ҳакида қуйидагиларни сўзлаб берганди: «Иккита мактаб бор эди. Бири Ҳадрада жойлашган, бири Навоий иномидаги мактаб бўлиб, у 10 йиллик эди. Унда 5-синфгача ўқиш ўзбек тилида олиб бориларди, ундан юқори синфларда эса рус тилида. Ўқувчиларни олий юрга тайёрлаш максадида дарслар рус тилида олиб бориларди (у кезларда олий ўқув юртларида ўқиш факат рус тилида олиб бориларди – Р.И.). Бу мактабларда 5-синфгача рус тили маҳсус ўқитил-

маса-да, ўқувчилар билан бу тилни ўрганиш борасида машғулотлар олиб бориларди. Ўзбек болаларини рус тилига ўргатишнинг қийин томони тилдаги «род» масаласи эди. Қанчалик жон күйдириб тушунтирилса-да, ўқувчиларнинг ўзлаштириши суст борарди. Шунда Ойбек бу вазиятдан қутулишнинг йўлини топади. Унинг фикрича, рус тилини ўрганиш учун кўпроқ «ўкиш керак, ёзиш керак, ёдлаш керак. Ана шундан кейингина, яъни амалий машғулотларни ўзлаштиргандан сўнг, тилнинг грамматик қоидаларини ўрганишга киришмоқ лозим». Ҳақиқатдан ҳам Ойбек ҳақ эди. Биз синфларда ўқувчиларга кўпроқ рус тилидаги матнларни ўқитадиган, парчалар ёллатадиган, ўқилган кичик-кичик хикояларни гапиртирадиган бўлдик. Синфга турли кўргазмали қуроллар осиб қўйдик. Уларда энг кўп учрайдиган сўзлар ва уларни «род» и ёзиб қўйилган бўларди. Шу тариқа ўқувчиларнинг кўзини пинитардик, «Русский день» деб ном олган кун ўюнтирадик. Шу куни ҳамма рус тилида гапириши шарт қилиб қўйиларди. Бундан ташкари мактаб қошида интернат бўлиб, кўпчилик тарбиячилар руслар эди. Болалар уларга ўз-ўзидан рус тилида мурожаат этишга мажбур эдилар.

Рус тилини ўрганиш борасидаги тадбирларнинг ўқувчиларга ҳам ўқитувчиларга ҳам фойдаси катта эди. Шу сабаб Ойбек ҳам рус тилини тобора мукаммал эгаллаб бормоқда эди. Умуман, шу йиллари бу икки мактабни битирган ўқувчиларнинг кўпчилиги рус тилини жуда мукаммал эгаллашган эди.

Ойбек САГУ (хозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет)да ҳам сиёсий иқтисод курсини олиб борар, бу предметни у рус тилида ўқир эди. Бу ҳам унга рус тилини ўрганишини мукаммалаштиришда мактаб вазифасини ўтади. Ойбекнинг рус тилини барча нозикликлари билан эгаллашига уни таржима билан шуғулланиши ҳам катта ёрдам берди. Ойбек таржималари рус тилидаги асарларни ўзбек китобхонларига ўз она тилисида ўқиш имконини берибгина қолмай, ўзбек тилининг сўз бойлигини ҳам намойиш этади.

Ойбек жаҳон адабиётининг энг машҳур намояндлари — Данте, Байрон, Мольер, Генрих Гейне, Анатоль Франс, Эмил

Верхарн, И.Крилон, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Г.Белинский, М.Горький ва бопқаларнинг асарларини ўзбек тилига таржима килди.

«Ойбек ўз умрида фақат Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини таржима қилиш билан чекланганда ҳам адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида номи абадий қолган бўлар эди», — деб ёзганди Иззат Султон. Ижодкор учун бундан юкори баҳо бўлмаса керак.

Ойбек фақат бадиий таржима билан шуғулланмай, рус адабиёти ва собиқ Иттифоқ ҳалклари адабиёти классикларига бағисплаб мақолалар, монографик характердаги тадқиқотлар ва проблематик мақолалар ҳам ёзган. Унинг қаламига мансуб бу ишларда Ойбекнинг адабий-танқидий қарашлари ўз ифодасини топган бўлиб, улар бизни адаб ижодининг янги бир кирраси билан таништиради.

Ойбек нутқлари матнини ўрганиши бизга ёзувчи ижодининг янги бир қирралари билан танишиш имконини берса, ёзишмалари ижодий режаларидан воказиф этса, замондошларининг хотиралари уни қандай олижапоб инсон булганидан дарак беради. Мазкур тўпламнинг юзага келиш сабабларидан бири ҳам шундадир.

«У гўзал инсон эди, — дейди Ойбек ҳақида Н.Тихонов, — у улкан ҳаёт кечирди. Унинг ҳаёти хеч кимнинг ҳаётига ўхшамайди. Ойбек адабиётимизнинг кўрки эди».

«Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади...», — деган эди Абдулла Қаҳҳор Ойбек ҳақида, Ойбекнинг 20 томлик мукаммал асарлар тўплами А.Қаҳҳор қайд этган адаб ижодий фаолиятининг самарасидир. У ижод ишқида яшади. Унинг умри яратган асарларида давом этмоқда.

## **ДЎСТЛАР НАЗДИДА...**

«Дўстингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтаман», деган мақолдан келиб чиқиб, бизда Ойбек домланинг атрофидаги дўстлари, яқинлари, шогирдларини ўрганиш ва уларнинг Ойбек ҳақидаги фикри билан танишиш истаги туғилди. Бу истакнинг

натижаси сифатида мен машқур рус ёзувчиси Тихонов Николай Семёнович билан Москва (Переделкино)даги дала ҳовлисида учрашдим, адабиётшунос Кедрина Зоя Сергеевна билан мулоккотда бўлдим, Ҳомил Ёкубов, Матёқуб Қўшжонов, Миркарим Осим, Куддус Мухаммадий, Жуманиёз Шарипов, Кузьма Иванович Лапкин ва бошқа бир катор олим ва шоирлар, Ойбек шиниг фарзандлари ва яқинларининг сухбатини олдим. Бу сухбатдан, азиз китобхон, Сизни ҳам баҳраманд этиш пиятидамиз.



*Oйбек домла рафиқаси ва қизи Гулранг*

# ДҮСТАЛАР НАЗДИДА

**Николай Тихонов:**

## «КИЧИК ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ...»



Ойбек ёзувчи сифатида ўз замондошлигининг, хусусан, мунакқидларнинг катта ҳурмат ва муҳаббатига сазовор. Бинобарин, у хақда сўз юритиш, уни хотирлами учун асос бор. У нихоятда тийран ёзувчи эди. Унинг Ўзбекистонга бағишиланган романларида гарчанд она-Ер мавзуи кўтарилиган бўлса-да, уларнинг мазмун доираси бениҳоя кенглир. Унинг дастлабки «Кутлуг қон» романиёқ ҳалкнинг ҳаётий шарт-шароитларини ўзгартиришга бўлган шиддатли интилиши ҳақида нақл юритади. Унинг улкан тарихий романи — «Навоий»да тасвир этилган воқеалар эса ҳозирги Ўзбекистоннинг тасарруфидан четга чикиб, бугунги Афғонистонга қарашли шахар ва қишлоқларда рўй беради. Унинг саёҳатлари натижасида вужудга келган «Покистон таассуротлари» ва «Нур кидириб» асарлари эса қўшни Покистон тўғрисида хикоя килади. Бундан ташқари, адабнинг урушдан кейинги йилларда яратган «Олтин водийдан шабадалар» романи янги дунё, янги кишилар, янги таассуроглар ҳақидаги, мутлақо бошқача шландаги асардир. «Куёш қораймас» романига келсак, у хам бизда ўзига хос таассуротлар оламини уйғотади. Шундай килиб, унинг насрый мероси ҳаётимизнинг кент иполтоноси бўлиб, ўзига доимий дикқат-эътиборни жалб этади.

Ойбек қаламига мансуб асарлар ўзбек адабиёти хазинаси-дангина жой олиб қолмай, балки адабиёт хазинасига, хатто жаҳон адабиёти хазинасига хам кирган.

Бирок гап шундаки, Ойбек шоир ҳам эди. Биз унинг қатор достонларини, хусусан, ёшлик чөгларида ёзган шеърий асарларини яхши биламиз. Мен шу муносабат билан унинг Ҳамза тўғрисидаги достони устида тўхтамокчи эдим. Урушдан кейинги даврда ёзилган бу достон ажойиб инсон ва Ўзбекистон маданиятининг машхур арбобига бағишиланган. Бу валломат зотнинг қаҳрамонона жасорати шу қадар маълум ва мапхурки, ҳатто унинг жасади дафн этилган жой Ҳамзаобод деб аталган.

Хуллас, Ойбек колдирган улкан мерос билан танишар экансиз, ўзингизни бениҳоя истеъдолли ва билимдон инсон билан мулоқотда бўлгандек ҳис этасиз.

Бундан ташқари, Ойбек таржима билан ҳам шуғулланди. Пушкин («Евгений Онегин»), Лермонтов («Маскарад»), Гёте («Фауст»), Горький ва бошقا кўпгина ёзувчиларнинг асарларини таржима қилди. Ҳолбуки, таржима санъати бадиий ижоднинг бошка бир соҳаси бўлиб, факат ёзувчи истеъдолдининг серкирралигидан шаҳодат берибгина қолмай, унинг сабот ва матонатини ҳам белгилайди.

Қолаверса, Ойбекнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолиятидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Ойбек бир неча чақириқ давомида Олий Конгуш аъзоси ва Тинчлик учун куранш Ҳалқаро ҳаракатининг иштирокчиси бўлиб келди.

Унинг инсоний сифатларига келсак, у ўзига хос, гўзал инсон эди. Лекин унинг гўзаллиги юз кирраларининг тузилишида, кўзларининг айрича бир ифодасида ва ҳоказоларда эмас, у қалбан гўзал инсон эди. Унинг ҳис-туйғулари, хаяжон ва бошқа кечинмалари сипо чехрасида ўз ифодасини топган.

Биз у билан бирга Покистон сафарига чиққанимизда, ғайритабиий шароитларда яшадик. Айнакса, Афро尼стоннинг хилват гўшаларида ювиниш, соч-сокол олиришдек зийнатга эга бўлолмадик. Сочларимиз ўсиб, елкага қадар тушди. Бу, шубҳасиз, иркитлик аломати эди. Лекин у қандайдир поэтик қаҳрамонга масалан, Отеллога ўхшаганлиги сабабли (у саҳнада хеч қандай гримсиз Отелло ролини ижро этиши мумкин эди) бу нарса унга фавқулодда ярашган эди. Дарҳақиқат, унинг

навқиронлик ва жүшқинлик балқитан күзлари, елкага қадар осилиб түшгән сочлари шу қадар Отеллони эслатар эдикі, бу ҳол ҳатто латифанамо бир ходисаниң юз беришіга сабаб бўлган (мен бу ҳақда куйироқда сўзлаб бераман).

Ойбекнинг оддий холлардаги ташки қиёфасига келсак, ҳамиша юз-чехрасидаги ифода унинг маданийлигини эслатарди, у билан сухбатлашиш ўта қизиқарли эди. Москвада, ёзувчилар орасида унинг дўстлари кўп эди. Улардан бири менинг ҳам, унинг ҳам яхши дўстимиз Володя Луговскойдир. Ойбек ҳар доим бирор муҳим масала билан башд, мубоҳасаларимизнинг фаол қатнашчиси эди. У ўша давр адабиёти олдида турган барча катта масалаларга бош-кош бўларди. У Москвада чиндан ҳам меҳмон эмас, балки пойтахтда ўтказилган турли съездлар, конференциялар, мунозараларнинг иштирокчиси саналарди.

У нафис, таъсирили ва батафсил нутқ сўзлай олувчи нотик эди.

Биз Тошкентта, унинг хонадонига меҳмонинга келгапимизда, унинг уйи қабул маросимлари ўтказиладиган масканга, баъзан эса катта байрам йиғилишларига айланар эди. Ёдимда бор: Навоий юбилейи муносабати билан Тошкентта барча кардош республикалар ва кўшни мамлакатлардан меҳмонлар тўпланди. Улар орасида Шаркнинг ажойиб шоири, фахрий меҳмон Аҳмад Файз ҳам бор эди. Биз ҳаммамиз Ойбек хонадонига таклиф этилдик ва бу хонадон шеър, кўпик янграган масканга айланди. Барча тилларда дўстона нутклар янгради. Бу бизга гўё юбилей олди йиғилиши эмас, балки дўстлар гурунги, дўстлар кенгashi бўлиб туюлди. Бу ҳол Ойбекнинг накадар машхур ва маълум эканидан, ўз меҳмонларини самимият билан кутиб оладиган ажойиб мезбон эканлигидан далолат берарди.

Шубҳасиз, Ойбекнинг оиласи ҳам ажойиб оила. Мен орадан кўп йиллар ўтса ҳам унинг фарзандлари улғайиб, ҳаётда ўз ўрнини топган бир пайтда ҳам улар билан кўришиб тураман. Мен бир куни ҳазил-мутойиба килиб, уларнинг оиласи оддий бир оила эмас, балки Фанлар академиясининг аъзолари, «кичик Фанлар академияси», — деб айтган эдим.

Чиндан хам уларнинг бари илмли, маданиятли, замонавий киппилар. Хуллас, Ойбек мероси ипончли қўлларда.

Мен Ойбекнинг адабий мероси 20 жилдан иборат қуллистда эълон қилинаётган ва ҳозирги кунда бу қуллиётнинг 11 жилди чои этилганини зўр мамнуният билан эшидим. Шубҳасиз, ана шу улкан мероснинг муҳим бир қисмини Ойбекнинг Навоий ҳақиқдаги бадиий ва илмий асарлари ташкил этади.

Мен Ойбек билан кўпинча Москва ва Ленинградда учрашганман. Чамамда, бизнинг дастлабки учрашувларимиздан бири Ленинградда бўлиб ўтган. Агар хотира менга монелик қилмаётган бўлса, бу уруп арафасида эди. Зероки, ўшанда Навоийнинг бўлажак юбилейи хақида гап борган эди. Тўғри, юбилей уруп туфайли кечикирилди. Бирок ўшанда бир қанча ёзувчилар тўпланган, улар орасида эса, яхши эсимда бор, Ҳамид Олимжон билан Ойбек хам бор эди. Биз Детское селода, тўғрироғи, Пушкинада, лицей ва парклар оғушида, шоирона бир муҳитда учрашиб, юбилейни қандай ўтказиш тўғрисида келишиб олдик. Уруш бизнинг режаларимизни ўзgartириб юборди. Аммо хар калай бу юбилей кейинчалик ўтказилди ва Ойбек унинг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Ойбек йиғин ва анжуманларнинг гули эди. У адабиётимизнинг кўрки бўлиб колди.

Шундай даврлар бўлганки, Шарқ адилларининг замонавий маънодаги насрга ўтишлари бепихоят машаккатли кечган. Кенг миқёсга молик соф тарихий роман эса бўлмаган. Янги типдаги шоир ва ёзувчилар кейинчалик пайдо бўлганлар.

Шулардан бири С.Айний хам классик адабиётдаги насрдан замонавий прозага ўтиш йўлини ахтарди ва топди; зероки, у Горький ижодидан баҳраманд бўлган эди.

Ойбек ўз услубини, ўзига хос ифода йўлларини ахтарар экан, катта тарихий-адабий материални пухта ўрганди. Унинг олим ва адаб сифатида олиб борган изланишлари натижасида замонавий адабиётнинг ажойиб асарларидан бири пайдо бўлди. Бу фикр унинг шеър ва достонларига хам тааллуклидир. Агар унинг нима учун, масалан, Ҳамзага мурожаат этиши сабабларига келсак, шуни айтиш керакки, у Ҳамза

образида маданиятнинг юзага келиши даври учун характерли сиймони топди.

Мен Ойбекнинг нима учун Ҳамза мавзуига мурожаат этганини тушунаман. Лекин бу достонни тўла таржима этиб улгура олмадим-у, достоннинг хотимаси — «Ҳамзанинг қабри» деб номланган нарчани таржима қилдим. Назаримда, Ойбек бу нарчада Ҳамза хаётининг мазмунини, унинг барҳаётлигини жуда яхши ифодалаган:

*Она тупроқда шоир ётибди баланд.  
Бир-биридан чўққидор тоғлар давраси —  
Таъзимкор қуршабди эрк ва нур куйчисин,  
Тоғлардек юксак, маҳкам халқ хотираси.*

*Қалбимиз тўла севгинг, қучоқларда гул,  
О, Ҳамза, биз бош эгдик қабрииг олдида.  
Бир қабрки, ҳамиша ҳурматга лойик,  
Наслларнинг ҳамиша хотирасида...*

Бу достон рус тилига тўла-тўқис ва мукаммал таржима қилинган деб ўйлайман.

Шуни айтиш керакки, Ойбек шоирона табиат соҳиби эди, аммо бу ҳол унинг наср билан шуғуллаништига ҳалал бермади. Зероки, наср ҳам, назм ҳам қарийб муштарак ҳодиса. Пушкин айттанидек, геометрия ва шеъриятдек илҳомни тақозо этади. Бу гапда ҳакиқат бор. Дарвоқе, Ойбекнинг илҳом булоги доимо жўшиб туради. Биз буни мамлакатимизнинг барча ҳалқлари Пушкин юбилейига тараддуд кўраётган кезларда, айникса, ёркин хис этдик. Ойбек Пушкини таржима килар экан, унга ҳалал бермасликлари учун Чимёнга чиқиб кетган эди. Ўша пайтда Чимёңда яшаш учун шароит бўлмагани сабабли, у ўтовда яшади. Ўтовда яшаш завқли, Чимённинг табиати эса хушманзара ва фусункор эди. Шу сабабли Ойбек таржимасидаги Пушкин мисралари табиатнинг бундай ажаб манзараси билан ҳамоҳанг чиқди.

Ойбек Чимён билан хайрлашар экан, «Гўзал Чимён» шеърини ёзади. Бу шеърда «капалаклар, күшлар «тўйи» авж олган, «оқ шуълалар» мавж урган тоғ ва бўстондан олган хайратини ифодалайди:

Шошқин сувлар – суюқ инжу,  
Оқар гүё жонли құшиқ.  
Күйлар ила ҳаво тұлық...  
Хаёт саси ва севинчи.

...Күркам, ҳайбат қоялардан  
Жимжит оқар әди зар нур.  
Оқ шуылалар манжи зұхұр –  
Этар әди узок қордан.

...Завқ-ла қылдым мен томоша  
Чақмоқларнинг илонини.  
Оғочларнинг фаредини,  
Боқдым, құчдым тотли хулә.

Ана шундай латиф табиат оғушыда Пушкиннинг шеърлари ҳам охандор жаранглади. Ойбек ёзади:

Пушкин ила ўтөө ичи  
Ярқиради бутун кечә.  
Тотдим унинг сева-сева  
Нашъасини ва дардини.  
Пушкин әди менға лутфан  
Мангу порлоқ фикри ила.  
Шеърнинг эзгу оташига  
Күч ва илдом бағыллаган.

Ойбек ўз түйғуларини шеърий асарларга күчирипса мохир әди. Буни сиз ушбу шеърнинг ҳатто русча таржимасидан ҳам сезилингиз мумкин. У чиндан ҳам яхни лирик шоир әди. Ойбекнинг мен таржима эттан «Наъматак» шеъри фикримнинг исботидир. Бу шеърда Ойбекнинг шоир учун зарур бўлган фазилатлари, аниқ нигоҳу ва шоирона қалбга эга бўлганини сезип кийин әмас. У тоғлар ўркачида ўстган бир туп наъматакни шунчаки кўрибина қолмай, унинг ҳаракатига, чайқалишига ҳам разм солади, ана шу чайқалишида наъматак раксини кўради.

Тоглар ҳавосининг фирузасидан  
Майин товланади бутун ниҳоли.  
Ваҳший қояларнинг ажаб ижоди:  
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,  
Күёшга бир сават гул түтиб хурсанд.

Ойбек наъматакнинг чайқалиб туришини шундай хисэтади. Мен унинг бу шеъридаги рухий ҳолатга киришга, унинг жозибасини бошқа тилда саклаб қолишга харакат қилдим.

Шуни айтиш керакки, мен таржима қилишим мумкин бўлган шеърларни Ойбекнинг ўзи танлаб берди. Мен уларнинг ҳар бирини синчилаб ўргандим. Ойбек бу шеърларни кайта-кайта ўқир экан, мен уларнинг транскрипциясига эътибор бердим, шеърий хусусиятларипи ўргандим, яна бошқа тафсилотларни хам сўраб олдим.

Ойбек мени қизиқтирган саволларга жавоб бериб туриб, Чимён тўғрисида сўзлар экан, ундаги ҳаяжон менга ҳам кўчди. Бу, ҳар қалай, ижодий жараён эди. Ойбекнинг иштирокисиз бу шеърларни таржима қилиш ҳар ҳолда кийин кечарди. У ҳамиша мен билан бирга бўлди, ўзининг ва Пушкиннинг ўзи таржима қилган мисраларини қайта-кайта ўқиди. Биз шу баҳона ранг-баранг мавзуларда сұхбатлашдик. Умуман, у адабиёт тўғрисида, шеърият тўғрисида, хаёт тўғрисида завқ-шавқ билан сўзлай биладиган ажойиб инсон эди.

Ойбек асарларида ўз ифодасини топган туйгулардан бири ўз ватанининг ўтмишини, улкан сиймоларни қадрлаш туйғусидир. Ойбек ўз ватанини куйлаган, асарларини авлодларга колдирган сиймоларни унутмади, уларнинг ўлмас образларини яратди.

У ҳеч кимниги ўхшамаган улкан хаёт кечирди. Агар Ойбекнинг ва у билан ҳамнафас яшаган гаройиб инсон ва катта сағъаткор Faфур Еуломитонг хайкаллариши ёима-ёп қўйсангиз, бир-бирларига асло ўхшамаганларидек, уларнинг хаётлари ҳам бир-биридан тафовут қиласди.

Тинчлик учун кураш харакати бошланиб, ҳар бир мамлакатда миллий комитетлар пайдо бўлганда, Ойбек ҳам четда туролмади. У бу ишнинг ахамиятини тушунар ва унинг айниқса, Шарқдаги обрўси кўп фойда келтиришини сезар эди.

Ёша пайтда Покистон Ҳиндистоннинг бир қисми эди. Факат 1947 йилга келибгина у Ҳиндистондан ажralиб чиқиб, ўзининг мустақил давлатини тузди. Биз бу давлат

тўғрисида бирор тасаввурга эга эмас, бизнинг давлатимиз билан Покистон ўртасида ҳеч қандай алоқа мавжуд эмас эди. У ерда бизнинг на элчихонамиз бор эди ва на ваколатхонамиз. Карадида бор-йўғи икки кишимиз – ТАСС мухбири билан яна қандайдир савдо ходими бор эди, холос. Ана шундай бир даврда биз Лохур тараққийпарвар ёзувчилари уюшмасидан уларнинг съездига қатнашиш учун таклифнома олдик.

Мен делегацияга Ёзувчилар уюшмасининг котиби сифатида, Мирзо Турсынзода эса Покистоннинг қўшиниси – Тоҷикистон вакили сифатида кирдик. Эрон маданияти руҳида тарбия тоғган Покистон зиёлиларига тожик тили яқин бўлгани сабабли, Мирзо Турсынзода шеърлари мезбонларимизга тушунарли эди. Ойбек ҳам Шарқ мамлакатларига маълум ва машҳур алиб сифатида мазкур делегацияга киритилди. Биздан талиқари, делегацияда москвалик шоир, «Москвача характер» пьесаси билан кент танилган А.Сафронов ва дипломатияга алоқадор яна бир ўрток ҳам бор эдилар.

Биз мамлакат бўйлаб сафар килиш билангина чегараланмай, маҳаллий шоирлар билан ҳам учрашувлар ўтказишимиш керак эди. Бирок биз Афғонистонда учрашувлар ташкил этолмадик. Лекин Покистоннинг аксар шаҳарларида бундай имкониятдан фойдаланиб, жамиятнинг турли-туман катламлари ўртасида сўзга чиқдик. Биз у ерда, айниқса, машҳур Лохур шаҳрида ўрта аср мусулмончилигига хос қора реакция билан бирга тараққийпарвар зиёлиларининг қудратли тўлқини ҳам борлигига амин бўлдик. У ерда бизни на шеърларимизни яхши қабул килишибди. Хуллас, бизнинг сафаримиз кўп жиҳатдан фойдали бўлди.

Афғонистонда темир ўйлар, самолётлар эса қишида учмаганлиги сабабли, қайтишда олис на машиқватли йўлни машинада босиб ўтдик. Аммо сафаримиз турли, баъзан бир-бирига зид таассуротларга тўла бўлди. Каради, Лохур каби катта шаҳарлар Афғонистон шаҳарларидан, ҳатто Қобулдан ҳам жиддий фарқ киласди. Йўл хароб водийлар ва қишлоклар оша ўтар, уларда қаріб-қартайган кипнилар, қалаандару дарвешлар кўзга чалинار эди. Шулардан бири – бўйнига

ковоқ идиш осиб олган, дайди бир чол Ойбекка яқинлашиб ҳайрат билан тикилиб қолди. Биз дастлаб унинг Ойбекка қандайдир бир хайрихохлик билан тикилаётганига тушунолмай турдик. Бирок у бир пайт Ойбекка яқинлашиб, чопонининг чўнтағига қўл тиқдида, бир бўлак новвот олди. Кейин новвотни бир ялаб олиб, чин юракдан берилган ҳадя сифатида уни Ойбекка узатди. У одам офтобдан қорайган, сочлари елқасига ўсиб тушиб, кўзлари ёниб турган Ойбекни ўзига ўхшаган дарвеш деб ўйлаб, уни новвот билан сийламоқчи бўлган экан.

Шубҳасиз, бу латифага ўхшаш бир ҳодиса. Аммо сирасини айтганда, Покистон сафари бизга унтилмас таассуротлар бағимлости. Бу таассуротлар менда ўзгача, Ойбекда ўзгача талқин топди. Биз мазкур саёҳат хотираларини ҳам насрой, ҳам шеърий йўл билан нақл килишга уринидик. Саёҳат самара-лари ўлароқ, Ойбекнинг «Покистон таассуротлари» очерки ва «Нур қидириб» киссаси пайдо бўлди. «Нур қидириб» узок даврлар мобайнида жаҳолат ва фафлатда ётган ҳалқни нур сари етаклашга интилган Покистоннинг янги кишилари тўғрисидаги киссадир. Сафар якуни сифатида яратилган бу асарлар китобхонларнинг дикқат-эътиборларини қозонди ва улар бошка тилларга ҳам таржима қилинди.

Ойбек ўша йиллардаёқ тинчлик ҳомийсининг шарафли вазифасини ўташга тайёрланган эди. Кейинчалик эса бу жабхада ниҳоятда фаол иштирок этди. Мен якинда унинг 1961 йилда ёзган мактубини топиб олдим. У мазкур мактубда роман устида ишлабтанини ва ўзини яхши ҳис этаётганини айтгач, Тинчликни ҳимоя қилиш комитстининг калифорниялик аъзоси (АҚШ) Полингнинг хатидан хабардор қилган эди. Полинг ўз хатига «Ядро қуролининг тарқалишига йўл кўймаслик хақидати мурожаат»ни илова этган на унга имзо чекишини Ойбекдан илтимос қилган экан.

Бу унинг тинчликни ҳимоя қилиш жабҳасидаги фаол иштирокини кўрсатувчи беҳисоб ҳодисалардан биридир.

Ойбек жамоа кишиси эди. У кўп кишилар билан дўстона муносабатда бўларди. Ана шундай кишилар қаторида, шубҳасиз, рус ёзувчилари ҳам бўлганлар. Бизнинг умумий хўжали-

гимиз бўлмиш Бутуниттифок адабиёти ҳам бизни яқинлаштирумай иложи йўқ эди.

Мен ёзувчиларнинг I съездидаги, Горькийнинг топширигига кўра, сўзга чикиб, республикалар ўртасидаги, милллий адабиётлар ўртасидаги сукунат деворини буэй ташлашимиз керак, зотан, агар бир-биримиз билан яқинлашмасак, агар дўстларимиз нима тўғрисида ёзаётганларини билмасак, кандай қилиб, улар билан ҳамкорликда умумий ишимишни олға силжитишмиз мумкин, деган эдим. Чиндан ҳам тупрок деворлари бузилиб колхоз учун умумий далалар барпо этилганидек, сукунат деворини бартараф этиб, барча республикалар ва миллатлар учун умумий адабий минбарни яратиш зарур эди. Мен шундан мамнунманки, турли республикалардан Ойбек сингари илғор кишиларни топиб, улар билан дўстлашдик. Улар биздан, биз эса улардан баҳраманд бўлдик. Ойбекдек ёзувчилар тобора камол топиб бораётган адабиётимиз учун, айниқса керакдирлар.

Биз Ойбек биографияси ва асарлари билан қанчалик кўп шуғуллансанак, ўзбек ёзувчисидан аллақачонок жаҳон ёзувчи сига айланган ва халқаро миқёсда танилган бу атоқли адабининг сиймосини шунчалик инкишоф этган бўламиз. Унинг асарлари адабиётимизнинг янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга, бошқача қилиб айтганда, ёш ёзувчилар бу асарлардан кўп нарсани ўрганадилар, улар навқирон авлод учун ҳамиша ўрнак бўлиб қолади. Шу маъниода юбилей кунларининг ўтказиб турилгани яхши. Бизнинг давримизда юбилейлар кенг нииёнланади. Бу нарса Ойбек биографиясининг саналарига ҳам тааллуқли. Ойбек ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқнинг меҳр-мухаббатига сазовор бўлган адаб, шу боисдан ҳам унинг китоблари, қўлёзмалари ва буюмлари эпидиликда муайян бир жойга тўпланишини ва бу жойда у яшаган ва ижод этган муҳит анқиб туришини истар эди киши. Кисқарок айтганда, унинг хотирасига бағишлиланган қандайдир мемориал зарур. Бу нарса учун янги бир бино қуриб, уни музейга айлантиришининг ҳожати йўқ. Унинг хусусий уйи ана шундай мемориал бўлиб хизмат этиши мумкин. Зероки, бу уй биринчидан, Ойбек яшаган ва ишлана-

ган давр кишиларига мансуб маскан бўлса, иккинчидан, бу уйда унинг асарлари вужудга келган.

Ёдимда, мен бир куни ундан қаерда ишлани кўпроқ ёкиришини сўраган эдим, у менга: «Факат ёзув столида эмас»,

деб жавоб берди-да, кичкина хонадаги хонтахта ёнида ўтириб ижод этишини айтди. Ўз даврида Навоий ҳам ана шундай хонтахта олдида ўтириб, ўзининг ўлмас ғазалларини яратган. Бу кичкина детал ҳам Ойбекка хос усульнинг ўзига хос йўналишидан ҳикоя қиласди. Шунинг учун ҳам бундай мемориалнинг барпо этилиши менга ниҳоятда зарур бўлиб туялади.

Мен Тошкентни турли адабий ҳазиналарни ўзида жамулжам эттан Навоий музейидан ташкари, Ўзбекистоннинг улкан, эндиликда эса классик адаби бўлиб қолган дўстимиз Ойбекнинг хотирлап масканни билан ҳам яқин орада бойишига астойдил ишонаман.



*Ойбекнинг рафиқаси профессор  
Зарифа Сайдносирова фарзандлари билан*



Оùбек уй музейи директори  
Ойнур Бекжоновна Тошмухамедова

**Ҳомил Ёқубов:**

## НЕВА БҮЙЛАРИДА...



**Б**из (12 ўкувчи) тўрт йил давомида Ойбек билан Тошкентда очилган Навоий номидаги таълим-тарбия техникумидა ўқиб, бирга интернатда яшаб, 1925 йилда битирдик. Ойбек орамизда энг аълочи ўкувчи эди. Унинг илк ижоли техникумда ўқиши йилларидаёқ анча шаклланиб, ёш шоир сифатида кўзга кўриниб, марказий матбуот сахифаларида ҳам шеърлари чиқа бошлаганди.

У бошка синфдоши ўртоқлари сингари, мактаблардан бирига ўқитувчилик вазифасига тайинланди. Айни замонда Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ)нинг ижтимоий фанлар факультети иктисод бўлимига ўқишга кирди.

У вақтда университетда ўқишлиар кечки бўлиб, Ойбек мактабда дарслари тутагач, түғри университетта боришта мажбур эди. Лекин вақти канчалик тиғиз бўлмасин, у шеър ёзишга, ижод қилишга ҳам фурсат топа оларди.

Техникумда бирга ўқиган синфдошим Сайдвали Шарафиддинов билан аввалига бир йил САГУнинг физика-математика факультети биология бўлимида ўқидик. Бир йилдан сўнг эса Ленинградга кетиб, Герцен номидаги педагогика институтининг табиат бўлимида ўқишимизни давом эттира бошладик.

Иттифоқо, 1927 йилнинг куз фаслида Ойбек Ленинградга келиб қолди... Одатий салом-аликдан сўнг биз тезрок Ўзбекистондаги ахволни билишга қизиқдик. Ойбекнинг хикоя қилишича, Ўзбекистонда мафкура майдонида кескин кураш бошланибди. Адабиёт соҳасидаги ёт мафкурага карши кураш

масаласида матбуот саҳифаларида кўтарилиган баҳсларда Ойбек хам катнашибди. Бу ҳақса Ойбек шу қадар кўйиб-ёниб сўзлардики, адабиёт аллақачон ҳаётининг ажралмас қисмига айланганинг гувоҳи бўлдик. Унинг фикрича, ижодкор аввало ғоявий барқарор ва ўта билимдон бўлмоғи шарт. «Ўзи тўғри йўлда турмаган ёзуви ўзгаларни ҳам асло ҳақ йўлига бошлай олмайди», — деганди у. Шундан сўнг сухбат инсон умрининг мазмуни ҳакида кетди. Шунда Ойбек кулимсираб: «Ўзимизни доим осмон санаб юрар эканмиз-у, аммо аслида бошқалардан кўп фарқ қилмайдиган иссикқонли типик бир жон эканмиз», — деб колди. Маълум бўлишича, ўтган йил (1926)нинг киши чилласида у беҳосдан ангинадардига йўлиқиб, қаттиқ иситмалаб қопти. Врачлар шошилинч чора кўриб, операция қилипти. У томогидаги жароҳат асоратини кўрсатди-да: «Бир ўлимдан қолдим», — деб кулиб кўйди ва «Тузалиш олдида» сарлавҳали шеъридан биринчи тўртлигиши ёддан ўқиб берди.

Кейин Ойбек бизга САГУ ижтимоий фанлар факультетининг иккинчи курсини тамомлаб, таҳсилини Плеханов номидаги Ленинград ҳалк хўжалиги институтига кўчиргани ва Невский проспектидан (у вақтда «25 Октябрь проспекти» деб аталарди) бир ҳона топиб жойлашганини гапириб берди. Энди ҳамма имкониятлардан яхши фойдаланиб, факат ихтинос фанларини ўзлантiriш билан қаноатланмасдан, мустақил мутолаа йўли билан адабий-назарий маълумотини чукурлаштириш, рус ва ғарбий Европа бадиий ижод ҳазиналари билан яқиндан танишини ниятида эканини ҳаяжонланиб сўзлайди.

Ленинграднинг фавқулодда обод манзаралари, осори-атиқалари, муҳташам кошоналари, маданият, санъат ва адабиёт ёдгорликлари, «Эрмитаж» музейининг кўзни қувонтирувчи бебаҳо бисотлари, шаҳар атрофи кўркамликларининг ўзиёқ студент-шоирнинг ақл-заковати, ҳиссисёти оламини бойитар, қалбида ўчмас излар колдирав, уни илхомлантирав эди:

*Шаҳар – гаво, исёнларнинг булоги,  
Ағдарилди қанча қонли саройлар.  
Даврларни яшнаттирмиси қучоги,  
Сийнасида сўнгсиз кучлар қайнайлар...*

Асрларнинг тоғ гавдасин орқалаб,  
Шаҳар ботир чин ҳаётга йўл солар.  
Наъра тошган кўчаларни оралаб,  
Юрар экан, қалбда сездим долгалар.

Ойбек олий маълумотини шу муаззам, ажойиб шаҳарда тугаллашга қарор килиб, бутунлай ижодий меҳнатга шўғлиб кетди. Кунлардан биррида Ленинград университетининг тарих-филология факультетига ўқишга кирган Манион Эминжон Ойбекка (у ҳам техникумда бизга курсдош бўлган) шу факультетнинг юқори курсида қозок ёзувчиси Мухтор Аvezov таҳсил олаётганини айтди. Ойбек вақт топиб, у билан танишмоқчи бўлди. Ниҳоят, улар университетнинг уаун коридорида (йўлагида) учрашишди. Мен ҳам бу учрашувнинг шоҳиди бўлдим. Дўстона, жонли, самимий сухбатнинг охирида Аvezов, Оржоникидзе номидаги Шарқ тиллари институтида туркий тиллардан лекция ўқиб турган домла Иван Кузьмич Юдахин ўзбек тили бўйича студентлар билан амалий машғулот олиб бориш учун ёрдамчи қидириб юрганини айтди... Худли шу сухбатда келажакдаги икки буюк адабиётларининг дўстлиkkагина эмас, икки кардош халқ адабиётларининг дўстлигига ҳам асос солинган эди.

Ойбек Юдахинга учрашиб, шарқ тиллари институти жамоаси билан ҳам боғланди. Бу ерда айтиб ўтилган вазифани бажариш қаторида ўзи ҳам соме (эркин) студентдай бўлиб қолди: академик В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, Рамаскевич сингари йирик шарқшунос олимларнинг маърузаларини тинглади. Уларнинг асарларини жиддий ўқиб ўрганди. Айниқса, В.В.Бартольдинг Ўрта Осиё тарихига доир китоблари, унинг таҳрири остида чиккан «Мир-Али-Шир» деган асари, Навоий даври, хаёти ва ижодига бағишлиланган илмий асар унинг жон-дилидан яхши кўрган китоблари эди. «Яхши китоб, — дерди Ойбек бизларга, — ҳар бир киши учун фақат билим озигигина эмас, балки унинг мустакил карашларини шакллантиришга ва жамият ҳаётидаги ўрнини топиб олишига ҳам ёрдам берувчи воситадир».

Ойбекнинг бизга айтишича, Бартольд кўримсиз, паст бўйли киши бўлган. Бунинг устига, жуда минирлаб паст овозда туғилиб-тутилиб лекция ўқиркан. Ҳатто оркада ўтирувчи студентлар унинг лекциясига кулок солмас эканлар. Ойбек олимнинг шундоккина рўпарасига ўтириб лекциясини эшитар экан. «Бу олимнинг Ўрта Осиё тарихига доир билими сира суви тугамас дарё эди, — деб тушутиради у ўртоқларига, — хеч қаерда эълон қилинмаган, янги экспедициялардан тўплаган маълумотлардан хабардор этарди».

Бу даврда Ойбек мазкур институтда ўкиб турган шоир Абдулла Алавий билан дўстлашади, бир вактлар техникумда маълум муддат бирга ўқиган Одил Шаропов билан яқин мулоқотда бўлади. Шуни айтиш керакки, Ленинградда тахсил олаётган ўзбеклар анчагина бўлишига қарамай, Ойбек камдан-кам одамлар билангида дўст гутинарди. У кўпроқ хаётга файласуфона нигоҳ билан қарай оладиган, ўткир билимли тенгдошлири билан сухбатлашишни ёқтиради. У дўстлари қандай китоблар ўқиётгани билан қизиқар ва ўзига манзур бўлган китоблар ҳакида сўзлаб берарли. Ойбекнинг мутолаа уфқлари циҳоятда чексиз эди. У ўз фикр доирасини тинимсиз кенгайтиради, дунёкарашини чуқурлатар эди. Тобора ижтимоий, иктисадий ва фалсафий фанларга қизиқиши кучайиб борарди. У иктисад факультети дастури юзасидан системали равишда фалсафа тарихи, кадимги ва янги дунё фалсафаси, тарихий асарларини чукур ўрганар, иктисадий таълимотлар тарихи ва назариясини конспектлар тузиб ўзлаштиради. Унинг иш столида яна Белинскийнинг Пушкин ҳакидаги маколаларини, Чернишевскийнинг «Воқеаликнинг санъатга эстетик муносабати» тадқиқотини, Фриченинг «Санъат тарихи» китобили, Плехановнинг адабиётшуносликка онц текширишларини, Луначарскийнинг «Позитив эстетика ҳакида» каби на бошқа илмий асарларни кўриш мумкин эди. Бадиий асарларни айтмайсизми? Улар қалашиб ётарди. Ойбек буларнинг кўпларини ўқишига улгурадар, ўқиганда ҳам синчковлик билан боявий-бадиий мағзини чакиб ўқирди. У хусусан поэзияни ёқтиради. Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок, Маяковский, Есенин шеърларининг баъзиларини бизга ёддан ўкиб берарди. Биз

эътибор бериб тинглардик. Шу кезларда рус адабиёти унинг ижодига қанчалик таъсир кўрсатгани хақида Ойбек кейинчалик «Адабиёт, тарих, замонавийлик» деган ижодий тажрибасини умумлаштирган мақоласида қўйидагиларни ёзгац эди: «Ленинградга ўқишга кетиб, рус тилини жиддий ўрганишга киришдим, рус ва жаҳон классикаси асарлари билан таниша бошладим. Шундан кейин, «кашфиётлар» оқими мени лол қолдираверди. Булар орасида мен учун мухим бўлган бир кашифийни алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Бу менинг поэзия оламида Александр Блок билан танишувим эди. Агар Навоийни хисобга олмагандай... Блок менинг асосий поэтик муҳаббатим бўлиб қолди. Мени Блок мисраларининг ҳар бири лиризмга тўлиқлиги, ҳар бир сўзда унинг маънавий олами сезилиб туриши ҳайратда қолдиради. Блок ўз асарларида ҳаётнинг ҳар бир ланҳасини абадийлаштира олар, шунинг учун хам уларни ўқиганда ўзингизни ана шу мангуликнинг кучонида ҳис этардингиз».

Рус адабиёти билан яқиндан танишув Ойбек ижодига сезиларли таъсир кўрсатди.

«Товушим» шеъри Ойбекнинг Ленинград туркумидаги поэзиясининг гултожи саналади. Ойбек бу шеъри билан ўзининг факат сиёсий-ғоявий позициясинигина эмас, балки бадиий-эстетик йўли — тариқатини хам аник белгилаб олди.

Ойбек таҳсил йилларида ижод билан жиддий шуғулланди. 1927-1928 йилларда «Ленинград» туркумидаги «Товушим» шеъридан бўлак талайгина бадиий бақувват асарлар яратди. Булар журналист дўсти Аъзам Айб орқали «Кизил Ўзбекистон» (хозирги «Ўзбекистон овози» — Р.И.) газетаси, «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга» журналларида босилиб турар эди. Уларнинг кўпи бир кечада ёзиларди. Чунончи, «Янги йил» шеъри 1928 йил арафасида ижод этилди. Ленинградда ўзбекистонлик студен tlар учун очилган махсус клубда (бу бинода системали равишда маданий ва адабий тадбирлар, тантанали йигилишлар ўтказилар эди) янги йилни кутиб олиш маросимида люир томонидан биринчи марта ўқиб берилди.

Январ ойининг ўта совук оқшомларидан бирида Ойбек билан мен бирга кетаётган эдик. Ошхонанинг кираверишига

яқин жойда иккала кўзи кўр бир чол тик турған ҳолда гитара чалар, ёнида эса (невераси бўлса керак) ёш бир қиз совукдан дилдираб унга жўр бўлиб паст овоз билан куйлар эди. Ойбек уларнинг аянчли ахволидан қаттиқ таъсирланди ва идишларига танга ташлаб ўтди. «Кўчадан ўтаркан» шеъри шу ҳодиса таъсирида туғилди, аммо Ойбекнинг юксак иқтидори туфайли теран мазмунни ифодалади. Бу шеърда санъатнинг хор бўлишини келтириб чиқарган кора ўтмиш лаънатланади, ҳалқил санъатнинг келажаги порлоқлиги тасдиқланади, лирик тўлқинланишларда шоирнинг маънавий олами бўртиб кўришади. Ленинград хаёти лавҳаларини ҳар ёклама жонли равишида акс эттирган «Нева бўйларида» ва ҳоказо шеърлари шоирнинг маънавий, ахлоқий, эстетик оламининг тўлишганидан, унинг шахсий фазилатлари лирик образ тўки масига дадил кириб борганидан, ҳаётий воқеалар, лавҳалар ва тафсилотларнинг лирик маъносини чакиб бераётганлигидан далолат беради.

Ойбек ижод билан бирга гоҳи пайтларда, айниқса, якшанба куплари дам олишини унутмасди: экспурсияларга борар, музей, кино ва театрларда бўлар, шаҳар чеккасига бир кунлик саёҳатларга чиқар эди. Нева бўйида жойлашган истироҳат бовида катта театр ва кинохоналардан ташқари, яна қўнўйинлар, аттракционлар ташкил этилган эди. Ойбек бизлар билан бу қўркув аралаш роҳат бағишлайдиган ўйинларда катнашиб, болаларча қувонар, қотиб-қотиб кулар, дам олар эди. Бундай кезларда кечгача ҳамма томошаларни кўриб, чарчаб ётогимизга қайтар эдик.

Ойбек тинимсиз меҳнат, ўкиш, ижод онларини бошидан кечириб, таътилда она шаҳрига қайтди, ундан Самарқандга борди. Бу даврда Самарқанд туркумида она юрт соғинчи хисси билан тўлиб-тошган ажойиб лирик шеърлар яратди ва «Кўнгил найлари» номли иккинчи шеърлар тўпламини босмага тайёрлади.

... Таътилдан Ленинградга қайтгач, аввалгида яна тайрат билан таҳсилга, ижодга шўнғиди. Аммо кўкламга бориб шамоллаш натижасида қаттиқ касалга чалиниб колди. Касаллик изтиробини ифодалаб:

*Баҳорлар мендан узокқа қочди,  
Хасталик эса құчогин очди.  
Боёқши күнгілім қонли ёш сочди...*

деб ёзди. У хасталикнинг асоратини даволаш учун Ялтага йўлланма олди. Ялта туркумидаги шеърлари шу даврда яратилди. Ундан сўнг соғлиғини назарда тутиб, таҳсилини Ленинграддан Тошкентга кўчиришга мажбур бўлди. 1929-1930 ўқиш йилида САГУнинг иқтисод факультетини тамомлаб, илмнинг катта йўлига тушиб олди. Бу вақтта келиб, у алла-качон истеъдолли ижодкор сифатида танилган эди.

Ойбекнинг йигитлигига Ленинградда кечган фаолияти, таҳсилни ва ижоди талай томонлари билан ёш ижодкорлар учун яхши ўрнак бўла олади. Унинг бу йиллардаги саъй ҳаракати, гайрати, ишчанлиги, меҳнатсеварлигига ҳайратда қоласан кипи. Болари ранг-бараиг гуллар ширасидан асал тайёрлагани сингари, у хам ҳаёт ва китоб гулларидан маърифат ва ижод гулдасталирини тайёрлар эди. Ойбек ўқиб-ўрганишдан, изла-нишдан асло чарчамасди. Ўша йиллари тўплаган билим ва тажрибалари кейинги ижоди учун ниҳоятда аскотганини биз унинг ўлмас асарлариши ўқиб англашимиз кийиш эмас.



*Ойбек ўғли Бекжон билан*



*Ойбекнинг набираси (чапдан) Ойнур, эвараси Комила ва ўртанича келини Ойниса Каримовна Тошмуҳамедова*



*Ойбек ўғли Суюн билан*

**Зоя Кедрина:**

## **«ТАФАККУР ВА ҚАЛБ ТАНТАНАСИ»**



**О**йбек улкан, олижаноб ва ойдин қалб сохиби эди. У турли миллатларга мансуб бўлган турли ёшдаги ва ҳар хил кўламдаги кишилар билан дўстлашишини билар эди. Одатда улар Ойбек билан дўст бўлиш шарафига муносиб, ўз иши ва сўзига содик кишилар бўлар эдилар.

Ана шундай ижодий дўстлик ришталари, масалан, Ойбек билан ўзбек адабиётининг москвалик жонкуярларидан бири, ўзбек адабиётининг билимдони ва таржимони, самимий ва очиқкўнгил аёл Лидия Григорьевна Бать ўртасида мавжуд эдики, унинг уйи, ўзбек ёзувчилари ва олимлари учун ҳамиша очиқ эди.

Ойбек билан қозоқ адабиётининг классиги Мухтор Умархонович Аvezов ўртасида ҳам қардошлик туйғуларига асосланган улкан дўстлик ва оиласвий яқинлик мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бир учрашуви ҳар иккалови учун чинакам ижодий байрамга айланар эди. Мен уларни биргаликда кўриб, улар ўртасида мавжуд бўлган бир-бирларини ўзаро англаб билишдек баҳтдан, туйғуларининг бокирагидан, бир-бирларини кашф этиш суруридан беҳад қувонар эдим.

Аммо менинг Ойбек ва унинг дўстлари билан учрашувларим қанчалик мухим ва кўнгилли бўлмасин, Ойбек қалбидан сизиб чиқсан сўз билан мулоқот нашидасини, мен икки ажойиб романини ўқиши ва қайта-қайта ўқиши билан, айниқса,

яққол ҳис қилдим. Бу унинг «Кутлуг қон» романни бўлиб, унда ўзбек халқининг уйғониши тасвирланади, ўз ҳаётини курашга бағишлигар асар қаҳрамони сиймосида узбек халқининг миллий характери мужассамлаштирилади. Бу унинг «Навоий» романни булиб, унда узбек миллий характерининг юксак манбалари, унинг истеъододли ва доно экани, ҳақиқат сари интилишда енгилмас иродаси тасвирланади. Агар бу асарда асрлар давомида феодал низолар ва қонли босқинлар туфайли сикилган халқ акл-заковати ва истеъододининг қудрати куз ўнгимизда гавдаланса, биринчи романда бу қудратининг истак, интилиш аллангасида қайта туғилиши, меҳнаткаш халқ фарзандларининг кутлуг қони туфайли янгиланиши намоён бўлади.

Ўзбек халқининг калбини ҳар бир синчков китобхонга терап очувчи, уни бутун ер юзидағи меҳнаткашларининг кардошларча бирдамлиги идеали билан ошно этувчи бу асарлар бизнинг доимий ҳамроҳларимиз бўлиб колиши керак.

Агар Сиз бу китобларни ўқиган бўлсангиз, уларни яна кўлга олиб, қайта ўқиб чиқинг. Сиз Ойбекни янгитдан камай этасиз.



Ойбек иш устида

**Жуманиёэ Шарипов:**

## **УСТОЗ ҲАҚИДА**



**О**йбек ҳам поэзияда, ҳам прозада, ҳам илмда, ҳам таржимада баланд чўкқиларни эгаллаган классик шоир, адиб булиб, унинг ҳакида бор гапни кичик бир хотирада баён қилиш нихоятда мушкул, айникса қирқ йилга якин уни таниган, шу даврда унга шогирд тушган, калин дўст бўлган киши учун жуда ҳам қийин.

Ойбек ҳакида кагта-катта китоб ёса ҳам камлик қиласи. Ойбек домулла билан шогирдлик, дўстлик пайтларим 1932 йилдан бошланди. Давлат илмий Кенганида, Тил ва адабиёт, санъат бўлимида ишлаб юрганимда Ўзбекистон Маориф комиссарлиги бошланғич мактабларга адабиёт дастурини ва тўртинчи синф учун адабиёт хрестоматиясини тузиш вазифасини каминага тошириганди. Шу билан бирга ўрта мактабларнинг бенинчи синфи учун адабиёт дарслигини ёзиш Олим Шарафиддинов ва менга юклатилганди. Ушбу хрестоматия ва дарсликларга Ойбек,Faфур Фулом, Файратий, Ҳамид Олимжон шеърларини киритиш кўзда тутилганди. Мъълумки, ҳамма шоирларнинг шеърлари ҳам мактаб программаси ва хрестоматияларига киритилавермайди. Ойбек шеърларининг ярим аср илгари биринчи марта хрестоматия ва дарсликларга киритилиши унинг стук шоирларгини тан олишининг яққол мисоли эди.

1932 йилнинг бахор пайтлари эди, бу вактларда Ойбек домулла Ўрта Осиё Давлат университетида дарс берардилар. У кишининг уйига бориб биринчи мартаба узоқ сухбат-

лашдим. Домулланинг рафиқаси Зарифа опа (у киши Ишчилар мактабида бизларга химия фанидан дарс берган эдилар) ўз укасида жуда яхши қарши олиб меҳмон қилдилар, дастурхон атрофида ўтириб Ойбек домулла билан адабиёт, поэзия ва адабиётга алоқадор масалалар ҳакида узок сўзлашдик. Сўнг асосий максадга ўтилди. Марказий раҳбариятнинг ҳамма фанлардан ва шу жумладан, адабиётдан ҳам бакувват дарслик тузиш ҳакида жарорини Ўзбекистонда амалга ошириш ҳакида гап кетди. Ойбек домулла жуда яхни маслаҳатлар бердилар. Ўзбек адабиётидан тузилаётган дарслик ва хрестоматияларга яқиндан ёрдам беришни ваъда қилдилар. Адабиёт мажмуаси ва дарслигига кирган Ойбек шеърларини кўчириб олиб келган эдим, уларни Ойбек дархол кўриб чикиб, айрим ўзгаришларни киргизиб, қўлимга бердилар ва хайрлашиб кетаётганимда:

- Жуманиёз, таржима ва таҳрир масалаларида менга бемалол мурожаат этишинги мумкин, — дедилар.
- Ростданми? — ҳовлиқиб сўрадим.
- Ҳак гапни айтиётирман.
- Яна баъзи бир маслаҳатлар керак бўлса, уйингизга келиб турсам майлими? — сўрадим.
- Уйимизнинг эшиги сен учун очик, — деб айтганларидан кейин беҳад хурсанд бўлиб чиқиб кетдим. Шу-шу домулланинг олдиларига тез-тез борадиган бўлиб колдим.

Ўқиш дастури асосида тузилган мажмуада муҳим бир мавзуга онд шеър етишмас эди, мен бу ҳақда Ойбек домулла билан гапланмоқчи бўлиб, яна уйларига бордим.

— Домулла, мажмуамида икки давр — инқилобдан илгариги ва инқилобдан кейинги даврдаги болаларнинг турмушини тасвирлаган шеър керак бўлиб қолди. Ана шуни ёзиб берсангиз, — деб Ойбекка мурожаат қилдим, домулла ўйланиб қолдилар.

- Бундан ташқари ўзингизнинг таржимаи ҳолингизни ҳам ёзиб берсангиз...
- Яна нималар керак? — сўради Ойбек.
- Суратингизни ҳам берасиз.Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжондан суратларини олдик, сиз суратингизни бермадингиз.

- Жуманиёз, қўймас экансан. Ҳа, айтгандай болалигим жуда қийинчилик билан ўтган эди. Лекин биз чакки эмасдик.
- Мана шулар ҳақида ёъсангиз, ҳозирги болаларга ибрат бўлар эди.

Домулла ўйланиб қолгандан кейин дедилар:

- Эрта ўтиб, индинга келгин.
- Шеър ҳам, таржимаи ҳол ҳам тайёр бўладими? – деб дадил сўрадим.

Ойбек домулла менга ушлаган ерингдан узиб олар экансан, деган назар билан кулиб: «Ҳа» дедилар. Мен ваъда қилинган вақт-соатда Ойбек домулланинг олдига бордим. Домулла ваъдасининг устидан чиқди. «Эски ва янги болалик» деган шеър билан таржимаи холининг қўлэзмасини бердилар. Шеър жуда чиройли, болаларга мос содда, равон тилда ва ўйноқи вазнда ёзилган, бадиий юксак, маъноси чуқур, ҳар икки даврнинг жонли картинасини бадиий ифодаларда гавдалантириб берган эди. Ойбек домулланинг суратини Зарифа опадан олиб, шеърлари билан хрестоматияда бостирдик. Ойбекнинг бир канча шеърларини, чунончи: «Ёшлик таронаси», «Темирчи Жўра», «Днепрострой», «Колхоз темирчиси», «Эски ва янги болалик», «Фанга юриш» ва бошқаларни ҳар икки китобга киргизиб, тахрир қилинди. Бу хрестоматия ва «Адабиёт» дарслклари юз мингдан ортиқ нусхада босилган эди. Улар қайта-қайта нашр қилинганидан, Ойбек шеърлари ўша кезларда миллионлаб ўкувчилар орасига тарқалди.

Менинг хеч қачон эсимдан чиқмайдиган нарса шуки, 1934 йилда Ўзбекистон Фан Комитети қопидаги Тил ва адабиёт институтига аспирантурага кирганимда, мени Ойбек домулла ўзига шогирд қилиб олди. Бу вақтларда Ойбек домулла мазкур институтда илмий ҳодим бўлиб ишилар ва фан соҳасида етакчи олим бўлиб, катта обрўга эга эди.

Мен ўз раҳбарим Ойбек домулладан ниҳоятда хурсанд эдим, менга ҳамма вакт, ҳатто дам олиш кунлари ҳам маслаҳатлар бериб, ўзларидаги бор билимларини ўргатардилар.

1937 йил баҳорида аспирантурани битириб, ўқув-педагогик нашриётига ишга кирган эдим, орадан кўп ўтмай мени дирек-

тор килиб тайинлапди. Дархол Ойбек домуллани «Ўкувпеднашр»га ишга таклиф қилдим. Ойбек мухаррир ва бош таржимон бўлиб ишлай бошлади, ижодий ишларига тегишсли шарт-шароит туғдириб бердик. Ўша вактларда «Ўқувпеднашр» Ўзбекистонда энг катта нашриёт бўлиб, миллион-миллион нусхада дарсликлар, кўлланмалар напр этиларди. Бу наприётда Теша Зохидов, Ҳамид Олимжон, Ҳусни Рустамов, Абдулла Султонов, Ёлкин Тўракулов, Адҳам Юнусов, Ҳабиб Турсунов, Наби Алимухаммедов каби шоир, адаб, олим, таржимонларни ишга жалб қилган эдик. Уларнинг кўплари кейинчалик Ўзбекистоннинг машҳур кишилари бўлиб етишдилар, кўплари академик, фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлиб сайландилар.

Ойбек домулланинг ушбу наприётда ишлаган йиллари, яъни 1937 йилдан то 1941 йилгача бўлган даври ижодий сермаҳсул йиллар бўлди. У даставвал шу наприётда ишлаган даврда машҳур «Кутлуг қон» номли романини тутатди. Биз романини босиб чиқариш учун қўнимиздан келган ҳамма чораларни кўрдик. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша даврдаги мухаррири Обид Абдураҳмонов билан таплашиб, газста қўшима мажлисини ўтказиб «Кутлуг қон» романини бирга муҳокама қилдик. Бу мажлисда Обид Абдураҳмонов, Ҳамид Олимжон, Тўхтасин Жалолов, Юнус Латифий ва бошқалар иштирок этдилар. Сўзга чиқкан ўртоқлар романга юксак баҳо бердилар, домулла Ойбекни биринчи катта прозаик асари билан табрикладик. Роман 1940 йилда босилиб чиқди. Наприётимизда Ойбек домуллани жуда ҳам хурматлапарди. У бу даврга келиб машҳур таржимон бўлиб ҳам танилган эди, 1937 йилда Пушкиннинг шоҳ асари – «Евгений Онегин»нинг таржимасини чоп қилдиргач, Ойбек домулла наприётимизда турли-туман жанрлардаги мураккаб ва қийин асарларни бирин-кетин таржима қилиб берди. У адабиёт хрестоматияларига кирган рус классик шоирларининг шеърларини таржима қилишдан боплаб катта-катта асарларгача стиб борди. Маданият ва адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб «Антик адабиёт» хрестоматиясини таржима этган киши ҳам Ойбек бўлди.

Ойбек домулла наприётда ишлаган даврида ҳар куни бирга бўлиб, бир-биirimizдан ҳол-аҳвол сўрашиб, ака-укалардай бир-биirimizга ғамхўрлик қилиб турардик.

Ўша вактларда ҳали иморат тансиқлиги бор эди. Чилонзор, Оқтепа, Юнусобод каби мавзеларни тушимиизда ҳам кўрмасдик. Бизга иморат учун участка ажратиб беришиди. Ҳамид Олимжон, Олим Шарафиддинов билан бирга менга «Известия» мавзеидан участка берилган бўлса, Ойбекка Ишчилар таҳарчаси мавзеидан ер беришиди. Ўша вактларда иморат қуриш, айниқса, шоир, адилларга нихоятда қийин эди. Материал топиш амримаҳол эди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Олим Шарафиддинов ва мен тўртовлашиб Солор станцияси ёнидаги ёғоч омборида навбатда туриб бир кубометр, жуда кўп бўлса икки кубометр тахтани олардик. Кейин-кейин навбатма-навбат туриб, бир-биirimizга хари, тахта харид қиласдик. Жуда ҳам ахил эдик. Нес-нес азоблар билан иморатни бошлиб юбордик, иморатимиз пойдеворига бир-биirimiz гишт қўйдик, иморат қурилишидаги қора ишларни ҳам ўзимиз бажардик. Дам олиш куни Ойбек домулланинг участкасига борган эдим. У киши ғинит ташимоқда эди, юз-кўзидан тер тинмай оқарди. Ойбек домулла:

— Кел, кел, Жуманиёз, — дедилар-да, гишт танишда ёрдам берастган рафикаси Зарифа опага қараб, — чой қўйиб юбор, — дедилар.

Ойбек домулла билан кўчадаги ғиштларни таший бошлидик, илни тамом қилгач, Зарифа опа овқатга чакирди.

— Жуманиёз, мен катта бир ишга қўл урдим, осилсанг баланд дорга осил, деган мақолга амал қилдим. Ҳазрати Навоий тўғрисида роман ёзмоқчиман, — деди Ойбек кўк чойни ича туриб.

Мен адебнинг изходий дардда ёнаётганини сездим. Ойбек шу топда ажойиб асарни, бобларини ўйлаётган бўлсалар керак.

— Бу асар Навоийнинг беш юз йиллик юбилейига катта совға бўларкан, ниятингизга етинг, домулла, — дедим.

Мен устозга изходий муваффақиятлар тилаб уйимга кетдим. Орадан кўп ўтмай, 1940 йил баҳорида мени Мар-

казқұм аппаратининг мәданият бўлимига мудир қилиб олишди. У вақтларда мәданият бўлими маориф, мәданият, фан, саңыат ва ижодий уюшмалари шархи билан шуғуллашарди. Иш ніхоятда кўп эди, кечакундуз ишлардик. Кўпигча иш юзасидан сафарда бўлардим. Лекин шунга қарамасдан, Ойбек домулла билан учрашиб ҳол-ахволидан яқиндан ҳабар олиб турардим. Гейненинг «Лирик шеърлари» таржимасини алоҳида китоб қилиб чиқаришда домуллага бевосита ёрдам бердим.

Манфур Гитлер Ватанимизга бостириб кирган пайтда ҳамма Ватан мудофаасига отлаңди, кўплар қўлларига қурол олиб фронтга кетдилар, шоир-адибларимиз эса қаламни найза қилиб душманга ҳамла килдилар. Босқинчиларга карши мардона курашган қаҳрамонлар хакида асарлар ёздилар. Ойбек ўз зиммасига Форобий, Ҳамид Олимжон эса Муқанна хакида сахна асарларини ёзиш каби фахрий вазифаларни олишди. Биз ана шу асарларнинг ёзилиш тарихининг жонли гувоҳи бўлдик. Мен биринчилар қатори Ватан урушиниң бошларида, аниқроғи август ойининг охирида фронтга кўнгилли бўлиб кетдим. Кейин эшитсам, Ойбек домулла ҳам 1942 йилнинг охирида иккичи ўзбек бадиий бригадаси таркибида иккичи жаҳон уруши фронтларида бўлибди.

Ватанимиз Гитлер Германияси босқинчиларига қарши курашаётгаш бир пайтда, Тошкентда Ўзбекистон Фаилар академияси ташкил қилинди, Ойбек академик қилиб сайланди.

Ватан уруши тамом бўлганинан кейин Ойбек домулла билан яна бир неча йил бирга ишладик, 1945 йил август оида Ўзбекистон ёзувчилари Ойбекни Ёзувчилар уюшмасига раис, мени эса масъул котиб қилиб сайлади.

Ойбек домулла раҳбарлигига жуда катта ижодий ишлар бошланиб, уюшма атрофига ёш ва тажрибали ёзувчилар жалб қилинди, областларда Ёзувчилар уюшмасининг бўлимлари очилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг нашр афкори — уруш йилларида вактинча тўхтаб колган «Шарқ юлдузи» билан «Звезда Востока» журналлари қайта тикланиб, нашр килина бошланди, «Шарқ юлдузи» журналининг муҳаррири қилиб Ойбек тайинланган эди. Ёзувчилар уюшмасига бир

қанча ёш, талантли шоир-адиблар қабул қилиб олинди, булар ичидә хозир машхур ва маълум бўлиб кетган шоир-ёзувчилар: Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Саида Зуннунова, Мирзакалон Исмоилий, Вячеслав Костирия, Мирмуҳсин, Пўлат Мўмин, Иброҳим Раҳим, Эгам Раҳим, Александ Удалов, Раҳмат Файзий, Кудрат Хикмат, Миркарим Осим, Шуҳрат ва бошқалар бор эди. Уларшилг кўпларига Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиши учун Ойбек домулла билан икковимиз тавсиянома ёзиб берган эдик.

Академик Ойбек Ўзбекистон Фаплар академияси ташкил этилганидан бошлаб гуманитар бўлимининг раиси лавозимида ҳам хизмат қилди, шу билан бирга у Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринbosари вазифасини ҳам бажарди. Шунча вазифаларни бажаришига қарамай, Ойбек домулла ўз ижодий ишини сира унутмас, шеър, достон, романлар ёзарди. Ойбек домулла мана шу вақтларда «Кизлар», «Ҳамза» достонларини ёзиб тутатди. «Куёш кораймас» романига материаллар тўплаб, бехисоб мақолалар ёзиб, маърузалар қилди.

Уруш йилларида вактинча тўхтатилган Ҷадий адабиёт нашриёти ҳали тиклангани йўқ эди. Буни хисобга олиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати қарорига биноан бир қанча бадиий асарлар уюнма маркаси билан нашр қилина бошланди, бу эса Давлат адабиёт нашриётининг қайта тикланишида катта рол ўйнади. Ўзбекистон Ёзувчилари нашрида бир қанча шеърий тўплам, достонлар, кисса, романлар чоп қилинди. Абдулла Қахҳорнинг «Қўшчинор» романи, Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» достони, Мирмуҳсиннинг «Уста Фиёс» поэмаси, «Улғайиш» шеърий тўплами, «Шонли саҳифалар» (шеър, хикоя, очерклар тўплами) каби йигирмадан ортиқ бадиий китоблар нашр қилинди. Шу билан бирга Ойбекнинг «Кизлар» достони ҳам чоп этилди. Ёзувчи, шоир, таржимонларнинг китобларини рўёбга чиқаришда, шубҳасиз, Ойбек домулланинг роли бекиёс эди. Ойбекнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаган данри адабиёт тарихимиизда шонли саҳифани ташкил килади, ёзувчилар бу билан фахрланишади, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини бир университет

деб билсак, бу илм даргоҳининг академиги, устози, мураббийси Ойбек бўлди. Ҳар бир ёзувчи Ойбекнинг оталарча ғамхўрлигидан баҳраманд бўларди, ҳар бир шоир у адаб Ойбекка ўз асарини биришчи бор ўқитиб олишни орзу қиларди. Ҳар бир ёзувчи учун устознинг кабинетигина эмас, хонадонининг эшиклари ҳам доимо очик бўларди. Ҳеч ким Ойбек домулланинг олдига кирайми, йўқми деб тортина масди. Қачон карасангиз, устоз бир канча ёзувчилар билан бирор асарци мухокама қилиб ўтирганини кўрардингиз, ўша асар ҳакида айтган теран фикрларини эшитардингиз. Устоз ҳар бир ёзувчининг асарига ўзи баҳо берарди. Ойбек домулла билан Ёзувчилар уюшмасида бирга ишлаган йилларимни энг бахтиёр йилларим деб биламан. Мен ҳам устоздан бошқа ёзувчилар катори жуда кўп нарсани ўргандим, таълим олдим, у киши меңдан ҳеч нарсани дариг тутмасди. Кўпинча Москва ёки чет элга кетганида уюшма ишларини, «Шарқ юлдузи» журналини чоп қилдиришни менга ишониб кетарди, келгунларича ҳамма топширикларни бажаардим. Ҳамид Олимжон номидаги Ёзувчилар уйининг қурилиш ишларини кўнгилдагидек бораётганини кўриб, устоз беҳад курсанд бўларди. Энди уруп тамом бўлиб тинчлик даврига ўтганимизда, Ёзувчилар уюшмаси иморатини қуриш ниҳоятда кийин кечди. Қурилиш материалларини топиш амримаҳол эди. Бу ишда бизга Марказқўмнинг биринчи котиби Усмон Юсупов билан Совнаркомнинг раиси Абдужаббор Абдураҳмонов, Госпланнинг раиси Ҳабиб Абдуллаевлар катта ёрдам бердилар. Ўзбекистон раҳбарлари устоз Ойбекни ниҳоятда ҳурмат қилиб, илтимосларини доимо бажаришарди. Ёзувчилар уюшмаси клуби қурилиши 1946 йилда тамом бўлгач, уни тантанали очиб, лентасини биринчи кесган куни ҳам Ойбек бўлди. Клубнинг очилишида катта аёдабий кеча уюштирилиб, унда шоирлар шеърларини ўқиб бердилар. Устозимиз Ойбекнинг ҳам шеърлари шу кечада жаранглади. Бу клубда ёзувчиларнинг умумий мажлиси, пленуми, конференциялари мунтазам равишда ўтказилар, уларда Ойбек маърузалар қилиб турарди, ёзувчилар уларни завқ билан тинглашарди. Идеология масалаларига бағишилаб чиқарилган ВКП (б) Марказқўмининг карори Ўзбекистон ёзувчилари ўртасида мухокама қилинганда

Ойбек адабиётимизнинг аҳволини чуқур таҳлил этган сермазмун илмий маъruzасини ўкиб берди.

Бундан кирк йилча илгари ушибу маъruzасида айтилган Ойбекнинг ажойиб сўзлари бутунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, бундан кейин ҳам йўқотмайди, хар бир олим, адабиётчи, хар бир ёзувчи, шоир Ойбек сўзларини эпиграф килиб олиши мумкин.

1946 йил 10 феврал Ойбек домулла учун эмас, Ўзбекистон ёзувчилари учун ҳам энг қувончли кун бўлди, Ойбек домулла собик Иттифок Олий Советига депутат қилиб сайланди, бу тарихда биринчи марта ўзбек ёзувчининг олий даргоҳга сайланishi эди. Орадан кўп ўтмай шу йили 27 июнда Ойбекнинг «Навоий» романига биринчи даражали Давлат мукофоти берилди, бундай мукофотни шу вақтгача Ойбекдан бошқа ўзбек ёзувчиси олмаган эди. Шу муносабат билан 11 августда Муқимий номидаги театр биносида адабий кечада ўтказилиб, Ойбекнинг ижоди хақида академик Саримсоқов маъруза килди. Ойбекнинг «Навоий» романни ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта нашр килинди. Устоз чиққан китобларини менга тақдим этардилар, шу жумладан 1946 йилда «Советский писатель» нашриёти чикарган «Навоий» романини менга тақдим этганда шу сўзларни ёздилар: «Қимматли дўстим Жуманиёзга. Севги ва ҳурмат билан бағишлайман. М.Ойбек, 10.11.47 йил». Бу мен учун энг нодир совфа эди.

Ойбек ижодий ишларга шўнғиб кетган эди. Ойбек Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш учун жуда катта ишларни қилди. У Навоий юбилейи комитетининг раиси ўринbosари бўлганидан ҳаммамизга мухим топширикларни берарди. Бу юбилей шу вақтгача ўтказилган юбилейлардан яна ҳам тантаналироқ ва яна ҳам кент кўламда ўтиши керак эди. Навоий юбилейига беш юзга яқин меҳмон чакирилган эди. Алишер Навоий номидаги театрнинг биноси ҳам шу тарихий санага тайёр бўлиб ишга тушган эди. Ана шу театрга Москва ва қардори республикалардан вакиллар келган эди. Ҳашаматли бинода 15 май куни Навоийга бағишланган юбилей мажлиси тантанали равишда очилиб, унда Ойбек Навоийнинг ижоди ва унинг оламшумул аҳамияти хақида маъруза қилган эди.

Машхур ёзувчи, шоир, олим, академик, профессорлардан ташкил топган меҳмонларни кутиб олиш, уларни меҳмонхоналарга жойлаш осон эмасди. Ҳали Тошкентда чиройли, катта меҳмонхоналар йўқ эди. Шунда Усмон Юсупов, Абдужаббор Абдурахмоновлар Марказкўм ва Совнаркомнинг боғларини юбилей комитети ихтиёрига беришди, меҳмонлар шу ерга жойлаштирилди. Ойбек гоҳ Москва ёзувчилари, гоҳ Ленинград, гоҳ Болтиқбўйи вакиллари, гоҳ Ўрта Осиё шоирлари ва гоҳ Кавказ орти адилари билан сухбат қиласди. Ойбекнинг уйи улар учун очик эди. Улар Ойбекни дилдан севишарди. Юбилей тантанасига келган меҳмонларга Ўзбекистон ҳукумати катта зиёфат берди. Бунда Ойбек ҳам ажойиб нутк сўзлаб, уларга баҳт-саодат, ижодий ишларига катта муваффакиятлар тилади. Ойбек домулла сал дудукланиб гапирадилар, лекин ҳамма сўзлари дона-дона чиқиб чукур маънони англатарди. Устоз сўзлаганда эшитувчилар сира ҳам зерикмасди, қайта-қайта эшитишни орзу қилишарди.

Ойбек домулла адабиётимизнинг жонкуяри эди, ҳар бир шоир, ёзувчини кадрларди, отадай тарбияларди, уларга меҳрибон ва ғамхўр эди, у ёш нихолни авайлаб ўстирадиган боғонга ўхшаб, адабист чаманзоридаги гулларни ҳам бакувват ўсишлиари ҳақида қайғуарарди. Бир мисол: болалар ёзувчиси Кудрат Ҳикматнинг шеърларини ўқиган Ойбек домулла мени чақириб:

— Жуманиёз, Кудратнинг шеърларида хикмат кўп. Уни ўзимизга жалб қилишимиз керак. У Олой бозорида ишлар экан, бозорда Кудратнинг истеъдоди йўқолиб кетиши мумкин, сен унга ёрдам бер, бирон редакцияга жойлаштириб кўй, дедилар. Мен домулланинг илтимосини тезда бажардим: адабиёт жамғармасидан Кудрат Ҳикматга моддий ёрдам олиб бердик, наприётта ишга жойлаштиридик.

Менинг Ойбек домуллага бўлган ҳурматим ва муҳаббатими ни, содик шогирди ва кадрдан дўсти эканимни устоз жуда яхши билар эдилар, менинг асарларимни ҳам ўқиб, яхши маслаҳатлар берардилар. Бир куни устознинг уйига борганимда менга ижодий тажрибаларини айтиб бердилар:

— Мен «Навоий» романини бошлашдан илтари «Навоий» поэмасини ёзгандим. Навоий ҳазратнинг образини шеърда яратиб, юрагимга сингдиргандим, — дедилар.

Ойбек домулланинг бу сўзлари юрагимни тўқинлантириб юборди, мен ҳам каттиқ ишга киришдим.

Ойбек домулла Ёзувчилар уюшмасида раис бўлиб ишлаётган вактларида жуда кўплаб киссалар, романлар ёзила бошланди, шоирлар прозага қўл урдилар, Ҳамид Ғулом, Аскад Мухтор, Мирмуҳсин, Шуҳрат ва бошқаларнинг хикоя, кисса, роман ёзаётганларини кўриб, устоз Ойбек ниҳоятда хурсанд бўлардилар. «Хозирги поэзияга қараганда проза оркада, аммо кўп ўтмай прозамиз олдинги сафга ўтиб олади, илор жанрлардан бирига айланади», — дердилар домулла. Унинг бу сўзлари ўша вактда хаёлдай кўрипса-да, хозир ҳақиқатга айланди.

Ойбек домулла Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Фанлар академиясида ишлаб юрган вақтида ёза бошлаган «Олтин водийдан шабадалар» романини 1949 йилининг баҳорида таомомлади. Бу роман ҳозирги замон мавзусида ёзилган ажойиб асар бўлиб, унинг рӯёбга чиқиши адабиётимизда катта воеа эди. Шунча катта ижодий, ташкилий, раҳбарлик ишларини бирга узвий суратда олиб бориш ҳар қандай кипининг ҳам қўлидан келавермайди, албатта. Буни факат Ойбекдай забардаст, ниҳоятда ишchan, ўз вақтини қадрлайдиган юксак истеъдод соҳибигина кила оларди.

Ойбекнинг 1949 йилда энг катта ва том маъноси билан гигант бир ишни бажарганинг жонли гувоҳиман. Шу йили рус ёзувчиси А.С.Пушкиннинг туғилганига бир юз эллик йил тўлиши муносабати билан унинг тўрт жилдлик асарларини биринчи марта ўзбек тилида нашр қилиш вазифасини Ўзбекистон Марказқўми нашриёт ва полиграфия ходимлари зиммасига юклиди. Тўрт томликиниг қўлёзмасини нашрга тайёрлаш вазифасини «Ўздавнашр» дирекцияси менга топширган эди. Жуда қисқа мuddат ичida шоирнинг асарларини таржима қилиш, мавжуд таржималарини қайта кўриб чиқиш, таҳrir қилиш керак эди. Ойбек домулла ўзи таржима қилган ва 1937 йилда чиқарилган Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романини қайта ишлашга киришди, биринчи нашрида рўй берган камчиликларни тузатди, таржимага янги бўёқ, янги жило берди. Маълумки, «Евгений Онегин» шеърий романи 5004 сатр бўлиб, Ойбек улардан 2057 мисрасини қайта тузат-

ди, қайта ишлади, қаранг, домулла икки ойга яқин қисқа муддат ичидагатта асарнинг ярмидан ошикроини тузатиб чиқди, бу каттагасорат эди. Иш узлуксиз равишда олиб бориларди: Ойбек ишлаб, тузатиб чиққан бобларни муҳаррир М.Шайхзода кўриб чиқар, сўнг уни оққа кўчирилгач, домулланинг умр йўлдоши Зарифа оға синчковлик билан ўқиб чиқарди. Охирида мен ҳар икки матнни солиштириб, кўлёзмани напротив тайёрлаб, босмахонага юбориб турадим. Бутун бир шеърий романнинг кўлёзмаси икки ой ичидагат босмахонага тушиб кетди ва шу муддат ичидагат ҳам терилиб, босилга рухсат этилди. Ойбек домулла кўлёзмани тузатишдан ташқари, машинкада босилган ва терилган саҳифаларининг корректурасини ҳам ўқир эдилар, домулла кечакундуз тинмай ишладилар, десам хато қилмасман. Устозда туганмас куч-кувнат мавжуд эди. «Евгений Онегин»нинг қайта ишланган нашри ҳам Пушкиннинг бошқа китоблари қатори шоирнинг юбилейи арафасида чиқиб, китобхонларни хурсанд қилди.

Ҳали-ҳали ёдимда: Биринчи марта яратилаётган «Ўзбек поэзияси антологияси»нинг рӯёбга чиқишида Ойбек ниҳоятда жон куйдириб ишлади. Минг йиллик адабиёт тарихий ёдгорликларини илмий асосда тўплаб, чиройли безаклар билан, энг яхши қоғозда чоп қилиш осон иш эмас, албаттга. Ойбек антологияни тузувчилар: М.Афзалов, М.Бобоев, С.Иброхимовлар билан бирга режани кўриб чиқкач, уларга йўл-йўриклир кўрсатиб берди. Ойбек домулла ҳар бир маёнбани ўзи шахсан кўриб чиқар, тузатиб, тартибга соларди. Антологияга элликка яқин шоирнинг ғазал, шеър, достонларидан парчалар кирган эди, уларнинг сони неча минг мисрапни ташкил қиласиди. Ойбек антологияга «Ўзбек поэзиясининг тарихий тараккиётни тўғрисида» деган каттаги кириш сўзини ёзди. Антологиянинг редколлегияси: М.Ойбек, Faфур Фулом, В.Луговской, Уйғун, С.Сомова, Ж.Шарифийлар эди. Асарнинг бадиий беҳзаклари ва расмларини ишлашда Ўзбек халқ рассомлари: Искандар Икромов, Кайдалов ва Венедиктов кабилар иштирок этдилар.

Ушбу монументал асарни русчага таржима қилиш ва уни Москва Давлат Бадиий адабиёт нашриётида чиқаришда ҳам

Ойбек домулланинг хизматлари бекиёс бўлди. Антологияга кирган шеър, достопларни русчага таржима қилишда Иттифоқнинг энг кучли, энг ўткир, атокли шоир-таржимонлари жалб этилди. Николай Тихонов, С.Маршак, Б.Пастернак, В.Гусев, Лев Пенковский, Владимир Державин, П.Лятохольский, Николай Асеев, Владимир Луговской, Н.Заболоцкий, М.Алигер, Николай Ушаков, В.Левик, Татьяна Стрешнева, В.Звягинцева, Илья Сильвинский, Сусанна Мор, В.Тушнова, Михаил Голодный, Надежда Павловна, М.Тарловский, А.Кочетков, В.Рождественский, Татьяна Спендиарова, Б.Бугаевский каби москвалик шоирлар, Светлана Сомова, Владимир Липко каби тошкентлик шоирлар шеърий антологии-нинг таржимонлари эдилар. Ҳар бир таржимонга Ойбек алоҳида хат билан мурожаат қилиб, ушбу шарафли ишда ўз улушларини қўшипларини илтимос қилди. Бир неча йил муентазам иш олиб борилди. Антология тайёр бўлгач, қўлёзмасини Ойбек, В.Луговский, С.Сомовалар қўриб, таҳрир қилиб чиқдилар, профессор Л.И.Климович бу ишда бевосита маслаҳати билан ёрдам берди. «Ўзбек поэзияси антологијаси» Москва Давлат бадиий адабиёт нашириётида, энг яхши коғозда, чиройли безаклар билан 1950 йилда нашр этилди. Истсъодоли рассомлардан Д.М.Венедиктов, В.Е.Кайдалов, В.Н.Кедрин, Н.М.Мухин, А.К.Ожежко кабилар ўзларининг чиройли расмлари билан ажойиб қилиб безадилар. Нашриёт мухаррири С.М.Хигарова, бадиий мухаррир Н.Л.Мухин, техник мухаррир Л.А.Чалованинг хизматлари катта бўлди. Ойбекнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати мазкур антологијани таржима қилиш ва чоп этишида иштирок этган бир гурӯх ижодкорларни тақдирлади.

Ойбек домулла эллигинчи йилнинг бошларида Ёзувларидар уюшмасидан кетиб, Файлар академиясининг гуманитар бўлимининг раиси вазифасида ишлашда давом этди. Мени эса уруп йиллари тўхтаб қолган ва 1949 йилнинг охирида қайта ташкил этилган «Ўкувпедијаш»га раҳбар қилиб тайинлашди. Адабиёт бўйича дарслик ва хрестоматияларга Ойбек домулланинг асарларидан, чунончи, «Кутлуғ кон», «Күёш кораймас» ва бошқа романларидан катта-катта парчалар киритилиди, адабнинг

ижоди ҳақида муфассал маълумотлар берилди. Бу дарслик — хрестоматияларнинг баъзиларига камина мухаррирлик қилган эди. Ойбек асарларини тарғиб қилувчи энг яхши омил — хрестоматия ва дарслклар бўлган эди, чунки бу китоблар юз мингларча нусхада босилиб, ҳар йили қайта нашр этиларди. Агар уларнинг умумий ададини хисобга олсак, Ойбекнинг асарлари миллион-миллион нусхага етарди. Бу дарслик — хрестоматияларни мактаб ўқувчиларигина эмас, катталар хам, талаба ва муаллимлар хам ўқишарди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 1952-1956 йилларда президенти бўлиб ишлаган академик Теша Зохидов мени 1952 йилда Фанлар академиясининг нацириётига раҳбарлик вазифасига таклиф қилди. Ўша вақтларда Фанлар академиясида гуманитар бўлимида ишлаёттан Ойбек домулла билан тез-тез учрашиб, илмий китоблар нашр қилиш ҳақида узок сухбатлашардик.

1954 йилнинг охири эди, Ойбек домулла Фанлар академияси нацириётига кириб келдилар, мен дарҳол устозни диванга ўтқизиб, чой келтирдим.

— Жуманиёз, янаги йил эллик ёнга кираман, — дедилар чой ича туриб.

— Элликка борганга ўхшамайсиз, кўринишингиз йигирма беш яшар йигитдай, — дедим. Домулла хаҳолаб кулиб юбордилар.

Бу вақтларда домла оғир хасталикка дучор бўлган бўлсалар-да, ҳали жуда бақувват эдилар. Гуманитар бўлимининг мажлисларига, олимларнинг йигилишларига мунтазам келиб турардилар. Ёзувчиларнинг Иккинчи Бутуниттифок съездига делегат бўлганларидан Москвага хам бориб съездда катнашгандилар. Колонна залида Ойбек домулла, Собир Абдулла, Мумтоз Мухаммедовлар билан ўтирганимизни фотограф суратга олиб, уни марказий газеталарда чикарган эди. Устознинг «Танланган асарлари»нинг тўрт жилдлиги хам мана шу йилларда чиқа бошлаганди. Устознинг чой ича туриб: «Янаги йил эллик ёнга кираман», — деган сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Устознинг эллик ёнга кириши муносабати билан юбилейини нишонлаш ва унга хозирдан тайёргарлик кўришни

дилимдан ўтказдим. Лекин буни қайси йўллар билан амалга оширип керак? Ёзувчилар уюшмасида ишлаган пайтимда буни ижро қилип менга қийин эмас эди, чунки бир канча юбилейларни яхшилаб ўтказгандик, энди, хизмат жойим бошқа ташкилотда.

Ойбек домулла эллик ёшга кираётганларини, менимча, бошқа ҳеч кимга айтмаган бўлсалар керак. Мен домуллага: «Юбилейингизни яхшилаб ўтказамиш, ўзим тўйингизда билатимни шимариб хизмат қиласман», — дедим, устоз қулиб кўйди. Балки бу гапим тасаллидай бўлиб туюлгандир, балки менга ишониб севинганидан кулгандир. Домулла кетгач, устознинг юбилейи хақида режа туза бошладим. Энг якин кишиларга мурожаат қилишни ўйлаб, ҳаракатга тушдим. Эртаси академиянинг президенти Теша Зоҳидовнинг олдига кириб, Ойбек хақида гал бошладим.

— Ойбекнинг юбилейини, албатта, ўтказиш керак. Мен Марказқўмга бориб бу ҳақда гаплашаман, — деди Теша Зоҳидович.

— Нашриётимизда Ойбек хақида асар чиқарсан шунга нима дейсиз? — сўрадим Теша Зоҳидовичдан.

— Жуда яхши. Тил-адабиёт институти бошлиғи билан гаплашиб кўр.

Кўп ўтмай Ойбек хақида профессор Ҳомил Ёкубовнинг монографиясини чиқардик. Республикасида Ойбек юбилейига тайёргарлик ишлари қизиб борарди. Колхоз, совхоз, завод ва ўқув юртларида Ойбек билан мароқли учрашувлар ўтказилди. Бунда Ойбекнинг шеърларини поирлар ўқиб беришар, чапак устига чапак бўлиб кетарди. Ойбек домулла ўзларининг жавоб нутқларини ўқиб беришни менга топширадилар. Жавоб хати ўқилгач, ҳалқ ўрнидан туриб гулдурос олқиши садолари остида ўз суюкли адаб-шоирини эъзозларди. Мен Ойбек домулла билан ёнма-ён бирга яшаб, бирга нафас олаётганимдан чексиз баҳтиёр эдим.

1955 йил 26 майда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлислар залида Ойбекнинг тугилганига 50 йил, адабий фаoliyatига 30 йил тўлиши муносабати билан илмий сессия очилиб, унда профессор Ҳомил Ёкубов «Ойбекнинг ижод

йўли» деган манзуда маъруза қилди. Орадан беш кун ўтгач, 31 майда Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрида юбилей тантанаси бўлди, кечани Комил Яшин очди. Ойбекнинг хаёти ва ижоди ҳақида Абдулла Каҳхор нутқ сўзлади. Бу тантанали кечага кардош республикалардан, Москва, Ленинград шаҳарларидан жуда кўи мемонлар келишганди. Машхур ёзувчилар Ўзбекистоннинг меҳмони бўлиб, юбилей тантанасида иштирок этишиб, юбильярни самимий, қизғин табрикладилар. Табрикларнинг ҳисоби йўқ эди. Ойбек домулланинг кўкрагини «Хурмат белгиси» ордени безаб турарди, булар ёнига янги орден «Мехнат Қизил Байрок» ордени кўшилди. Ойбекнинг юбилейи ҳалқ байрамига айланиб кетди. Бу тантанали кеча ва юбилей сессиясидан кейин ҳам узок вактгача ҳамма обласат ва районларда Ойбекка бағишлиб адабий кечалар ўtkазилди. Ҳалқ ўз шоири, адаби, олим, таржимонини чексиз хурматлаб, унга узок умр, сиҳат-саломатлик тиладилар.

Бу вактларда мен Ойбекнинг таржимаси бўлмиш «Евгений Онегин» шеърий романни устида илмий иш олиб борарадим. Бу мавзу юзасидан баъзи бир саволлар билан устозга мурожаат қилардим, 1957 йил 10 февралда Ойбек домулла олдига бориб: «Шу таржиманинг қай тарзда рёёбга чиққани ҳақида кичик бир хотира ёзиб берсангиз, уни китобимга киргизардим», — дегандим, домулла рози бўлдилар.

1958 йил 30 апрелда «Евгений Онегин» таржимаси материаллари устида кандидатлик диссертацияси ёқлаганимда (янглиш масам бу Ойбек ижоди ҳақида ёзилган биринчи диссергация эди) домулла илмий кенгашга келдилар.

1965 йил 23 сентябрда Ўзбекистон хукумати Ойбекка «Ўзбекистон Ҳалқ ёзувчisi» деган фахрий унвон берди, эргаси, 24 сентябрда адабиётни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун Ойбекни «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотлади. Ойбек кўксини энди учта орден безади.

1968 йилнинг 1 юлида машъум ўлим Ойбек домуллани орамиздан олиб кетди. Унинг хотираси ҳамон дилларимизда. Авлодларимиз устозни абадул абад унутмайдилар.



*Ойбекнинг пабираси Отабек*

**Матекуб Күшжонов:**

## УЛУФВОРЛИК



# 1950

йилларнинг бошлари эди... Шаҳарнинг шимол томонидан келиб Уста Ширин кўчасига тутападиган Рилсев кўчасида бир оғайним истикомат қиласр эди. Мен у билан жуда яқин эдим, шу сабабдан уникига тез-тез бориб сухбатлашиб турад әдим. У менга ҳамшиҳар, дўст, ҳамкасаба, жанговар ўрток әди. Хуллас, орамиэда сухбатга сабаб бўладиган гап кўп бўлар эди.

Маълумки, кўп йиллардан бери 10-трамвай Ишчилар шаҳарчасига бориб айланниб орқасига қайтади. Рилсев кўчасига бориш учун одатда айланма бекатда тушардим-да, Ботуми кўчаси йўлаги билан Уста Ширин кўчаси томон йўл олар эдим. Бу кўчадан ўтганимда аксарият пайтларда, хусусан эрталаб, бир одамни учратар әдим. У ё рўпарамдан мен томон келаётган бўлар ёки ҳали мен трамвайдан тушмасдан бурун мэррага етиб қайтиб кетаётган бўлар эди. Юзма-юз келган чоғларимизда бу одам қандайдир вазминлик билан, ўнг қўлини кўксига қўйиб, кўпдан бери таниш одамлардек хиёл кулимсираб саломимга алик олар, мен эса бу одамнинг ушбу шахри азимда номаълум бир йигитнинг саломига бунча таъзиму тавассу билан қайтарган жавобидан бошим кўкка етар, ўзимда йўқ хурсанл бўлиб манзилимга етганимни билмай колар әдим. Борди-ю, бирор марта бу йўлдан ўтганимда у одам менга учрамай колса, мен бирор нарсани йўқотган одамдек хаёлим паришин ҳолатда манзилим томон кетар әдим.

Ботуми кўчасида менга учраб турадиган бу одам – Ойбек домла эди.

Ойбекнинг ўша вактлардаги қиёфаси ҳозиргидек кўз олдимда: бўйлари узун, елкалари кенг, жингалак соchlари дўппи остидан чиқиб турагар, юзларида ёшига нисбатан ажин кўпроқ; кўзлари катта, аксарият пайтларда хорғин, факат бирор нарсага эътибор қилган пайтлардагина, улар қандайдир кўз илғамас равишда харакатга келар ва қовоклар ҳар томонга тортилиб, улардан қандайдир жозибали нур таралаётгандек бўларди.

Адид секин, бир меъёрда одим ташлар, гўё у кимнингдир, «Тез ва кескин ҳаракат килиш мумкин эмас» деган топшириғини амалга ошираётгандек эди.

Ойбекни мен илгарилари ҳам кўрганман. Ёзувчилар орасида у университетта талабалар билан учрашувларга ҳам келган. Бир иш билан Абдулла Тўқай кўчасидаги Ўзбекистон Фанлар академиясига бориб қолгудек бўлсан, кўпинча Ойбек акага дуч келиб қолар эдим. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда кенг тарқалган «Навоий» романни менда ниҳоятда катта таассурот қолдирган эди. Бирорқ, 1948 йилдамикин, ё 1949 йиллардамикин рўй берган бир воқеа менинг тасаввуримда ўчмас из қолдирди.

Пушкин кўчасидаги Ҳамид Олимжон номидаги ёзувчилар уйи, унинг биринчи қавати ичкари томонида катта айвон бўлиб, хоналарга шу айвондан ўтилар эди. Қунлардан бир кун «Ёзувчилар уюшмасида Ойбек ака билан учрашув бўлармиш, адид ўзининг «Олтин водийдан шабадалар» романининг ёзилиш тарихи хусусида гапириб берармиш», – деган гап тарқалди. Биз талабалар бундай пайтларда, албатта, йигилишиб борар эдик. Ўшанда хонага одам сифмасди, мен эса ўртоқларим билан айвонга қаратилган дераза олдида туриб, Ойбек аканинг сўзларини эшитган эдим.

У роман хакида завқ ва шавқ билан гапиравар эди. Ўқтамга ўхшиаган, энди урушидан келиб колхоз иншига шўнгиган йигитларни кўп кузатгани, Комила образини яратишда ўша вактда машҳур Турсуной Каримовадан прототип сифатида фойдалангани, роман тез фурсатда, яъни деярли бир ой вакт атрофида

ёзib битилгани ва хоказолар хусусида гапирган эди. Фан ва техниканинг қишилоқ ҳаётига кенгрөк ва чукурроқ кириб бориппи зарурати ҳақида ҳам Ойбек ака қандайдир жонбозлиқ билан ўз карашларини баён килар эди. Табиийки, Ойбек акага кўп саволлар ҳам берилди. Одати бўйича у бу саволларга ҳам тафсилотли жавоб берар, гапираётib кўп терлар ва рўмолчаси билан тез-тез терларини артиб кўяр эди.

Тан олиш керакки, эҳтимол Ойбек гапирган ҳамма гапларни ўшанда биз старли даражада тушуниб ололмагандирмиз. Аммо шуни айтиш керакки, биз ёшлар учун бу учрашув, ёзувчи билан юзма-юз туриб, у яратган асар ҳақида сухбат эшитиш ўзига хос қимматли сабоқ эди. Худди шу учрашув мени Ойбек акага яқинлаштириб кўйди. Бу пайтлар университетда 5-курснинг бошланғич пайтлари бўлса керак, кафедрага келиб, мен «Олтин водийдан шабадалар» романни хусусида диплом ишни ёзиш карорига келганимни билдиридим ва кафедра ҳам менга шу мавзуни тасдиқлаб берди.

Ойбек ака асарларини қайта-қайта мутолаа қиласардим. Бадий ижод сирларини тушунишда улар менга энг зарур дарсликдек бўлиб колган эди. Шу орада Ойбек ака асарлари, хусусан, «Олтин водийдан шабадалар», «Навоний», ҳатто «Кизлар» поэмаси ҳам газета ва журнал саҳифаларида қаттиқ таңқид остига олинадиган бўлиб колди. Бундай пайтларда маълум сабаблар билан, хусусан, ўзимда ҳали тайёргарлик учча юқори бўлмаганидан, бу ишларга аралаша олмаслигидан афсус ва надоматлар тортар эдим. Бироқ шу нарсанни аниқ билар эдимки, Ойбек ака шаънига айтилган ибтидоий датъолар, уни ҳар хил «измлар»да айблаш, тарихни, ҳаётни яхши билмасликда, ҳатто образлар тасвирида қандайдир бирёқламаликларга йўл қўяётгани асоссиз бўлиб кўринар эди.

1953 йилнинг охири кунларида рўй берган бир ноҳеани эслайман: Адабиёт назарияси кафедрасининг мажлиси бўляшти. Биринчи курсга қабул килинган аспирантларнинг кандидатлик диссертациялари учун темалар тасдиқланиши керак. Яиги дўсларим ўзлари учун ўйлаб, раҳбарлари билан келишиб юрган мавзуларини мухокамадан ўтказиб тасдиқлатиб олаётирлар: Наъбат менга келди. «Ойбек ижоди ва ҳақиқат» дебман ўшанда. Энди

ўйлаб кўрсам, Ойбек ижодига тегишли бу теманинг менда пайдо бўлиб қолипи ўша даврларда адаб ижодига нисбатан ибтидоий ва жўн танкидларга жавоб излаганимнинг натижаси экан.

Менинг гапимни эшитгач, кафедра аъзолари-ю, бу ерда йиғилганлар орасида қандайдир хайратланишга ўхшаган жонланиш рўй берди. Мажлисни олиб борастан раҳбарим А.С.Мясников мен томон назар ташлади. Унинг бу назаридан мен Ойбек ижодига тегинили тема олиш мумкиндири, бироқ бу кипи айтган шаклда мумкинмикин, деган маънони сезиб турарлим. Мен бироз ўнғайсизландим, албатта. Илмий раҳбарим А.В.Прямков вазмин ва салмоқдор қилиб жавоб берди ва мени ўнғайсиз аҳволдан чиқарди.

— Биз ҳали бу кинининг темаси хусусида ўйлаб, охирги фикрга келганимизча йўқ, — деди у.

Бахсни А.С.Мясников бошқарди:

— Табиий, Ойбек катта сэувчи, агар бу кини шу фикрда бўлса, мавзунинг илмий йўналиши хусусида ўйлаб кўриш керак, — деб қолди.

Мен бу фикрдан хурсанд бўлдим. Дарҳақиқат, кафедранинг навбатдаги мажлисларидан бирида «Ойбек романларида характер яратиш принцип ва приёмлари» деган мавзуда менга номзодлик диссертациянинг мавзусини тасдиқлаб бердилар.

Мавзуни илмий мураккаблашган шаклда олишга олдим-у, бироқ билар әдимки, мени қизиқтирган масала ҳамон «Ойбек ижоди ва ҳақиқат» эди. Чунки бир неча йил давомида Ойбек ижоди атрофида ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигига юзага чикиб қолган баъзи бир фикрлар ҳақиқат эмаслигига ишонар эдим. Максадимга эришини учун йўл изладим. Ойбекнинг ўзи билан учрашишнинг иложи бўлмади. У бетоб эди. Адаб ижоди ҳақида бор бўлган материаллар эса менинг талабимга жавоб бера олмас эди. Хуллас, «Олтин водийдан шабадалар» ҳақида диплом иши ёза туриб кай даражада қийналган бўлсам, энди ундан ҳам баттарроқ қийналадигандек кўринар эдим. Ўйлап, излап, иплап керак! Нажот изламоқчидек бўлиб бир гал Тошкентга командиронка олиб келдим-да, Ойбек аканинг рафикаси, у даврда қишлоқ хўжалик институти профессори Зарифа она билан учрашдим. Зарифа опадан Ойбек ака

анча тузалиб қолганини англадим. Гапни адебнинг ижодига тегишли муаммоларга бурдим. Бирок бу сұхбат хам күнглимдағидек натижа бермади. Ҳатто «Ойбек ака ижоди хусусида ҳәқиқатни изляялман» деганимда Зарифа опа менга қараб билинар-билинмас истеҳзоли равишда қулиб хам күйдилар.

Зарифа опа билан учрашув натижасида бошқа бир йўл тоғандек бўлдим. Назаримда, Ойбек акага келган хатлар менга йўл кўрсатишни мумкиндеқ туюлди. Мен Зарифа опадан Ойбек акага келган хатларни сўрадим. «Ойбек ака китобхонлардан кўплаб хат олган бўлсалар керак. Зарифа опа эса менга камида бир қанча хат олиб келиб берсалар керак», деб ўйладим.

Зарифа опа киска муддат ичиде кўриб олиш учун 3-4 хат кўрсатдилар. Бу хатлар билан танишиб чиқиш хам менинг Ойбек ҳәқидағи билғанларимга ортиқча бирор нарса қўшмади. Шу сабабдан мен хатларни Зарифа опага қайтариб бериб хайрлашдим.

Вакт келиб, химоя хам бўлди. Ойбек ҳәқидағи китобини 1953 йил бошларида бўлиб ўтган Ўзбек сағъати ва адабиётiga бағишиланган декадага хам олиб бориб, москваликлар кўригидан ўтказиб олдим. Бирок мен ҳали Ойбек ака билан учрашганим йўқ эди. Ойбек ака билан бевосита ва юзма-юз учрашувим 1959 йилнинг киши ойларида юз берди. Мен Ойбек акага кўп шубҳаю андишалар билан китобимни олиб бордим. Бу китоб диссертация номи қандай бўлса шундай, «Ойбек романларида характер яратиш принципи на приёмлари» деб аталар эди.

Менга таниш бўлган ўша Ботуми кўчаси, ундан Кисловодский кўчасига айланадиган йўл. Ойбек акани шу ерларда кўриб юрганим учун уйни тўғри топиб бордим. Иймана иймана очиқ турган эшикдан ичкари кирдим. Ҳовлининг тўрида қад кўтарган икки қаватли биштин иморатининг биринчи қавати. Кимдир (мен у вактларда Ойбек оиласидан Зарифа опадан бошқа ҳеч кимни танимас эдим) мени кўриб, ичкарига таклиф килди. Коридордан кираверишда ўнг томонга эшик бўлиб, Ойбек акага кўзим тушди. Кутимаган холда у ўрнидан туриб, мени эшикдан кирипидан очиқ чесхра билан кўл чўзиб кутиб олди. Кўп вакт ўтказмасдан газетага ўраб олиб

келган китобимни очиб Ойбек акага узатдим. Ойбек ака китобни қандайдир қизиқиши билан қўлга олди ва менга қараб тақрор-тақрор раҳматлар айтгач, китобни варактай бошлади. Мен эса шу пайтдаги ҳолатимни ҳали ҳам ўзим яхши тасаввур қиласман. Ахир мен санъатига, одамийлигига сажда килишга тайёр бўлган улуғ одам ҳузурида ўтирибман. Гўё менинг тақдирим бу одамниң бир неча сўзи билангида айтиладиган ҳукмига боғлиқ эди. Ойбек ака ҳам менинг ҳолатимдан бехабар эмас эди, чамамда, гўё кўнглимни кўтариб кўймоқчи бўлгандек, китобни оҳиста стол четига кўйди-да, алоҳида таъкидлаш билан «яхши!» – деди. Дарров келтирилган чой ва тайёрланган неъматларга таклиф килдилар.

Ойбек акани чарчатиб кўймаслик учун мен тез турадиган бўлдим. Рухсат бўлгач, Ойбек ака мен билан кўчагача бирга чиқиб, қўл бериб хайрлашдилар.

Бу ўринда мен бир нарсани қўшиб ўтишни лозим кўрар эдим. Гап шундаки, мен Ойбек аканинг «Олтин водийдан шабадалар» романини апча кескин ташқид килганим учун бошқалар, хусусан адабиётчи бўлмаган катта олимлар томонидан таъналар эшилдим. Бу таъналар асл моҳияти билан асоссиз бўлгани учун, улардан мен ранжимадим. Бунинг сабаби шундаки, 50-йилларда бадиий асарни санъат асари сифатида таҳлил килиш принциплари пайдо бўлди, бадиий асарлар роявийлик билан бадиийликнинг бирлиги қонуниятлари асосида таҳлил қилина бошланди. Ойбек асарларини мен шу тенденция асосида таҳлил килган эдим.

Афсуски, кейинги пайтларда бу тенденция талаблари заифлашиб қолди. Ушбу сатрлар муаллифининг ҳам давр тақозосига бўйсунган ҳолда «Олтин водийдан шабадалар» даражасидаги, баъзан ундан ҳам заифроқ асарларни юкори баҳолаган вакғлари бўлган. Аммо мен шундан мамнун эдимки, бошқалар тушуна олмаган бу ҳакиқатни Ойбек ака яхши англар эди. Шу боисдан бўлса керак, юкорида тилга олинган китоб 1965 йилда тўлдирилган ҳолда ўзбек тилида «Ойбек маҳорати» номи билан адабишинг 60 йиллик юбилейига атаб эълон қилинганда, мен Ойбек акани биринчи гал китоб олиб борган маҳалимдагидан ҳам кўра мамнунрок кўрган эдим.

Бундан кейин мен Ойбек аканикida кўп бўлганман, илм, адабиёт, ҳаёт ҳакида анчагина сухбатлар қурганман. Бу сухбатлардан шу нарса маълум бўлар эдики, Ойбек ака адабиёт шайдоси, ҳакиқат посбони. Баъзан гап ёш истеъдодлар хусусида кетар, баъзан ўтган йирик санъаткорларнинг адабий мероси ҳакида бўлар эди. Эсимда, Ойбек ака Абдулла Қодирий номини ниҳоятда катта ҳурмат билан тилга олар эди. Одатда, у асарлар номини кўпам тилга олавермас, гапни кўпроқ асосий қаҳрамонлар – Отабек, Кумуш, Раъно ва Анварлар атрофида юритишни яхши кўрар эди. Абдулла Қодирийни у ўзининг устози деб билар эди. Олимлардан Ҳомил Ёқубов ҳакида ундан яхши фикрлар эшитганман. Абдулла Қаҳҳор маҳорати, хусусан унинг тил устидаги меҳнатларини ҳайратлар билан тилга олар ва тасанинолар айтар эди. Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиронлар ҳакида Ойбек ака билдирган башоратлар ҳанузгача эсимда: «Катта ёзувчи бўлади, катта!» – дер эди улар ҳакида гап бўлиб қолса.

Ойбек ака билан сухбатлар, ибратли гаплар кўп бўлар эди. Буларнинг ҳаммасини эслаш осон эмас. Бироқ мен иккита воқеа ҳакида батафсилрок гапиришни истар эдим. Бу воқеалар ҳам Ойбек аканинг улуғворлигидан дараж бериб туради.

1962 йилнинг баҳор найтлари эди чамамда, мен адаб ҳузурига бордим, шундай, ҳеч сабабсиз, балки баҳор кунлари шунҷаки саломлашиб кетиш учун. Одатдагидек яна адабиёт, ҳаёт, янги асарлар ҳакида сухбатга киришдик. Ҳатто ўша куни бу галги баҳор серёмнир келганини, агар у хафталаб ёғаверадиган бўлса, гулга кирган мевали дараҳтлардаги гул магизи чириб кетишни мумкинлигини айтдилар. Шу муносабат билан ҳовлидаги гуллаб турган олхўриларга ҳам ишора килиб, ўз фикрларини менга тушунтирас эдилар.

Нима бўлди-ю бир оздан кейин Ойбек аканинг кайфияти бир оз бузилди. «Ариза ёзмоқчиман, ариза», – деб қолдилар. Бундай ҳолатни мен Ойбек акада ҳеч кўрмаган эдим. Унинг гап-сўзлари жиддий, юз-кўзларидан асабийлашганлари кўриниб турарди. Гап Лидия Григорьевна Бат-

нинг\* «Ҳаёт бўстони» номли асари, бу асарда Ойбек акага тегишли манбалардан фойдаланилгани ҳақида кетар эди. Бу гапга Зарифа опа ҳам қўшилди. Бу масала мени ҳам тапишишга солиб қўйди. Бошдан мен нима дейишни ҳам, бу масалага қандай муносабатда бўлишни ҳам била олмадим. Дарҳакикат, ўша кезлари Л.Г.Батнинг «Ҳаёт бўстони» киссаси нашрдан чиқсан ва унга мен такриз ҳам эълон қилган эдим. Кисса тўла равишда мустақил ёзилган бўлиб қўринди менинг кўзимга. Бироқ, Ойбек ака менинг такризим хусусида бирор нарса демади. Мен нималардир деб қаноатлантириш учун ҳаракат қилдим. Бироқ, адаб тинчланавермас эди. Икки адаб орасида низо пайдо бўлиб қолишини мен хоҳламас эдим, албатта.

Икки кундан кейин мен Ойбек ака хузурига яна келдим. Ҳали ҳам ўша ахвол. Шу орада мен баъзи дўстлар билан ҳам маслаҳатлашдим. Бу гал энди мен дадилроқ эдим. Шу дадиллик билан айтган сўзларим ҳали ҳам эсимда:

— Ойбек ака, сиз ўз ижодингиз, билимингиз билан дарёсиз, дарё бўлганда ҳам азим дарёсиз. Дарёдан кимлар, нималар манфаатдор эмас? Кимлар ундан сув ичмайди? Лидия Григорьевна шу дарёдан бир оз сув ичган бўлса, ичибида! Бунга ортиқча ташвиш қилиш тўғри бўлармикин? — дедим.

Менинг гапим Ойбек акага таъсир килдими, йўқми, буни мен билолмадим. Ойбек аканинг хатти-ҳаракатлари бир оз илгариғи ҳолатига кайтгаидек бўлди, карашларида, муомаласида, гапириш оҳангига сокинлик пайдо бўла бошлади. «Хайрият!» дедим мен ўшанда ўзимга ўзим. Чунки бу масаланинг менга тўла алоқаси бор эди. Биз Лидия Григорьевна билан биргаликда Ойбек ижоди ҳақида китоб ёзиб, нашр қилиш арафасида турган эдик. Бирор кор-хол бўлиб қолса, бу китобнинг чиқиши ҳам гумондек қўринди менга.

\* Бать Л.Г. Ёзувчи ва танқидчи. Иккичи жаҳон уруши йилларида Тошкентда турган ва Ойбек билан ижодий муносабатда бўлган. Табиий, у Ойбекдан Навоий ҳақида кўнгина ҳикоялар эшиттан ва бу ҳикоялар таъсирида Навоий ҳақида кисса ёзган. Шуни айтиш керакки Л.Г.Бать Ойбек ижоди ҳақида тадқикот ишлари ҳам олиб борган. Унинг ҳаёти, ижоди ҳақида маколалар эълон қилган. Ҳусусан, Москвада «Кутлугъ қол» романи ҳақида ушигт ёзган биритчи тақризи ўта муҳим эди.

Вакт ўтди. Ойбек аканинг ариза бергани ва бу хусусда Академия Президиумида бирор гап бўлгани ҳакида ҳеч нарса эшитмадим. Мен шундай холосага келдимки, Ойбек ака бу ҳакда бирор жойга шикоят қилмабди. Бу ерда Ойбекдаги улуғворлик ғолиб чиқди. Бир неча йилдан кейин Лидия Григорьевна Батъ билан биз бирга Ойбек аканикига меҳмон бўлиб бордик ва Москвада иккаламиз номимиздан эълон килинган «Ойбек» номли китобимиэни тақдим килдик. Ойбек ака Зарифа она билан биргаликда бизни яхши кутиб олишди. Ўтган кунлар, Иккинчи жаҳон уруши йилларидағи улар орасидаги ҳамқўрликлар, нихоят, Ойбек яратган янги асарлар ҳақида узок дўстона сухбат бўлди.

60-йилларнинг ўрталарида эсдан чиқмайдиган яна бир воқеани қайд қилишни истар эдим: одатдагиdek хол-аҳвол сўраб кетиш учун Ойбек ака хузурига келдим. Бу гал хам Ойбек ака ташвишли ҳолатда кўринди. Бир оздан кейин қўллэзмали оқ палкани олдимга қўйиб, қандайдир таажжубланган ҳолатда: «Мен буни нима қиласман, кўринг, нима дейишим керак?» — деб менга мурожааг килдилар. Мен бу ерда шунни айтишим керакки, адаб менинг, хали адабиёт илмида кўзга кўринадиган жиддийрок иш қилиб улгурмаган ёш олимнинг маслаҳатига унча муҳтож эмас эди лекин, назаримда, ким биландир маслаҳатлашиши керак эди.

Мен масалага тез тушундим. Оқ папка менга таниш эди. У Ботир Файзиевнинг «Навоий» романни ҳақидаги номзодлик диссертацияси эди.

Масала тушунарли бўлиши учун унинг тарихига бир назар ташлаш зарур кўринади. Гап шундаки, Ойбек ака 50-йилларнинг бошларида қатор мажлис ва матбуот сахифаларида танқид килинаётган бир пайтда аспирантурада ўқиб юрган ёш йигит Ботир Файзиев Ойбек ижодидан тема олиб илмий иш бошламоқчи бўлиби. Бу темага тегишли анча-мунча манбалар хам йиғибди. Аммо пайдо бўлиб қолган ўткинчи вазият унга таъсир қилиби да, у хам Ойбек «хато»лари хусусида фикр айтмоқчи бўлиб «Кизил Ўзбекистон» газетасида «Навоий» романини феодал ўтмишни идеаллаштиришида айловчи асар мазмунида каттагина мақола эълон қилди.

Йиллар ўтди, «Навоий» романни хусусида, умуман Ойбек хақида айтилган танкидий фикрлар асоссиз эканлиги аникланди. Ботир Файзиев фикрлари ҳам бирин-кетин матбуотда инкор килина бошланди. Унинг диссертацияси эса аросатда колди. Бундай бўлиши табиий бир хол эди, албатта. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор эди. Ботир Файзиев ҳам ўз ишида ўткинчи вазият таъсирига берилганини англаб олди. Шу сабабдан, у ўзининг ташқидий мулоҳазаларидан қайттан ҳолда илмий ишни давом эттиришдан тўхтамади. Ботир Файзиев ўзича тугалланди деб ҳисоблаган диссертациясини бирор илмий ташкилот ҳимояга қабул қилишига журъат қилолмас, ҳатто унинг ўзи ҳам ўзини бу ишга ҳукукли ҳисобламас эди. Шундай бир пайтда кимдир унга яхши маслаҳат берибди:

— Ойбек аканинг хузурига бор, бош эгиб уэр сўра, ахволишни батафсил тушунтир ва қўлёzmани у кинига кўрсат, — дебди.

Кейин эшитишимга қараганда Ботир Файзиев Ойбек аканинг уйига қўлёzmани кўтариб борибди...

Бутуни менинг олдимга қўйилган папка ўша Ботир Файзиевнинг диссертация иши эди.

Ойбек аканинг гап-сўзлари, ҳатти-харакатлари, таажжубланғаннамо қарашлари бирор чигал масалани ҳал қилишига кирилмоқчи бўлган одамнинг ҳолатини эслатар эди.

Мен қўлёzmани вараклай бошладим. Шу орада нима дейишими ўйлар эдим. Нихоят вараклаб бўлгач, Ойбек аканинг ниятини англаб олиш учун: «Булар ҳаммаси ўтиб кетган гаплар», — дедим. Ойбек ака гапимнинг маъносига дарров тушундилар-да:

— Йўқ, булар менинг учун ўтиб кетган гап эмас! — дедилар.

Тўғри, Сиз учун ўтиб кетган гаплар эмас, тарих учун ўтиб кетган бу гаплар, — дедим.

«Тарих учун», «Тарих учун» деб бир неча бор тақрорлайдилар у киши. Ойбек аканинг нигоҳида қандайдир юмшоқлик пайдо бўлаётганини сезиб туардим.

Бирок, мен шу нарсани аник билар эдимки, Ойбек акадаги улуғворлик аросатда қолган одамнинг яна шу ахволда қолиб

кетишига йўл кўймайди. Бу одамнинг аслида кечириб бўлмас гунохини кечириш учун Ойбек ака қандайдир доно маслаҳатларга ҳам муҳтож эмас эди. Ойбек акага бундай пайтда «фалончи шундай маслаҳат берди» деган баҳона керак эди холос. Мен ҳам фикрларимни жамлаган бўлиб, бирок минг андиша-ю иккиланишлар билан дедим:

— Бу одам кимларнингдир маслаҳати билан бир марта килган ишига минг марта пуштаймон. Сизнинг олдингизда ҳам чеки йўқ хижолатда. Иши яна шу ахъолда қолиб кетса, унинг аҳволи яна ҳам оғир бўлади. Сизнигт муносабатингизиз бу иш ҳеч ҳам силжимайди. Икки энлик қоғозга фикрингизни ёзиб берсангиз, яхши бўлармиди? — дедим.

Ойбек аканинг юзидаги ажинлари бир оз силлиқлашгандек бўлиб, қараашларида қандайдир жонланиш пайдо бўлди. Мен папкани у кишининг олдига суреб қўйдим. Гаш бошқа мавзуга ўтиб кетган бўлса ҳам, шу нарса сезилиб турар эдики, худди мен сингари Ойбек ака ҳам бу одам қисмати ҳакида, ўтиб кетган тарих ҳакида ўйлар эди.

Бир ҳафтадардан кейин Ботир Файзиев менинг олдимга келди. У хурсанд эди. Бирор марта бу одамни мен шу даражада яйраб, ёзилиб бирор билан гаплаптанини кўрмаган эдим. Аввало у ўз ишига Ойбек аканинг ёзиб берган ярим бетлик ижобий тақризини кўрсатди.

Ботир Файзиев диссертациясининг ҳимояси ҳам бўлди. Кейинчалик диссертация китоб шаклида ҳам эълон қилинди.

Бахт туғилиш, ўсиб-улғайиб яшашдангина иборат эмас экан. Бахт кўпроқ кимлар билан замондош бўлиб, кимлар билан ҳамкорлик қилинади, ҳамнафас бўлиб, ҳаётда бир сафда қадам ташлашда кўринади!

1985 йилнинг сентябр ойида мен Москвада Колонна залида ташкил қилинган Ойбекнинг 80 йиллик юбилей тантанасида қатнашдим. Бу тантанада фақат москваликларгина эмас, балки пойтахт зиёлилари, бошқа республикалардан келган ёзувчи ва олимлар иштирок этиб, улуг санъаткор сифатида Ойбек номини олқишилашди.

Мен яна бир гал ким билан ҳамнафас бўлиб, ҳамкорлик килганимни тушундим ва фахрландим.

Абдулла Орипов:

## ФАВҚУЛОДДА БАХТ



Х аёт ва ижод тажрибаси хали ниҳоятда кам, тирик ёзувчини кўрса ҳайратга тушадиган мен катори ёшлар учун 60-йилларда Ойбек каби улуғ зотлар билан учрашиб мулокогда бўлиш фавқулодда баҳт эди. Биз ахир мактаб партасидан тортиб дорилфунун аудиториясида хам ўша классик ёзувчиларимиз асарлариши ўқиб, савод чиқарганимиз. Талабалик пайтларимизда кўча-кўйдами, Ёзувчилар уюшмасида, оммавий йигинлардами, улуг адибларимизни узокдан кўриб, ана Faфур Fулом, ана Ойбек, ана Абдулла Қаҳхор, дея бир-биримизни туртиб шивирлашар эдик. Ётоқхонага кайтгач, қолганларга мақтанаардик. Қаранг, йиллар ўтибди...

Мен Ойбек домла билан у кишининг хонадонида икки марта учрашганиман. Икки сафар хам домланинг уйларига ўзларининг ўйқламлари туфайли борганман. Илк дафъа Ойбек романларининг муҳаррирларидан бири мархум Рустам Комилов билан бордим. Ўша йиллар мен Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва салъат нашриётида ишлаб юрадим. Эсимда, нашриётда Рустам ака бир кун терлаб-пишиб. «Сени Ойбек ака йўқлаяпти», — деб қолди. Эндигина уч-тўрт нарсаси эълон қилинган, хали ўз каламига ишониб-ишонмай юрган ёш шоирга шу ташриф канчалик таъсир қилганини тасаннур этиш кийин эмас.

...Ўйга кираверишдаги залда, деворга тақаб қўйилган мўъжаз стол атрофида, домланинг рўпарасида анқайиб ўтирган ўша дакиқаларимни бир умр унутмасам керак. Рустам ака мени таништиргач, домла машакқатли талаффуз билан исмимни такрорлади. Кейин улар Зарифа опа иштироқида «Навоий» ром-

шанининг қайта нашри билан боғлиқ баъзи тузатишларни мухокама килиб олишди. Мен бўлсам, бу мўътабар даргоҳда дафъатан нечун пайдо бўлиб қолганимни тушунолмай ҳайрон бўлиб ўтирадим. Шу орада Зарифа опа «Ойбек адабиётимизнинг ўзидан кейинги қоладиган вакиллари, хусусан, кенжা авлоди билан қизикаётганини, баъзи бирларимиэнинг машқларимизни ўқиганлиги, мени ҳам шу сабабдан йўқлаганини» жасур бир кайфиятда айтиб қолди. Домла иҳоятда тийраклик билан, кўпчилик номдор инсонларда жуда кам учрайдиган самимият ва болаларча беғуборлик билан опанинг гапларини тасдик этди. Ўша кунги кисқагина сұхбат адабий ижод заҳмати ҳақида бўлди. Эсимда, Зарифа опа «Ойбек сизларнинг ёшингизда китоб ўқищдан бошқа нарсални билмасди, Навоий, Пушкин, Гёте, Даңтеларни жуда кўп мутолаа қиласди, килюга кам кираварди», — деганида, бутун вужудимдан муздек тер чикиб кетди. Мен гарчанд кинотеатрларга ҳадеб кираверишни ёқтирамасам ҳам, бу ўгитда вактингни, ёшлигингни бехуда ўтказма, деган писанда-масални илғаган эдим. Ойбек домла, бу ўгитни азбаройи таъкид билан тасдиқлади. Мен кейинчалик жуда узоқ махал ўша сұхбат таъсирида юрдим...

Иккинчи дафъа Ойбек хонадонига ёзувчи дўстим Носир Фозилов билан иккимиз кириб бордик. Домла ҳовли ўртасида оддийгина курсида, бошида қоракўл панаҳ, ёлгиз хаёл суреб ўтирган экан. Ичкарига тақлиф этди. Ўша стол атрофида давра олиб ўтирик. Носир ака ўзига хос чечанилик билан Ойбек домлани гапта соларди. Мен бўлсам, журъатсиз аҳволда мумтишлагандай жим эдим. Фавқулодда Ойбек домла менга қараб, чап қўли билан хитоб қилиб «Ўки!» — деб қолди. Ўша кунлари Кавказдан қайтиб, «Арманистон» деган шеъримни ёзиб тугаллаган эдим. Нима бўлса бўлар, деб шеъри ўқиб юбордим. Ўша учрашув тафсилотини Носир Фозилов кейинчалик матбуотда ёзиб ҳам чиққан. Хуллас, ўша куни менинг бутун умримга татирлик ҳодиса юз берди: Ойбек домла Ёзувчилар уюшмасига киришимга тавсия ёзиб берди.

...1965 йилда тақдир тақозоси билан «Ёш гвардия» (ҳозирги «Янги аср авлоди») нашириётида ишладим. Ойбек домла учун «кўп хизмат қилган» Ботир Файзиев билан бир хонада ўтиришимга тўғри келди. У кезлар мен бу одамининг Ойбек домла устидан ёзган тухмат хатлари-ю, қилмишларидан тўла

хабардор эмас әдим. Бу одам ўзини жуда ғалати тутар эди. Хеч ким билан гаплашын, доимо уф тортар, туцликка хам бир ўзи чикиб, бир ўзи кайтиб келарди. Нашриётдагилар билан юзаки саломлашарди. Бу салом алислар хам иш такозоси билан бўларди. Гаплари қанчалик рост бу одамнинг ёлғиз худога аёп-ку, лекин бир куни Ботир Файзиев эшитадиган кулок излаб юрган эканми, менга ёрилиб қолди. Яъни, Ойбекнинг «Навоий» романни устидан ёзган мақоласининг тарихини сўзлаб берди. Ботир Файзиевнинг айтишича, мақола буюртма билан ёзилган, лекин эълон қилинган кўринингда бўлмаган. «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида унинг ёзган мақоласи тамомила таҳrir этилиб, Ойбекка ростмана хужум хужжатига айлантирилган. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бу ишнинг орқасида катта кучлар турган ва улар бу ишни бажариш учун Ботир Файзиевдек иродаси суст бир кимсани топиб фойдаланишган.

Ботир Файзиевнинг менга айтишича, у кейинчалик Ойбек хонадонига тўрт оёқлаб, эмаклаб кириб борган. Зарифа она супурги билап қувиб солмокчи бўлганларида, Ойбек домла йўл кўймаган. Хуллас, бу пошуд одамнинг помзодлик диссертациясига Ойбек домланинг ўзлари ёрдам берганлар. Улар ўртасидаги сұхбат тафсилоти – турли жониворлар иттифоқ бўлиб яшашини ибрат қилиб кўрсатганлари хақидаги хотира-лар кўпчиликка маълум.

Ботир Файзиев дафъатан кўринмай қолди. Эшитишимича, у оламдан ўтган экан. Нашриётдан биронта ходим унинг татья-ясига борганини эслолмайман. Худони ургани шу бўлса керак.

Минг афсуски, шунча аччик сабоқлардан кейин, замонлар ўзгаргандан сўнг хам, ёвуздарнинг сони асло камайган эмас.

Ойбек ижоди атрофида юзлаб варак мушоҳада-ю таассуротлар ёзиш мумкин. Лекин ҳозир гап домланинг барҳаёт сиймо-сиини хотирлаш хакида кетаётган экан, мен хам у кипи билан кисқа, лекин бир умр унутилмас учрашувларимни эсга олдим.

Тўғрисини айтсам, ўша кунларни эслаш ҳозир мен учун бир томондан мароқли бўлса, бир жихатдан изтироблидир. Мароқли томонни шундаки, Ойбекдай улуғ инсон, улкан адаб билан юзма-юз гаплашганимдан баҳтиёрман, изтиробли томонни шундаки, мен-ким, бир ёш ишор у жот билан рўбарў келганимда қачоидир ўша учрашувларни хотира қилиб ёзарман, деб ўйлабмидим...

*Кузьма Лапкин:*

## «МЕН ШОҲИД БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР...»



Мен Ойбек билан унинг йигирма ёшлик навқирон йигитлик чоғида, эндиғина катта ижодий йўлга қадам кўяётган даврида танишганман. Унинг ана шу ёшлик йилларига доир менда жуда кўп хотира на таассуротлар сақланиб қолганки, булар фақат менинг ўзим учунгина эмас, балки буюк адабининг барча муҳлислари, ўкувчилари учун хам аҳамиятли бўлса керак, деб ўйлайман.

Ўқишимни давом эттириш ва САГУда таҳсил олиш учун Тошкентга келдим. Тошкентта келаётганимда, Москва вокзалида мени тунаб, бор-йўғимни олиб кетишиди. Хайриятки, баҳтимга ўкувчиларга поездда текин юриш учун бериладиган литерни кисавурлар пайқашмабди. Шу жонимга ора кирди. Йўлда менга ҳамроҳ бўлган Яша исмли студент билан кўп машаккатлар чекиб, аранг Тошкентга етиб келдик. Ўшанда август ойининг бошлари эди. Устки қалин кийимларимизни йўлда озиқ-овкатга алмаштиришга мажбур бўлиб, юпун ҳолда қолган бўлсак-да, жуда исиб кетдик. Шахар ҳавоси биз учун иссик эди, албатта.

Дархол ётоқхонаага жойлашишга уримиб кўрдик. Иложи бўлмади, ётоқхоналарда ремонт кетаётган экан. Шунда Яша мени САГУнинг физика-математика факультетининг химия бўлимида ўкиётган курсдош дўсти Махмуд Ҳакимовниги жойлаштироқчи бўлди. У киши ҳам ўкир, ҳам ўрта мактабда

дарс берар ва ўзи ўқитаётган ўқувчилар билан шаҳар чекка-сидаги боғда турар экан. Яшанинг таъбири билан айтсанда, бу жой жашнатмисол «Боғи эрам» эди.

Анча излаб, ўша ерни топиб бордик. Боғ унча катта бўлмаган токзор ва икки-уч кайра очдан иборат шинамгина жой эди. Ишкомлар тагида каттакон сўри бўлиб, унда 25-30 ўқувчи жойлашганди. Кеч кирди. Дараҳт соясида тўшалган кўрпача устида тиззасига қалин китобни кўйиб бир киши буқчайганча ўтиради. Бу одам Маҳмуд Ҳакимов бўлиб, унинг ёнида оқиш юэли, кўзлари тимкора ёшгина йигит. Бу йигит кейинчалик улкан адид ва шоир номини олган Мусо Тошмуҳаммедов Ойбек эди.

Бекорга улардан бегонасираган эканман, бизни жуда илик ва дўстона кутиб олиши. Яша ҳақиқатан ҳам уларнинг ўз кишини экан. Лекин барибир, сўрамай-нетмай ташриф буюрганимиздан ўзимни ўнгайсиз сезар эдим. Яша эса бунинг акси эди. У сиполик қилиб турмасдан ахволимизни тушунтириди. Биз улар билан бирга шу ерда қоладиган бўлдик. Ҳижолат-наズлик билан Маҳмуднинг кўлидан дикқатимни тортган ўша қалин китобни олиб ва рагладим. Китоб университетларда ўқитиладиган органик химия дарслиги эди.

Мен бу китоб билан таниш эдим. Лекин Маҳмуд уни қандай қилиб ўзлаштираётганин? Чунки сухбатимиздан маълумки, у рус тилини жуда кам билади. Китоб рус тилида, бунинг устига бадий асар эмас, мураккаб илмий тилда ёзилган асар. Сабабини сўрадим. Маҳмуд мента диққат билан тикилиб жим қолди. Унинг ўрнига Ойбек жавоб килди:

— Маҳмуд, — қаҳрамон, — леди у, — унинг бу ҳаракатини жасорат деса бўлади. Университетга келганида рус тилини мутлако билмасди. Лекин шундай бўлса-да, астойдил уриниши туфайли аъло баҳолар билан ўқияпти. Албатта, кийин. Университетда, фан оламига тил билмасдан кириб келаётган ҳаммамизга ҳам кийин.

Ойбек кимтиниб, секин сўзлар, назаримда, хар бир фикрни аввал ичида ўйлаб, сўнгра рус тилига таржима қилиб гашираётганга ўҳшарди. Лекин унинг нутқи маънодор, эҳтиросга тўлик эди.

Биз танишган кунимиз Маҳмуд ҳаяжонда эди. Чунки кузги синов муддатига жуда яқин қолган эди. Унинг химия дарслигидан фойдаланишида қийналаётганини кўриб, ёрдам беришга қарор килдим. Маҳмуд русча матнни қийналиб тушунса-да, химиявий формулаларни осонлик билан ҳал қиласди.

Унинг бу каракатини кузатиб турган Ойбек чиройли ҳазил килди:

— Бодом магазининг мазасини татиш учун аввал данакни чақини керак.

Ана шу сухбагининг ўзидаёқ иккиламизининг муносабатимиз дўстона тус олди. Ойбек яна бирпас ўтиргач, ишкомларга бурканган қўш деразали кичкинагина уйга ишлагани кириб кетди. У ёлғизликда ўтириб, узок имларди. Маҳмуд билан биз очиқ ҳавода ухлагани ётдик. Ярим тунда уйқум кочди. Атрофга назар ташладим, корончилик чўккан боғчада факат Ойбек турган уйдан ёруғлик кўринарди. У ҳамоп ижод билан банд эди.

Бекор юрмаслик учун бу ердаги ўқувчиларга рус тилини ўргата бошладим. Ўқув йилининг бошларида эса мени ўрта мактабга ишлапига таклиф қилишди. Рози бўлдим.

Мен Ойбек ўқитувчилик килаётган Шайхонтохурдаги 1-ўрта мактабда ишлай бошладим.

Биз ишләётган мактаб собиқ рус-тузем мактаби базасида ташкил этилган эди. Шу боисдан бўлса керак, мактаб муаллимлари бир-биридан катта фарқ қилувчи икки гурухга бўлинганди. Асосан студентлардан иборат ёпи муаллимларга М.Ҳакимов бошчилик қилса, иккинчи гурухдаги собиқ ўқитувчилар Мунаввар кори\* таъсири остида эдилар. Ойбекнинг хар иккала гурухда ҳам обрўси ва хурмати баланд эди.

Юзаки караганда, қарама-қарши гурухлардаги муаллимларининг ўзаро муносабатлари ҳеч нима бўлмагандай, муросали кўринса-да, ўқитиш методи ва масалаларини тушунишда

\* Мунаввар кори Абдурашидхонов Туркистоңда жадидизм харакати раҳбарларидан. Ючусхон мадрасасида таълим олган. 1903 йилдан жадид мактабларида дарс бергани.

зиддият мавжуд эди. Таълим-тарбия услуби масаласида кўзга кўринмас «жанг» давом этарди.

Мактабдаги айрим муаллимлар ўртасида ўтмишни идеаллаштириш, феодал-патриархал тузумнинг анъаналарини, қолок урф-одатларни кўкларга кўтариш кучли эди. Ана шу руҳдаги кишилардан бири Мунаввар кори эди. Ўқувчилар хазиллашиб зимдан унинг номини «Самовар кори» деб аташарди. У семиз киши бўлиб, нафас қисилишидан зорланиб юрасди. Гавдаси кулгили бўлишига карамасдан, ўзини доимо сипо тутар, вазмин бўлишга ҳаракат қиласди, бошқалар олдида салобати бор эди.

Ўзбек тилидан дарс берётганида зохирон ҳазил бўлса-да, лекин аслида мазмунан чиркин, воқеликка бегона мисолларни ишлатарди. М.Ҳакимов унинг бу қилиғидан ғазабланарди. Бу ёш йигитнинг характери, эскиликка чексиз нафрати, ўтмиш сарқитларини дадил инкор этиши менга кўпроқ И.С.Тургеневнинг «Оталар ва болалар»идаги Базаров образини эслатарди.

Ойбек М.Ҳакимовни қувватлар, лекин бу ишга оқилона ва усталик билан ёндашарди.

Бир куни мактаб педагоглари йиғилишида Мунаввар кори ёш ўқитувчиларга қарата, уларнинг ўрта мактаб таълим-тарбиявий масалаларини тушиунишлари нотўғри эканлигини айтиб, шундай деб қолди:

— Барингиз ўз ўқувчиларингизнинг олим, фан на маданият арбоби бўлишини орзу қиласиз. Ҳаммаси пуч гап. Чунки улар тил билмасликлари натижасида мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам чала муллаликларича қолаверадилар.

М.Корининг сўзи обдан ўйланган, кескин, ҳақиқатга яқин эди. Шунинг учун ўтирганларга бу гап таъсир қилди. Унга жавобан Ойбек хотиржамлик ва ишонч билан деди:

— Сиз маорифимиз тузилишидаги катта хатони жуда тўғри кўрсатдингиз. Лекин истиқболни кўра олмаяпсиз. Бу йўлдаги тўсиқлар бартараф этилди. Биз ҳам қўл ковуштириб турмаймиз.

Ойбек шундан сўнг ўзбек мактабларида ўқишини қайта ташкил этиши ҳақида ўз таклифини киритди. Унинг фикрича мактаблар икки босқичдан ташкил этилиши керак бўлиб, ўқувчиларга 4-5 синфдан бошлаб она тили билан мунтазам ҳолда рус тили ҳам ўқитилиши талаб этилар эди.

Ушбу таклиф қаттиқ қаршиликка учради. Кўпчиликка бунақа «руслаштириш» йўл қўйиб бўлмас хол бўлиб, ўзбек халқи маданиятини ривожлантиришига тўқсинглик қилини мумкинцек кўринар эди. Лекин Ойбек ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Чунки у, бу ишининг келажагини кўра олган эди. Токи бу таклиф расмий жиҳатдан маъкуллангунча, озмунча куч ва харакат сарфланди дейсизми?

Мактабларни қайта тузиш жўн иш эмас эди. Бунинг учун ўқитувчиларни сайлаб танлати ва ўзлаштиришини пасайтирмаслик шарт. Хўш, ана шундай нозик вазифани ким зиммасига олиши мумкин? Янги мактаб мудирлигига М.Ҳакимов тайинланди. Менга эса дабдурустдан илмий бўлим мудирлигини таклиф қилинди. Мен ёшлигим ва ҳали старли тажриbam йўқлигини рўкач қилиб, рад этдим. ГораНОдагилар ўз сўзларида туриб олишгач, ўйлаб кўришга ваъда бердим ва бу ҳақда Ойбекдан маслаҳат сўрадим. У рози бўлишини маслаҳат берди:

— Ўқитувчиларнинг ўзлари сенинг номзодингни кўрсатишяпти. Чунки сенда ишимизнинг амалий тарафини бажаришда харакат ҳам, устакорлик ҳам етарли...

— Маҳмуд нима деркин? — сўрадим мен.  
— Хотиржам бўлавер, у ҳам хурсанд бўлади, — деди Ойбек.

Кўп ўтмай эски мадраса биноси фойдаланишга олиниб, интернатда бир неча муаллимлар қатори Ойбек ҳам истикомат қиласарди.

У тартибли ўқир, ҳар бир фани тез ўзлаштирас эди. Ўзига ёккан китоб муаллифини гўё меҳмонни яхшилаб кутиб олган олижаноб мезбоғга ўхшатарди. У баъзан шундай дерди: «Бугун Бартолъдинг меҳмони бўлдим». Биз бу гапдан Бартолъдинг Ўрта Осиё тарихига доир китобини ўқиб чиққанини англарлик. Мабодо қўлига мазмунан қашлоқ китоб тулиб қолса, дарров четта суриб кўяр ва «ҳазм қилиб бўлмайди», деб кўярди. Лекин ўзига ёкиб қолған китобни қайта-қайта ўқир, бу билан ўз фикр доирасини кенгайтирас, чукурлаптирас эди.

— Ҳар бир кипи, — дерди у, — факат ўз қарашларини гина эмас, балки жамият хаётидаги ўрнини ҳам аник ва равшан билиши лозим.

Биз унда ижтимоий билимларга қизиқыш тобора кучайиб бораётганини сезардик. У фақаттинга фанни эгаллаш соҳасида гина эмас, шу билан бирга адид ва шоир сифатида ҳам шухрат топаётган эди.

Ўша кезларда у адабиёт ва санъатнинг назарий масалалари билан ҳам жиддий шуғулланарди. Унинг иш столида Тэннинг «Санъат фалсафаси» ва В.Белинскийнинг Пушкин ҳакидаги мақолаларини, Чернишевскийнинг «Вокеликнинг санъатга эстетик муносабати» асарини, Фричснинг «Санъат тарихи» китобини, Плехановнинг адабиётшуносликка оид мақолаларини, Луначарскийнинг «Позитив эстетика ҳакида» каби ва бошқа асарларни кўрардим. Интернатда бирга яшаётган кунларимизнинг бирида Ойбек менинг олдимга шеърлари босилган журнал кўтариб келди. Уни бу муваффакияти билан табриклаб, албатта ўқиб чиқишимни айтдим. Негаки, шу кунларда зўр бериб ўзбек тилини ўрганаётган эдим. Оғзаки нутқни тушунадиган бўлиб колгандим. Ўқувчиларим билан ҳам иложи борича уларнинг ўз тилларида гапланишга интилардим. Лекин бу ҳаракатимдан Ойбек бир оз ранжида ва бир куни:

- Рус тилида галираверсанг-чи, — деди энсаси қотиб.
- Сенинг ва бошқаларнинг шеърларини ўзбек тилида ўқиш учун ҳам шундай киляпман, — деганимда у:
- Ўзинг бирга яшаётган халқ тилини ўрганишнинг, албатта мақтовга сазовор. Лекин ҳозирги вазифа бундан иборат эмас. Гап шундаки, энг аввал ўқувчилар рус тилини ўзлаштириб олишлари керак. Бу улар учун жуда зарур, — деди.

Ўрта мактабда ўқиганимда, бизга айниқса рус адабиёти ва поэзияси чукурроқ ўргатиларди. Шунинг учун бўлса керак, Жуковский, Некрасов, Тютчев, Надсон, Бальмонт, Блок, Маяковский, Есенин шеърлари хотирамда яхши сакланиб қолган, мен уларни бемалол ёддан айтиб бера олардим. У ҳаммадан ҳам Пушкин ва Тютчев шеърларини тингланишни кўпроқ ёқтирадар, лекин бошқа шоирларнинг асарларини ҳам эътибор бериб эшитарди. Ойбек рус адабиётидаги инсонпарварликни, унинг зулм ва разолатга нисбатан муросасиз руҳини жуда қадрлар эди.

Ойбекнинг ўтмиш меросига муносабати ҳам, шубҳасиз, кимматлидир. Билмадим, балки баъзиларнинг ёдида бордир, 20-йилларда араб ёзувидаги ўзбек ёзувини лотин алфавити билан, сўнгра рус алфавити билан алмаштириш масаласида қизғин баҳслар, мунозаралар бўлиб ўтганди. Бундок караганда ҳарфий белгиларни алмаштириш унча мураккаб иш бўлмаса-да, бу борада баҳслар кучайиб, гап мухим масалалар – Шарқ ёки Farb маданиятига, ёзувига таяниш масаласига бориб тақалди.

Араб алфавити тарафдорлари ўзбек ёзувининг европача ёзув билан алмаштирилиши Ўзбекистонни Ўрта Осиё, Шарқининг ўтмиш маданий меросидан баҳраманд бўлишдан маҳрум этади ва Farbга тобе қилиб қўяди, деб қаршилик кўрсатдилар. Ана шу баҳсларда, тортишувларда Ойбек ҳам қатнашди.

Ойбек ўтмиш маданий меросини юксак баҳолар, уни кунт билан ўрганар, лекин Шарқ ва Farb маданияти деган гапни тан олмасди. У Шарқ маданияти тарафдорларининг Farb маданияти, ёзувига иисбатан қўяётган дъзволарининг луч, на тарихий ва на мантиқий асосга эга эканлитини яхши биларди. Чунки Ўрта Осиё тарихида, маданиятида доимо турли хил мамлакатлар ва ҳалқлар маданиятининг, фанининг таъсири бор. Аристотелсиз Ибн Сино ёки Берунийнинг бўлиши мумкин эмас эди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўрта Осиёлик мутафаккирлар Европа ва жаҳон маданиятининг, цивилизациясининг шаклланиши ва равнакига ўзларининг салмоқли хиссаларини кўшганлар. Farbга сажда қилишни ҳам Ойбек бемазагарчилик деб биларди. Шу билан бирга, бу ҳар иккала маданиятини Хитой девори билан ажратиб қўйиш телбалик холос, дер эди.

30-йилларнинг бошида биз мактабдан кетдик. Университетни таомомлагач, Ойбек сиёсий иқтисод, мен эса фалсафа фацидан дарс бера бошладик. Шу билан бир пайтда, иқтисод институтида ҳамкорликда ишладик.

Кейинги йилларда иш билан ниҳоятда банд бўлганимиз туфайли, кам кўришадиган бўлиб қолдик. Ушииг ҳаётида, ижодида мен воқиф бўла олмаган кейинги воқеалар хакида бошқалар ҳикоя қилишар.

## Калбдан севги тошди...

Сўзимниг хulosасида шуни айтишим мумкинки, Ойбек ҳаётининг илк дамларида у билан ҳамнафас, бир сафда бўлганимдан баҳтиёрман ва бундан фахрланаман. Чунки Ойбек тоирилик ва адиблик фаолиятининг дастлабки пайтларидаёқ, ноёб инсоний фазилатлари, истеъоди билан ўз атрофидагиларга, жумладан, менга ҳам катта таъсир кўрсатган эли.



*Ойбек ўғли Омон ва набираси Гулшод билан*



*Ойбек акаси Иса Тоимуҳамедов билан*

*Құддус Мұхаммадий:*

## «УЛУГНАФАС ШОИР»



Құддус Мұхаммадий билан сұхбатлашиш үчүн домладам Ҳомил Ёқубовни бирга олиб бордим. Бұндап күзлаган мақсадим бор эди ва бу фикр иш берди. Икки дүстши учраштириб, гапиритириб, үзимга кераклы гапларни маржондек ипга тизиб келиш эди. Икки дүст: «Ҳомил, әсингдами?», «Құддус, әсингдами?», деб хотиралар уммонига гарқ бўлишди, умр зарварақларини бирма-бир варақлаб чиқишиди. Мен бўлсам, бир чекада мириқиб сұхбатларини тингладим. Бир неча китобга етадиган материалга эга бўлдим. Сұхбатдан Ойбек домлага оид ўринларни саралаб олдим.

Мен техникумда ўқиб юрган кеэларим, талабалар билан ўтказиладиган учрашувларга Ойбек тез-тез келиб турарди. Техникумда озгира дарс соати ҳам бор эди. Навбатдаги келишларидан бирида техникумимиз-нинг «Қуёш» номли деворий газетасига күзлари тушибди. Үнда менинг «Тонг ўйини» деб номланған шеърим босилиб чиқкан эди. Шеърим маъқул келиб, мен билан танишиш истагини билдирибди. Директор Махмуд Ҳаким мени Ойбек-нинг олдига олиб келиб таништирдилар. Ойбек домла мен билан сұрашығач: «Яхши ёзибсиз, келинг тез-тез учрашиб турамиз», — дедилар. Биз биринчи марта шу тарика учрашган эдик. Шу кундан эътиборан, мен Ойбек домладан бирор

кун ҳам айрилмадим. Тез-тез уйларига бориб турдим. Янти шеър ёздим дегунча фикрларини олгани олдилариға чопиб борадиган бўлдим. Домланинг муносабати, ижодим ҳақидаги фикрлари мени илҳомлантирарди.

Биз Ойбек билан шаҳарнинг турли чеккаларида яшардик. Шунга қарамай, мен устозни уйларига пиёда кузатиб кўйини яхши кўрардим. Йўл-йўлакай устоз билан тўйгунча таплашардим, бундан олам-олам қувонч олардим, дилим яйради. Бориб-бориб устоз билан бўлган учрашувлар, мулоқотлар менга камлик қила бошлади, мен ёнма-ён бир кўчада туришни оразу қила бошладим. Орзумни устозга айтган эдим, «Майли, майли», — дедилар кулиб. Бир йил ҳам ўтар-ўтмас менинг орзуим рўёбга чиқди. Ёзувчилар уюшмаси, менга Ойбекнинг уйларидан унча узоқ бўлмаган жойдан ер берди. Қувончимнинг чеку чегараси йўқ эди. Чунки мен устоз билан кўшни бўлдим. Устознинг ховлиларида мевали дарахтлар бўлгучи эди, хосилга кирди дегунча бизга қўшини ҳаки чиқарарадилар, бирон-бир йил мева чиқармай қолганларини эслолмайман.

Устоз ўта меҳрибон ва эътиборли эдилар. Факат маънавий жиҳатдан эмас, моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бериб туардилар. Улар фақат менга эмас, кўпчиликка ёрдам бериб юрардилар. Менинг шогирдим Кудрат Ҳикматга ҳам ёрдам берганлари ҳеч эсимдан чиқмайди. У уй кураётган кезлари иморатини тутатишга пули етмай қолади. Шунда устоз унга пул бердилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, Кудрат устозга қарзини қайтариб берганда, олмадилар: «Бу менинг болалар адабиётига қилган совғам», — дедилар. Устозни болалар адабиётининг келажаги, умуман тақдиди кизиқтирарди. Ёзувчилар оламини, болалар адабиётини ёш иктидорли ёзувчилар билан кўпайиншини истардилар. Ҳар гал мен билан учрашганларида: «Хўш, болалар оламида аҳвол қалай, шоғирдлар борми?», — деб сўрардилар. Бир галти сухбатимизда: «Ҳа, бор», — деб жавоб бердим ва шогирдим Кудрат Ҳикмат билан таништириш учун рухсатларини олдим. Шунда устоз: «Зуваласида ёзувчилик борми? Ишончни оқлайдими?» — деб сўрадилар.

Уруни бошларида Ҳамид Олимжон мени хузурларига ча-  
кирдилар. Ёнларида машхур Ислом бахши ўтиради. Ҳамид  
Олимжон мени улар билан тапиштириб: «Сиз Москвага ўқишига  
боришингиз керак эди. Лекин шароитдан келиб чиқиб, биз  
сизни Ислом бахшига котиб қилиб Самарқандга ишга юбо-  
ряпмиз. Бу ҳам сизга маҳорат мактаби бўлади», — дедилар.  
Шундай қилиб, мени Ислом бахши билан бирга кетдим, адаби-  
ёт жабҳасида тарғибот ишларини олиб бора бошладим.

Самарқандда ишлаб қайтгач, ўша кунлардаёқ Ёзувчилар  
уюшмасига Ойбекнинг олдиларига кўргани кирдим: «Уюшма-  
дамиси?» — деб сўрадилар.

«Йўқ, аъзо эмасман» — деган эдим, — дарров керакли  
хужжатларни тайёрлашимни буюрдилар. Ўзлари тавсиялома  
ёзиб бердилар. Мени уюшма аъзолигига қабул этиш масаласи  
кўриладиган куни устоз бетоб бўлишларига қарамасдан, маж-  
лисда қатнашдилар.

Ойбекнинг хизматлари фақат мен на ё менга ўхшаганлар-  
нииг тақдирини ҳал қилишдангина иборат бўлмай, балки  
адабиёт оламининг тақдирини белгилашда ҳам сезиларли из  
колдирган.



*Ойбек рафиқаси билан дам олиш масканида*



*Чиндан севаман, юракдан севаман!*

**Ойбек**

Зарифа Сайдносирова:

## «БУТУН БОРЛИҚНИ ҮНҮТИБ...»



Ойбек билан 1924 йилнинг кузида танишганмиз, мен у кезлари Навоий номидаги педагогика техникумида ўқирдим. Бу техникум Хадрада, Ҳамза номидаги театр эски биносишинг иак қаршисида эди. Техникум ётғи, ошхонаси орқасида — Сайдкарим бойининг ҳовлисида жойлашганди. Ойбек ҳам шу техникумда тахсил оларди. У «Тонг юлдузи» деб номланган деворий газетамида муҳаррирлик қиласарди. Шу сабабли баъзан йўлимни тўсар, деворий газета учун бирон нарса ёзив ёки расм солиб беришимни илтимос қиласарди. Шу баҳона Ойбек билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. У дарсдан чиқишимни баъзан соатлаб пойларди. Бу аҳвол ҳар куни такрорланарди. У мени трамвайгача кузатиб қўярди.

Ойбек кунда йўлимни тўсиш ва кузатиб қўйиш билан чекланмасди. У менга хат ёзиб, қўлимга тутқазарди. Ойбекнинг ўз кўли билан менга берган хатлари ёки сингилларим орқали берган хатларини ҳозир ҳам сақлаб қўйибман, бошқа бирорлар орқали берган хатларининг кўпчилиги менга етиб келмаган. Шундай менга етиб келмаган хатлардан бири Намуна мактабининг ўқувчиси Ойбекнинг шогирди Шукрулло Файзуллаев орқали бериб юборилган хат эди. Орадан ўттиз икки йил ўтгач, 1957 йилда учрашганимизда Шукрулло хат воқеасини кула-кула сўзлаб берганди. У хатни очиб ўқиган,

ичидағи шеър маңқул келиб күчириб олган, кейин хатпін бизнинг уйга онкелиб, «Беріб күйинглар», — деб кимгадир топшириб кеттган. Ўзи бұлса хатдаги шеърши ҳозиргача ёдан ўқиб юрат эмиш. Бу шеър «Кутганда» номи билан «Түйғулар» түпламида кейинчалик босилиб чиққан. Ойбекнинг бу шеърий мактуби ментағ етиб келганидан ўзи ҳам бехабар эди.

Бир куни «Түйғулар»ни варақлаб шу шеърни ўқир эканман, Ойбек: — Бу шеърниң бошқа нусхаси ҳам бор эди, — деди ва столидаги қоғозлардан бир варақ олиб ёзди:

**«Түйғулар»дагы варианты**

*Йұлингда күтдім,  
Хасраттар ютдім,  
Сен ҳеч келмадинг,  
Дардим сүрмадинг.*

*Бир күн кулиб бокдинг,  
Ирмоқдай оқдинг.  
Қалбимда мангу  
Оловни ёқдинг.*

*Оқар сув қайтмас,  
Лекин сен бир қайт,  
Интизорман, ох,  
Менга бир сұз айт!*

*Йұлингда күтдім,  
Хасратлар ютдім,*

*Хижронинг-ла күпдан  
Ұзни үнүтдім.*

*Сен ҳеч келмадинг,  
Дардим сезмадинг.  
Чаманлар ичра,  
Бирга кезмадинг.*

*Аввали үқ отдинг,  
Күнглім қонатдинг.  
Сүнгра, юлдузим,  
Кайларға ботдинг?*

*Малагим, бир бок,  
Борлигимни ёқ.  
Ох, ёшлик өзгім  
Бир күзга япроқ.*

— Шунча йил ўтибди, ҳапуа шеър ёдиңгиздами? Ізувла-  
рингиз орасыда буни учратмагандым.

— Сени мактабдан қайтишингни кутиб, уч соат пойлаган-  
ман. Келмадинг, қайси күча орқали кетибсан, билмадим. Шунда  
ёзғапман.

Кулищдик.

Бекжон касалхонада ётиб даволанғанида бир кардиолог  
шифокор Ойбекнинг шогирди эканлигини ва ҳамиша Ойбек-

дан менга мактуб ташиганлигини сўзлабди. Таажжубландим. Демак, кўп мактублар, менга етиб келмасдан йўлда йўқолган.

Бир кун Ойбек шеър ёзиб тўлатилган, қалингина, сариқ муқовали дафтарини қўлимга тутқазди. Шеърларнинг бошига ва охирига кичик-кичик расмлар чизиб беришимни сўради. Йўқ дейлмадим, дафтарни уйга олиб кетдим. Энг нозик мўйка-лам, акварелда расмлар чиздим. Мактабга кетганимда дафтар иш столимда қоларди. Бир куни дадамнинг кўзлари тушибди. «Кимники?» — деб сўрадилар мендан. Жавоб қилдим. «Бармоғини тишлаб, хаёл билан ерга караб юрадиган бир болани кўрардим техникум ховлисида, Ойбекми у?» — дедилар. Ойбек дадамга маъқул келган бўлса керакки, койимадилар.

Бу дафтар хозир Ойбек архивида йўқ. Жуда афсусланаман. Яна бир жилд учун етарли шеър бор эди унда. Ойбек 1927 йилда Ленинградда таҳсил олгани кетаётганида дафтарни саклаш учун синглисига бериб кетган эди. Синглиси Шарофагни 1928 йилда турмушига бердилар, у ўзининг сандикчасида дафтарни олиб кетган. Кейинчалик дафтар йўқолган.

Ойбекнинг ойиси ва дадасини мен биринчи марта 1925 йилда у техникумни тугатган йили кўрганман. Фоят катта тантана, зиёфат бўлган. Техникумни битирган 12 талабани бошдан-оёқ кийинтириши, даста-даста китоблар ҳадя этишиди. Ховлида катта зиёфат берилди, хоналарнинг бирида уларнинг ота-оналарини меҳмон қилдик. Мен чой ташиб, ош ташиб югуриб юрдим.

1925 йилнинг эрта баҳори. Одатда дарсдан сўнг ярим соат, бир соат дам олиб сўнг студияга — расм машғулотига кетардим. Ойбек синфга кириб, олдимга ўтирди. Суҳбатлашдик. Сўнг «Сизга бирор бериб юборган эди», — деб бир хат узатди. «Кимданлигини айтмасангиз олмайман!» — дедим. Ўзимдан. Фақат олдимда ўқиманг», — деб илтимос қилди. Ойбек чиқиб кетгач, хатни очиб ўқидим, юрагим титраб кетди, такрор-такрор ўқидим.

Савдонинг ишаги қалбим ўради,  
Рұхимда булбуллар дард-ла йиглади.  
Йиглоқи қалбимга нега кулмадинг?

Хаёллар уфқимда, гўзал юлдузим,  
Кўрмасам дард сочар қонли кўзларим.  
Энди боқ менга, эй оташин шеърим,  
Шу ўксиз руҳимга нега кулмадинг?

Кейинчалик Ойбек бу шеърининг учинчи ва тўртинчи сатрларини

Севгилим, хаёлинг мангу бoggади,  
Шу ўксиз кўнглимга нега бокмадинг?

леб ўзgartирди. Мен учун унинг бу хати жуда ази.

Ойбек техникумни битиргач, Ўрта Осиё дорилфунунининг иқтисод факультетига ўқиппага кирди. Техникум ётогида гурди. Менинг олдимга тез-тез келиб туарди, синфга кириб партала ёнма-ён ўтириб соатлаб гаплашарди. Бир кун синфда йўқ эканман, шартамнинг тахтасини қўтариб, тагига «Чиндан севаман, юракдан севаман» деб йирик харфлар билан ёзib кетибди.

Кунлар, йиллар ўтаверди. Ойбек менинг йўлимни пойлашдан толмади. Техникумдан чикиб кетаётсам, орқамдан келиб сочимдан тортди. Деразадан караб, кутиб ўтирибман сени, деб кўлимга китоб тутқазди. Бу унинг биринчи шеърлар тўплами – «Туйғулар» эди. Китоб сахифасига «Зарифага, энг сўнгги армуғоним» деб ёзилган эди.

Ойбек билан учрашувларимиз, ёзишмаларимиз тўй билан якупнланди. 1929 йилнинг июн ойида мен унга турмушга чиқдим. ЗАГСда бир гувоҳ кераклигини айтдилар. Ойбек кўчага отилди, ўтиб кетаётган бир чала таниш, ўрта яшар кишини бошлаб кирди. Кулишдик. Тўйимизга Ойбекнинг ладаси, ойиси, акаси, келинойиси, бувиси, тоғаси хотини билан, Шафоат эри билан келишди. Яна Ойбекнинг дўстлари, менинг факультетдаги ва «Зебинисо»\* даги ўртоқларим йигилишиди. Тўйимиз жуда чиройли ўтди.

Куз яқинлашди. Ойбек икковимизга туришга уй йўқ. Кўп бош котириб ўтирамадик. Биз учун бу ахамиятсиз гуяларди,

\* Зебинисо иомли мактаб 1920 йилда Тошкентда очилгани хотин-кизлар интернат-мактаби. Дастлаб бошланғич, кейинчалик 7 йиллик мактаб бўлган.

дарров карор қилдик: ойимнинг айвонлари катта, икки десор күтарила бир уй, бир дахлиз ясалади. Ойбекнинг дадаси уста мардикор бошлаб келдилар, бозордан Ойбек ўзи уч табақали катта дарвоза на бир эшик ошкелди. Бўйи ва эни 3,5 метрлан бир кичик хона пайдо бўлди. Бир диван сотиб олдик, ҳар жума Ойбек дуторни қўлтиклайди, мен фотоаппаратни оёклари билан кўтариб оламан. Акасининг уйига борамиз. Дадаси, ойиси, акаси, келинойиси ховлиниң ўртасига жой килиб, ош дамлаб, бизни кутиб ўтирадилар. Паловни еб бўлгач, бир-икки пиёла чой ичамиз. Ойбек қўлимга дуторни тутқазади. Дилхирож ё Кора наво макомига черта бошлайман. У замонда телевизор йўқ, радио йўқ, шундай дам оламиз. Ойбекни якинлари билан олган суратларим ҳанузгача сакланган.

Баъзан жума кунлари Ойбек менинг этюднингимни кўтариб олади, иккаламиз шаҳар четига чиқиб кетамиз. Мен бирор расм чизган бўламан, Ойбек шеър ёзади.

Уйимизга Ойбекнинг ўртоқлари тез-тез келиб туришарди. Баъзан ўзимиз уларни кига меҳмошга борамиз. Ёдимда, бир кун Ботуни таклиф қилдик. «Шеърларингизни Зарифахон ёддан ўқишини ўргансин», — деган эди ўшандаги Боту.

1932 йил мени Тошкент медицина институтига ишга таклиф қилдилар. Бизга уй ваъда килганлари учун рози бўлдим. 1932 йилнинг 26 июл ойида ўғил кўрдик. Оиласизнинг шодлиги жаҳонни тўлдиргани эди. Исмиши Омонбек кўйдик. Бизнинг оиласиз ўғилга ташна бўлганидан фарзандимизнинг иккинчи си хам ўғил бўлишини истардик. Кутганимиздек иккинчи фарзандимиз хам ўғил бўлди. Қувондик. «...Бир қиз хам бўлгани яхши», — деди Ойбек. 1937 йилнинг 16 апрел куни, тиззадан қалин кор ёққан кун Гулранг туғилди. Ойбек киритган мактуб ҳануз менда сакланади.

### **«Зарифа!**

Кизимиз муборак! Мен ўша ерда кутиб ўтирган эдим. Ҳамида чиқиб: «Киз туғилди», — дегач, шошиб қолдим. Ишонмадим. Қандай тез! Уйга югурдим. Уйда дадам ўтирган экан. У хам ҳайратда қолди. Жуда суюнди. Ош еб, қизга исм кидириб ўтирибмиз. Аянгга дадаиг хабар беражак.

Кизимга соғлик, баҳт ҳар чоғ ёр бўлсин. Умри кўкламдай чечакзор бўлсин!»

1939 йил түрткінчи фарзандымиз туғилды. Ойбек бир кизим бор, буписи ҳам ўғил бўлсип, дер зди қулиб. Буюргандай ўғил туғилди. Жуда суюндик ва Суюнбек деб исм қўйдик. Болаларни айни ушоқ пайти. Кечалари улар йиғлайдими, мен ўринларини алмаштириб, эмизиб, ғивирлайман ёки кундузлари улар эмаклаб, ўйнаб, шовқин кўтарадими, унга барибир: эшитмайди, парво қилмайди, ишимга халақит бердингиз, деб ранжимайди. Бутун борликни унутиб ёзди. Болалар эмаклаб бориб оёғига тирмашса, кўтариб тиззасига олади, кўксига босиб ўпиб-ўпиб ерга қўяди ва тагин ёзища давом этаверади. У ёзар экан, ўрнидан туриб, уйнишг у бурчидан бу бурчига тез-тез юради, узид олган қофоз парчасини чайнайди, асар қаҳрамонлари билан сўзлашади... Баъзан товушини баланд қўйиб, қўлларини харакатта солиб хаяжон или гапириб қўяди. Ойбек кўчада ҳам атрофни унутиб, хаёлга берилиб юради.

Бир кун Гоголь кўчасида трамвайга тушсам, Ойбек ўтирибди. Секингина ёнига ўтиредим. У мени кўрмади, ўз хаёли билан банд. Индамасдан ўтиравердим. Ойбек аллакандай бир куйни хиргойи килиб ўтиради. Баъзан қўллари билан енгил харакат килиб ҳам қўяди. Трамвайда одам оз, кўпчилик руслар, қаршисида кексароқ рус аёл бозордан келаётган экан, олдида меваларга лик тўла икки сават турибди, иихоятда асабийлашиб ўтиради. Мен эса жим ўтиравердим. Бир вакт ўрнидан сапчиб турди-да, «трамвайда ҳам тинчлик йўқ, аза куйини эшитиб ўтиришинг керак» деб бошка жойга ўтиб олди. Одамлар у аёлнинг ўзини тутишидан уялиб, ўнғайсанлангандај жим ўтиришди. Ойбек ҳеч нарса сезмади, қўширини айтиб ўтираверди. Кўзларидан англар эдимки, у хаёлан бошка оламда кезиб юрибди. ТошМИга етдик, трамвайнинг сўнгти бекати, ҳамма қўзғалялти. Ойбек ўтирибди.

— Туриңг энди, Ойбек, етдик, — деб елкасига секингина кўлимни қўйдим.

— А? Қачон чиқдинг сен? — деб сўради таажжубланиб.

Ойбек ишлаганда хаёли бутунлай ёзаётган асарида бўларди. У қаҳрамонларининг хаёти билан яшай бошларди. 1949 йилда Ойбек Кисловодскийнинг «Ўзбекистон» санаторийсида даволаниб «Олтин водийдан шабадалар» романини ёзди. Жуда қаттиқ ишлади, кечакундуз ўтириб ёзди. У билан бирга дам

олғанлар кейинчалик менга кулиб-кулиб гапириб беришган эди. Ойбек ишлаб ҳориганидаң бўлса керак, папирос чекиш учун кўйлак, пиджагини кийибди-да, галстук тақиб, шимини кийишни унугиб, иштонда балконга чиқибди. Санаторийдаги аёл ходималар ўзлари айтгани уялиб, бир эркак кишидан илтимос қилишибди: «Шоирга бориб айтинг, шим кийишни унугитпи у бояқин», — деб.

1949 йилнинг декабрида Ойбек Покистонга кетадиган бўлди. У ерда Ёзувчилар ассоциациясининг йиғилишини ўтказиш белгиланганди. Сафарда у «Покистон пойтахти», «Покистонлик аёл», «Муҳожирлар лагери» шеърларини ёзиб қайтди. Икки қундалик дафтарни хотираларга тўлдириди. Сафар хотираларини матбуот саҳифаларида эълон қилди. Ойбекни кутгани болалар билан вокзалга чиқдик. Ҳамманинг қўлида юқ бор, Ойбек ўзи тушиб келди. Аёллигимга бориб, кўнглимнинг бир чеккасидан бизга совға олмабди, деган хаёл кечди. Шунда у ён чўнгтагидан менга атаб олган олтин халқани узатди. Ёкут ва дурлар билан безалган нафис ишланған сирға. Сирға менга ёққанидан кечалари ҳам ечмасдан ётардим.

Ойбекнинг 1934 йилда ёзилган «Ўзбекистон» шеърида шундай мисралар бор:

Хонақодан чиқиб фанларни минди,  
Электрон текширади кечаги чўпон.  
Дорилфунун курсисини ўпар қиз, жувон,  
«Капитал»нинг ҳар сатридан галалаб учган  
Фикрларни қуввар тунгаб ёшлар киприги.

Кейинги нашрларда «Хонақони ташлаб фикр-фандарни минди» деб тузатиш киритишга тўғри келди. Чунки Союздаги бир мажлисда гап бўлди. Нега фикр хонақодан чиқади? Демак, Ойбек илм хонақода пайдо бўлди демокчи. Бу тарақ-киётни кўрмаслик. Бўлиб ўттан бу гаплардан мен ҳам, Ойбекнинг дўстлари ҳам хафа бўлдик. Ойбекнинг номидан ариза ёзиб шеър яна босилганда «хонақони ташлаб фикр» деб тузатилсан, «Хонақодан чиқиб фикр фандарни минди» сатри янглиш тушунилган, хонақодан чиқиб дейилганида «хонақони ташлаб фикр» маъноси назарда тутилган, деб ёзdim.

Ойбек күп гапларга наурво қылмайдыган ўта оқкүнгил содда одам эди. Баъзан ўзининг соддалигидан ўзи ҳам хузур килиб куларди. Эсимда, Москвада «Москва» меҳмонхонасида тўхтадик. Эртага кегамиз, деб турганимизда олдимизга Одил Раҳимий кирди. «Олтин водийдан»\* нинг хомаки таржимасини шу киши тайёрлаган эди.

— Зарифа хоним, менга 1000 сўм пул керак эди. Бугун эрта Тошкентдан окча кутиб турибман, келса қайтараман, — деб менга мурожаат қилди. Ёнимда 1000 сўм пул бор, бошқаси акредитив. Ойбекка қарадим.

— Кечки овқатга, эрталабки нонупитага 400 сўм етар, 600 сўм берин мумкин.

— Ўзинг биласан, — алланечук жилмайди у.

— Ха, майли, — деди Одил — 600 бўлса 600 да, иккичу уч кунда албатта, Ўзкийга элтиб бераман. У пулни олиб чиқиб кетгач, Ойбек хоҳолаб қулди.

— Нега мунча куласиз? — таажжубланиб сўрадим.

— Бермайді, энли у.

— Нега индамай ўтиридингиз, сал шишшитсангиз бўлмасмиди, — дедим. Ойбек роҳат килиб куларди.

— Мени кўп алдаган, сени ҳам битта алдасин дедим, — деди. Ойбек шундай хузур қилиб кулдики, мен унинг соғ кўнгиллигидан, соддалигидан фаҳрланиб кегдим.

Ойбек 1943 йил апрел ойларидан уруш хакидаги романи — «Куёш қораймас»ни ёза бошлади. Газеталардан кўп материаллар йиғди, уч ойдан ортиқ фронтда бўлди. Жанг майдонларини кўрди. Юртимиздаги турли миллат жангчилари билан сухбатланди, уларнинг кайфиятлари, феъл-атворлари билан яқиндан танишиди. Уруп тўхташи билан Сталинградга бирга бордик, емирилган, куйган ҳароба қишлоғу шаҳарларни, сондан чиққан далаларни кўрдик. Сафардан кайтгач, романини давом эттириди. 1951 йилга келиб ҳасталиги сабабли бир неча вақт ёзиши ташлаб қўйди. Кейин у айтиб турадиган, меп ёзадиган бўлдим. Ишдан келишимни ошикиб кутарди. «Овқатлан, чойпой ич, ёзамиз. Миямда хаммаси тайёр, тезроқ айтиб турсам ёзасан, — дер эди шошилиб. Икки-уч соатлаб ёзаман.

— Бас, Ойбек, чарчадингиз, — дейман.

\* «Олтин водийдан шабадалар» романни кўзда тутиляпти.

— Йўқ, чарчамадим, яна жиндай сабр қил, — деди.

«Сизга кўп ишламоқ мумкин эмас», — десам қулоқ солмасди. 1957 йилда асарни ёзиб тамомлади, 1959 йили нашр этилди. Кўп ўтмай русча таржимаси ҳам босилди.

Орада шеърлар, илмий мақолалар, «Бобом» достонини, «Болалик» қиссасини, Покистон ҳаётидан «Нур қидириб» қиссасини ҳам ёза бошлади.

Ойбек «Болалик» қиссасини 1943 йилнинг июн ойларида бошлаб, 12 сахифагина ёзган экан. Хасталик даврида ёзиб тугатиб, 1963 йили нашр этилди. Рус ва украин тилларида нашр этилди. Ҳамза мукофоти берилди.

«Нур қидириб» қиссасини ҳам 1950 йил феврал ойларида бошлаб, 143 саҳифа ёзган экан, уни ҳам хасталик даврида ёзиб тугатди. Асар 1958 йилда босилиб чиқди. «Навоийнинг ёшлиги» қиссасининг тақдирини ҳам шундай, аввал ёза бошланган, эллигинчи йилларнинг охирида тамомлади. Қисса 1976 йили Ойбек вафотидан сўнг босилиб чиқди. Бу гапларни ёзишимдан максад, асарларининг кўпчилигини соғ вактида ёза бошлаган, режалаштирган, лекин вактининг кўп қисми жамоат ишлари — Академия ва Ёзувчилар уюшмасида ўтгани учун тугатишга вакт ҳам, имконият ҳам бўлмаган. Бу ҳақда ўзи ҳам «Илгарилари вакт кўп бўларди, маҳорат етишмасди, энди маҳорат етилган, вакт етишмайди», — дерди.

Ойбекнинг 1959 йилнинг 15 августида ёзган қуйидаги шеърини ўқисам, юрагим эзилиб кетади.

*Хастамен... Фикрга, тўйгуга тўлиб  
Ой менга ҳамқадам — сокин юраман,  
Согайсан бир кун ёзаман тўйиб,  
Хисларга қалбимни қўшиб ёзаман.*

*Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,  
Бошимда ой борур, менга ҳамқадам,  
Хаёллар учади машъалдай ёниб,  
Туриб ёзажакман бир кун согайсан.*

Ойбек 17 йил хасталик билан курашди. Мен унинг қундалик кайфиятини, ўй-тилагини бирга хис қилдим, қадам-бақадам бирга яшадим. Шу сабабдан бўлса керак, бу шеърини ҳаяжонланмасдан, тинч ўқий олмайман.

Ойбекнинг «Улув йўл» романининг ёзилиши хам кўп йилларга чўзилди. Бу асар бутун умр Ойбекнинг кўнгли тубидағи юк эди. У ёшлигидан ҳалқни – камбағал ва меҳнаткашларнинг ҳаётини кузатиб, мушоҳада этиб келди.

Бозорга борсам хам биргалашиб борарди, одамларнинг гапларини тингларди, улар билан сухбатлашарди, кўча, бозор, чойхона ҳаётини синчилаб кузатарди. Темирчилар, бешикчилик дўйонига кириб ўтар, тахта-ўқлоғ, теша-болтапинг нархини сўрар, керак бўлса-бўлмаса сотиб оларди. «Улув йўл» Ойбек ҳаётлигига нашрга тушди, афсуски китоб ҳолида кўриш унга насиб этмади.

Ойбек Бобур ва Темур ҳақида достон ёза бошлаганди. «Бобур» достонидан бир парчани Ойбекдан сўраб, унинг 60 йиллик юбилейига бағишлиланган илмий сессияда ўқиб бергандим. Эшитганларга манзур бўлди. Кўп ўтмай С.Липкин таржимасида ўша парча русча чиқди. Лекин «Темур» достонини тугатиш ҳам Ойбекка насиб этмади. Достондан сўнг Темур ҳақида роман ёзим орзусида эди.

Биз Ойбекдан 1968 йилнинг 1 июлида жудо бўлдик. Унинг хасталикдаги сўнгти сонияларни эслашга қийналаман, кулоғимда: «Ўламан, Зарифа, мендан рози бўл!» – деган сўзлари янграйди.

Ойбек жуда келишган, кўркам одам эди. Ички дунёсининг бойлиги, ақли, қалбининг гўзаллиги, соғлиги юз ифодаси-ю кўз қарашларидан кўриниб турарди. Буни рассомларнинг хам, хайкалтарошларнинг ҳам илғаси қийин. Фақат менгина юракдан ҳис этардим. Ойбекнинг қошлари асло чимирилмасди, жуда жаҳли чиқса, биз унинг кўзларидан билардик. У ишлаб ўтирганида, пешонасида мияга кетган тик бир томири ўғлоғдек қабариб турарди. Атрофни тамом унутарди. Ўзи ҳам ҳамиши «Юрак қоним билан ёзаман», – дерди.

Мен мана шундай тенги йўқ инсондан айрилдим. Ойбек ҳақида хотираларимни ёзишни сўрапганда ёзиш мен учун оғирлигини айтгандим. Ҳақиқатдан хам, Ойбек билан ўтган бутун ҳаётимни эсласам, худди кино тасмасидай бирма-бир ўнгимда. Унинг ҳатто бир сахифасини эслаш ҳам менга оғир. Лекин кексая бошлаганимни, Ойбек ҳақида хотира ёзиб колдириш кераклигини назарда тушиб, ёзиб беришга карор килдим...



«Зарифа, сени түйкенгэ кирганды ҳам сөвсем керак»

Ойбек

**Жуманиёз Жабборов:**

## **«ОЛАМ ИЧРА БИР ОЛАМ»**



**Т**алабалик йилларимиз эди. Хотирамда мухрланиб колган хаяжонли учрашувларда — хозирги миллий Дорил-фунун даргохida илк бор Faфур Fулом, Ойбек, Собир Абдулла, Лохутий, Садриддин Айнийлариги кўриб, сўзларини эпитетдик. Бундай бебаҳо учрапувларнинг ҳар бири ҳакида соатлаб сўзлаш мумкин. Ойбек домла ўша пайтларда ноёб ходиса бўлмиш Покистон сафаридан кайтиб, таассуротларини биз билан баҳам кўрганлар. Ҳудди кинода қўринастандек аниқ лавҳаларда ўша диёрни кўя ўнгимиизда гавдалантирганлар.

Университет бағрида ёп ижодкор бўлиб, таҳсил олиб юарканмиз, Ойбек — биз учун олам ичра алоҳида бир олам, Faфур Fулом — сирлар тўла бир дунё бўлиб, ёш қалбларимизни забт этган эдилар.

Ойбек домла шеъриятини ўқиётиб, оламни ҳис этишнинг бўлакча, антиқа манзараларини кўра бошладим. Айримларини таъкидлаб ўтишни истар эдим, чуники уларни ҳар гал ўқиб, мафтун бўлипидан толикмайман:

- «Буралиб, кўкатлар ичидан чопар
- Узилған марварид ярқирашлари» (ирмок)
- «Олтин сенкилли қоп-кора кеча» (юлдузли кеча)
- «Отап илон сингари чақмок»
- «Бужур коялар»
- «Кечани олароқ тақимга
- Савайди шиддатли бир ёмғир».

«Жийдазор ёнади кумуш тутунда»  
«Абадият ва умр сингари оқади сув»  
«Кўзларида сачрар кора, кучли нур»  
«Дараҳтларнинг булути қалин»  
«Япроқ нам ерни ўпди»  
«Кирларда лолалар гёёки машъал».

Табиатни Ойбек домла қадар хеч ким бунчалик нафис, терапи ва ингичка хис этмаса керак.

Шу ўринда ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси топшириги бўйича Ойбек домланинг уйларига бориб, «Навоий ва Гули» достоними ёки алоҳида маҳсус саҳифаними гаплашиб келганимни айтмасам бўлмас. Домла диваңда ёнбошлиб ўтирас, оқ оралаган қалин жингалак соchlари дўппидан тошиб чиқсан, қўлларида арабий имлодаги қандайдир бир китоб бор эди. Чукур ҳаяжон ичида у киши билан саломлашдим. «Келинг, келинг...» деган самимий сўзлардан сўнг чайпала-чайпала муддаога ўтдим. У киши чой устида гаплашамиз, дегандай қўшни хонага ўтишимни ишора қилдилар. Хурматли Зарифа опамиз кичик бир дастурхон тузаб кўйган эканлар. Бир пиёладан чой ичилди. Стол устида турган оқ чойпакдан пиманидир куйиб ичишимни айтдилар. Куйсам, қип-қизил, анор сувидай қўлбола шароб. Яширмайман, уяла-уяла булса-да, икки пиёла ичдим. Домла ҳам иримиға бўлса-да, татинган бўлдилар.

Мен жуда баҳтиёр эдим. Ҳазилми, мени болаликдан ўзига мафтун-у маҳлиё этган «Навоий» ва «Кутлуг кон»дек забардаст романларни яратган буюк Ойбекшинг рўнарасида сухбатлашиб ўтирибман! Қандай баҳт! Ўзбек тилининг мислсиз сеҳргари, бадиий тафаккур шаҳлавони бўлмиш устоз мендек оддий бир қаламкаш билан сухбатлашмоқда! Замон долглаларига мардона кўкрак керган, яраланган шердек ўзига сиғмай тошибтошиб келаётган, кўп гапларни айтишга тайёр-у, лекин печа йиллик маънавий изтироблардан сўнг дудукланиб колган устоз билан юзма-юз ўтирибман. Неча минг саҳифалар устида бедор ўтган кечак-ю кундузлар, фанимлар фарази ўз кучини кўрсатган эди. Мехрли кўзларнинг тафтини сезиб, ўзимни осмону фалакда хис этардим. У киши айтмокчи бўлган сўзларни жон кулогимни тикиб ёшитардим... Пушкин агарларини таржима

килиш ниятида бундан кўп йиллар олдин бир гурух ўзбек адиблари Чимён тоғлари бағрида чодирлар тикиб ижод этишаркан, Ойбек домланинг содда буюклиги хусусида тўкилтан кўплан-кўп қизик латифаларни ҳам хаёлдан ўтказиб турардим.

Дунёда жасоратли ишлар, жасур инсонлар кўп. Дейлик, фазогир қаҳрамонлар космик кемаларда учиб, зим-зиё самовот бағрига чиқиб, ақлга сифмайдиган ишларни бажарадилар. Ёким, бир неча чақирим океан қаърига тушиб, ўлимнинг кўзига тикка боқиб, ғалати жонзорлар оламини таҳлил этадилар. Ер шарининг энг теран қатламларига тушиб, беоп-олти ой мобайнида еру осмондан жудо бўлиб, катта илмий кашфиётлар яратадиган мард инсонлар борлигини ҳам биламиз. Бундай баҳодир, шерюрак инсонлар олдида ҳамиша таъзим этамиз. Лекин, назаримда, ҳакиқий ёзувчи – санъаткор меҳнати буларнинг барчасидан буюклир. У олам ичра олам яратади. Бадиий сўз ва тасвир воситаси ила жонли одамни, унинг қалб дунёсини, ҳастнинг ажиб манзараларини қайта сувратлантиради. Инсоннинг қалб дунёсига кириб бориб, ундаги жавоҳирларни юзага олиб чиқадилар. Навоий, Шекспир, Толстойлар меҳнатини бир тасаввур этиб кўринг. Ойбек домла ҳам ўшандай улуғлар сирасида тура олиши тан олинган.



Ойбек домла шоир Кудрат Ҳикмат билан



## ФАРЗАНДЛАР НИГОҲИ БИЛАН...

Инсон табиатига хос бўлган хислатларни уни атрофдаларга бўлган муносабати билан бир қаторда болаларига бўлган муносабатида ҳам кўриш мумкин. Фарзандни сениш ҳар бир ота онага хос, аммо Ойбек болаларига ўта меҳрибон бўлган. «Болалар ёшлигига бирон ерга меҳмонла бори шимизга тўгри келса, уларни ўзи кўтариб борарди», — деб хотирлайдилар Зарифа Саидносирова.

Зарифа опадан Ойбек домла фарзандларини қайси соҳа ҳгалари бўлишини истар эдилар, деб сўраганимизда куттилмаган жавобни олдик: «Энг аввал яхши инсон бўлишини истар эди». Ойбек домланинг орзулари бу кун ушалган. Уларнинг болалари отага муносиб фарзанд ва ўзлари ташлаган касбнинг етук мутахассиси бўлиб етишишиди. Улар ташқи кўринишлари билан ҳам, табиатан ҳам Ойбек домлага жуда ўхшайдилар. Суҳбатларимиздан бирида Зарифа опадан Ойбек домлагага хос бўлган қайси хислатлар фарзандларингида қайтарилган деб сўраганимизда: «Ойбек одамларни жуда яхши кўради. У содда, оқ кўнгил эди. Уларни ажратмас эди. Унинг учун ҳамма одам яхши, ёмони йўқ. Болалари ҳам шундай, ҳамма одамларни бирдек кўришади. Энг қувончлиси болаларимнинг отаси — Ойбекка ўхшаб дўсти кўп, душмани йўқ», — дедилар.

Ойбек домланинг фарзандларини ота-оналарига нисбатан бўлган муносабатларини ўрганиши мақсадидга суҳбат ўтказдик. Суҳбатимиз натижасини қўйида келтирамиз.

**Омон Тошмуҳамедов:**

## **«ЭРТАК ЎРНИДА ТАРИХ ЭШИТАРДИК...»**



**Д**адам билан кўпроқ мулоқотда бўлган йилларимиз дадамнинг ишсиз юрган кезларига тўғри келади. Биз у кезларда фармацевтика институтига карашли Чехов кўчасининг бурчагидаги уйда турадик. Дадам ишдан, Ёзувчилар уюшмасидан хайдалган кезлар, ойимлар бўлса инга тикланғанликлари сабабли бу уйни ойимларга бўришган эди. Ойимлар факат бизни эмас, ўзларининг оналарини, менинг бувимларни ҳам боқишилари учун кўн ишланаларига тўғри келарди, чунки бувимнинг ўғиллари йўқ эди. Дадам уйда бўлганликлари сабабли биз билан шутуллар эдилар, бизга қоюздан варрак ясад берардилар. Кейинчалик дадам ишта жойлашгандаридан кейин албатта, бундай имкониятлар кам бўлди, бизнинг ўзимиз ҳам дадамни ортиқча урингирмасликка, вақтларини олмасликка ҳаракат қиласардик. Шу боис ўрта мактабда ўқиган йилларимиз ҳам, ундан кейин ҳам дадамларга бирон ёрдам сўраб мурожаат этмасдик.

Мендаги кигобга бўлган қизикиш, меҳр-муҳаббатни дадам уйготганлар. Эсимда, 1947 йили дадам мени Москвани кўрсин, пленумни кўрсин деган мақсадда Москвага чақиртирдилар. Ўзлари Ёзувчилар уюшмасининг пленумига сал олдинроқ кетган эдилар. Москвага бир ўзим учдим. Мени ёзуви Александр Дейчининг хотини кутиб олди. Кейин дадамлар келиб мени олиб кетганлар. Шу куни кечкурун Москвани айланишга чиқдик. Бутун Кремлнинг атрофида сайр этдик, узок гаплатдик.

Ёзувчилар уюшмасида жуда күп қизықарли китоблар сотиларди. Мен у ерга чикиб ҳар куни бир тұда-бир тұда китоб сотиб олардим. Кечкүрун даdam мен олғап китобларни күздан кечирадылар, қандай китобларни олиш лозимлігі ҳақида маслахат берардилар. Айникса, классик адабиёт бүйіча нималарни олиш кераклігіні маслахат берардилар. «Классик адабиётни албатта, харіл этиш керак, кейин үзингде шу адабиётта нисбатан зарурат сеза бошлайсан», — дер әдилар. Кейинчалик, орадан йиллар үтгачгина мен дадамнинг гапларини мағзини тушуниб етдім, китобни фикрлаб ўқиши лаззатини түйдім.

Китобларни күнинча Литва Ёзувчилар уюшмаси раиси Лацис билан биргаликда харид этардик. У баланд бўйли, келишган, доим кулиб турадиган инсон эди. Орадан кўп йиллар ўтиб ўғлим Хусан билан Ригага борганимизда Лациснинг уй-музейини зиёрат этдик. Шунда унинг кутубхонасида Москвада бирга олган китобларимизни кўрдім.

Дадам китоб ўқишини жуда яхши кўрар әдилар. Шунинг учун хам китобга хеч пулларини аյмасдилар. Дадамни бир гал Москвага, Олий Советнинг сессиясига борганиларида кузатиб бордим. Шунда дадам ишдан бўш вақтларида мен билан Москвадаги ҳамма букинистик китоб магазинларини айланыб чиқардилар. Гарчанд дадамнинг соғликлари у пайтга келиб сезиларли даражада ёмонлашган бўлишига қарамай, ишёда қезиб чиқардик.

Дадам китоб магазинидан ташқари яна санъат буюмлари магазинига киришни хам яхни кўрардилар. Бу гал дадамга битта расмий кўрсатмоқчи бўлиб турган әдим, кўзлари бронзадан ишланган туяга тушди. Туя яшил гранитдан ишланган үринликда эди.

Туяниң ҳайкали ўта нозик дид ва маҳорат билан ишланган әди. Нархини хам сурншитирмасдан сотиб олдилар. Бу ҳайкалча ҳанузгача уй-музейимизда сакланмоқда. Шу куни оқчинидан нозик ишланган бир от ҳайкалласини хам сотиб олдик, минг афсуски, бу ҳайкалча ср қимирлаган йили синди.

Мен Москва университетида таҳсил олганман. Студентлик йилларим кўп китоб харид килардим. Ҳар гал дадам мени кўргани Москвага келгандарыда менинг китобларимни күздан кесчирап, маъқул келгандарини, «албатта, ўқиб чиқаман», деб

ажратиб күярдилар. Ўқиши битириб Москвадан қайтиб келганимда мен Фанлар академиясининг кутубхонасидан тез-тез китоб олиб турардим. Дадам олдин менга кўрсат, кейин ўқийсан дер эдилар. Китоб харид этганимда ё кутубхонадан ёздириб олаётганимда мени ҳамиша дадамга маъкул бўларми-кан, деган савол қўйнарди. Ўзимда масъуллик ҳиссини сезардим, «Э, бу китобни бекор олибсан», деб айтишларидан чўчиб турардим. Олган китобларимнинг ичидаги тарихий мавзуда, фалсафага оид китоблар бўлса қизикиб қараб чикардилар, лекин янги тарихга оид китоблар дадамни қизиқтирмасди.

Кўпинча дадам билан бирга китоб ўқирдик. Баъзан ўзим ўқиган китобларимни айрим жойларини кўрсатиб, ўқиб берардим, баъзан ўзлари мени олдиларига чакириб китобни кўрсатиб: «Сен ўқигин», — дердилар. Шу зайлда биз биргаликда Бартольдни, Мирзо Улуубек ҳақидаги китобларни, Алишер Навоийни ўқиб чиқдик. Ўқиётганимда: «Мана бу жойини албатта чизиб кўй», — деб маъкул келган ўринларни кўрсатардилар.

Дадамни ўқиган китоблари ичидаги қайта-қайта ўқийдиган севимли китоблари ҳам бўларди. Булар: Фузулийнинг китоблари, Тургеневнинг насрый асарлари, Блокнинг шеърлари. Дадам билан ойим Фузулийни бошдан охиригача билишарди. Ойим бирон мисрасини бошлиласалар, дадам уйининг бир бошидан иккинчи бошига юриб охиригача давом эттирадилар.

Дадам Ўзбекистон тарихини яхши билардилар. Эсимда, касал бўлганимда кечалари ёнимда эртак ўрнига тарихимизнинг айрим сахифаларини айтиб берардилар. Жалолиддин билан Чингизхоннинг кураши ва бошқа кўп тарихий воеаларни эртак ўрнида айтиб берганиларини хотирлайман.

Дадам билан Москвага борган кезларим дадамнинг ўртоқларинида меҳмонда бўлардик. Бу учрашув, танишув, мулокотлар меснинг ҳаётимда беиз кетмади, албатта. Мен уларнинг ўта самимий сұхбатларининг шоҳиди бўлганман. Энг қизиги дадамни, унинг ижодини кадрловчи дўстларининг кўичилиги бошка республиканинг ёзувчилари эди. Дадамнинг дўстлари билан бўлган сұхбатлари соатлаб, эрта тоңгача ҳам давом этиши мумкин эди ва мен баъзан ўтирган жойимда ухлаб қолардим.

Дадам дўсти Николай Тихонов билан соатлаб бир-бирларига шеър ўқиб беришлари мумкин эди. Кўпинча дадамни Фадеев ўз дала ховлисига олиб кетарди. Эсимда, М.Горькийнинг хайкали очилиши муносабати билан Фадеев дадамни олиб кетгани ўзи келган эди. Улар шунчалик самимий дўст эдилар.

Дадам мени ҳамма дўстлари билан таништирган эдилар. Булар Николай Семёнович Тихонов, Александр Фадеев, Мухтор Авезов, Лацис, Луговской, Самад Вурғун.

Дадамнинг дўстлари билан бўлган муносабатлар дадамдан кейин ҳам узилмади. Улар бизни йўқлаб, хабарлашиб туришарди. Дадамнинг вафотидан сўнг Толикентда Навоийниг 500 йиллик тавалтуди нишонланадиган бўлди. Дадамнинг дўсти Николай Тихонов аэропортдан тўғри (25.10.68) маросимнинг очилишига келди ва биринчи айтган сўзлари дадам хақида бўлди. Эртаси куни Александр Дейч ва яна кўпгина бошқа ўртоқлари дадамни хотирлаб бизникига келишиди. Дўстлар йигилганидан хурсанд, тўлқинланиб гаплашиб ўтиришларди. Бу гал маъюс эдилар, чунки уларнинг орасида дадам йўқ эдилар. Дадамнинг хонасида узок гаплашиб ўтиришци, шунда Николай Тихонов: «Албатта, у кун келади, бу даргоҳ Ойбек уй-музейи бўлади», — дедилар. Тихонов ва дадамнинг бопқа дўстларини нияти амалга ошиб бу кун биз турган уй-музей бўлганидан ҳамма қатори мен ҳам бехад хурсандман. Бу, албатта, давлатимизнинг асл ижодкор фарзандларига бўлган эътиборининг самарасидир.

Дадам табиат шайдоси эдилар. Эсимда: бир гал дадам билан бувимницидан қайтаётганимизда Радиальний кўчасидан шиёда юриб келдик. Куз ҳавоси, қуёш чикиб турибди, йўлнинг икки чеккасида баланд-баланд толлар хуси тўкиб турибди. Узокдан тоғлар кўринмокда эди. Дадам бу манзарадан тўлқинланиб: «Бу гўзалликни факт рассом ва шонир акс эттира олиши мумкин», — деган эдилар. Умуман, дадам билан шахар кезини кизикарли эди. Эски шахарга бозорга кўп тушардик. Парса олаёттанимизда дадам хеч қачон, «канчадан», деб сўрамасдилар, «каердан?» — деб сўрардилар. Сотувчиларнинг юзига разм солиб, «бу Водийдан, буниси Асакадан бўлса керак», дердилар. Кейинчалик бозорга бормай қўйдик, чунки кўлчилик дадамни таниб ўраб олишарди, ўзимизни нокулай сезардик.

Яна дадамнинг яхши кўрган машғулотларидан бири футбол ўйинини томоша қилиш эди. Кўпинча биргаликда телевизорда футбол кўрардик. Москвага борганимизда эса, стадионга бориб кўрардик. Дўстлари Саримсоқов билан ҳам Москва-да футболга бориб туришарди. Кизиги, футболга шундай берилиб кетар эдиларки, қаерда ўтирганларини унудиб «урур» деб бақириб, ўтирган жойларидан туриб кетардилар.

Бахор бошланиши билан бизни токқа олиб чиқардилар. Йўл анжомларимиз: йигиладиган ўтиргич, самовар, стол, козон ҳамиши тайёр турарди. Дадам табиат кўйнида бутунлай ўзгариб кетардилар. Бу манзарадаи чехраларидаи калблари яйраёттанини хис этиш мумкин эди. Бир гал биз билан дўстлари Ўрол Тансикбоевнинг ҳам боришини истаб қолдилар. Уни ерга гиламдек тўшалган қип-қизил лолақизғалдокли манзарани чизишни хоҳлаган эдилар. Дадамнинг илтимосларини Тансикбоева стказган эдик бажонидил розилик бердилар. Лекин манзилта стиб кслганимиздан кейин: «Расмни кейинрок чизарман, ундан кўра сиз билан сухбатлашаман», — дедилар дадамларга.

1950 йилларнинг бошида дадам билан Москвага борганимизда Бутуниттифок халк хўжалиги ютуклари павильонига Тансикбоевнинг Ўзбекистон павильонини безаш учун чизастган расмлари (панно)ни кўргани бордик. Павильонларни айланаб томоша килар эканмиз, дадамнинг чехраларидаи кўтаринкилик ҳали-ҳали эсимда. Орадан кўп ўтмай Москвадаги санъат дўконларининг бирида Тансикбоевнинг ва яна бир самарқандлик рассомнинг асарларини сотишаёттанини эшишиб, дадам ойимларга: «Тез отланинг, кетдик», — дедилар. Шу куни дўкондан Тансикбоевнинг тўртта асарини сотиб олдик.

Кейинчалик Тансикбоев бизнигига меҳмонга келганларида дадам сотиб олган расмларимизни кўрсатдилар. Тансикбоев хижолат чесиб: «Бу расмларим арзимайди, мен бошқасини чизиб бераман», — дедилар.

Орадан кўп вақт ўтмай сирен расми чизилган асарларини юбордилар. Дадамнинг 60 йиллик таваллуд кунларига бўлса тоғ манзараси чизилган расмни ҳадя этдилар.

Эски ТошМИга қарашли ҳовлида турганимизда уйимиздан темир йўлга чиқса бўларди. Биз кўпинча дадам кетган пайтларида

поезд йўлига чикарлик, ўтаётган поездларга қараб дадамни кутардик. Мана, дадамнинг орамизда йўқликлариға ҳам 25 йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳаёт бўлганиларида 90 йиллик таваллудларини нийонлаган бўлардик. Баъзан поезд овозини әшитганимда ё кўрганимда шу поезддан дадам тушиб келастгандек туюлаверади...



Ойбекнинг набиралари

**Ойниса Тошмуҳамедова:**

## **«ҲАММАСИГА БИР ХИЛ ОЛИНГ...»**



**О**йбеклар оиласига келип булиб тушганимдан мамнунман. Николай Васильевич Тихонов Ойбеклар оиласини «Кичик Академия» деб номлаганди. Мен хам шу академиянинг аъзоси эканлигимдан фахрланаман. Гарчанд династия масаласида оиласиз салбий карашларнинг тазийиини бошдан кечирган булса-да.

Дадамларни хотирлаганда ойимларсиз эслаб бўлмайди. Чунки улар бутун умр бир-бирларини тўлдириб яшашди. Баъзан ойимлар бирон нарсани факат Гулрангга ё келинларининг биттасига олган бўлсалар, дадам дарров пул бериб: «Қолган учтасига хам олиб келинг, ҳаммасига бир хил бўлсин», - дердилар. Дадам ва ойимлардаги мана шу ҳаммамизни бир хил кўриш хислати уларга бўлган меҳримни янада тобларди.

Дала ҳовлимизга тез-тез чиқиб турадик. Чиқишларимизнинг бирида ўзимиз билан бирга менинг бувимларни ҳам олиб чиқдик. Ҳовлимиизда шафтоли кўп эди, дадам шафтолини яхши кўрап эдилар. Бувим ерга тушган шафтолиларни териб коки қилиб кўярдилар. Дадам бувимнинг бу ишларига разм солиб жуда мамнун бўлганлар. Дадамдаги мамнунликнинг сабабини ўйлаб кўрсам, шафтолини исроф бўлаётганига нисбатан зиқналик эмас, бувимлардаги нарсага бўлган муносабатда — шафтолини авайлаб коки қилишларида экан. Кейинчалик бу қоқиларни иплатмаган, фойдаланимаган ўринлар кўп бўлди,

лекин бунимнинг меҳнаткашлиги, режали аёллиги, хўжаликка муносабати дадамларни мамнун этганди.

Мен кимё фанлари докториман. Оила ишлари билан ўралапиб қолмасдан, бу унвонга эришишимда даҳам ва ойимларнинг ҳам хизмати улуғ деб биламан. Чунки улар илм фидойиси эдилар. Ва ўзларидаги илмга, зиёга бўлган муносабатни, фидойиликни менга ҳам юқтиридилар. Илмда йиллар оша эришган қадам-бақадам ютукларимда мендан ҳам купрок хурсанд бўлишарди. Ўзганинг муваффакиятидан хурсанд бўла билиш, қувончига шерик бўла олини хислати — ноёб хислат.

Дадам ва ойимлардаги маданият мени ҳамиша ром этиб келарди. Улардан кўрган-билгандарим, олган сабокларимни мен ўз нафбатида икки фарзандимга, набираларимга юқтиришга ҳаракат қиласман. Такдир мени шу икки улуғ инсоннинг тарбиясида бўлган ўғиллари — Бекон билан учраштирганидан баҳтиёрман.



Ойбекнинг келини — кимё фанлари  
доктори, профессор  
Ойниса Каримовна Тошмуҳамедова

## *Мұхаббат Тошмұхамедова:*

# «ЭНДИ БИЗНИ КИМ КУТИБ ОЛАДИ...»

(Мулоқот)



**Р**аъно Иброҳимова: Мухаббат Исаевна, сизни адангиз билан элга машхур адигимиз Ойбек ака-ука бўлишган. Айтинг-чи, уларнинг табиатидаги ўзига хос ва бирбирларига ўхшамаган томонлари ҳақида нималарни гапириб бера оласиз?

**Мұхаббат Исаевна:** Адамларни ҳам, амакимларни ҳам түрт ёшарлық пайтимдан эслайман. Адамларнинг ўшлари амакимдан катта бўлишига қарамасдан, адам амакимларга сизлаб мурожаат этардилар. Гарчанд аммамларни сансираб гапирсаларда. Амакимни сизлаб галиришларининг боиси уларнинг илмига бўлган чукур ҳурматларининг белгиси бўлса керак, деб ўйлайман. Дадам оғир, вазмин, амаким бўлсалар шўх ва сергайрат инсон эдилар. Улар жуда инок, ахил ака-ука эдилар. Бирон хафтани колдирмасдан амаким дадамдан хабар олгани уйимизга келар эдилар. Адамлар ошга уста эдилар. Амаким келди дегунча, ош дамлар эдилар. Амаким адамлар дамлаган ошни суйиб ердилар. Агар адамлар улардан хабар олгани борсалар, амаким уйидагиларга, албатта, мочкичири килишни буюрадилар. Мочкичири — амакимининг севимли таомларидан бирин эди.

Адамлар хикоя килишга жуда уста әдилар. Тарихий воксалардан, эски хаётдан, ўтиб-кеттган кариндош-уруглар хакида гапириб берардилар, амаким әшитиб ўтиришни яхши күрар

әдилар. Афтидан, Ойбек амаким адамларни гапиртириб қўйиб, ёзилажак романларига материал тўплардилар.

Ойбек амаким жуда етимпарвар эдилар. Махалладагиларга ҳам, қариндош-уругларга ҳам хамиша моддий ёрдам бериб келганлар. Эсимда, бир узоқ қаривдошимиз бўлиб, етим қолишган эди. Амаким ҳар хафта бозор қилиб, уларни кўриб келардилар.

Етимпарварликда, покликда адам ҳам амакимдан қолишмас эдилар. Бу масалада жуда бир-бирларига ўхшаб кетишар эди. Аниқ эсимда, адам ойимларга жуда кўп, қайта-қайта: «Етим ҳақини есанг, худо кечиради, лекин давлат ҳақини есанг – ҳаром», деб кўп тъкидлар эдилар.

**Раъно Иброҳимова:** Нима учун биолог касбини танлагансиз?

**Муҳаббат Исаевна:** Мен бу касбни Ойбек амакимларнинг маслаҳати билан танлаганман. Аслида ҳужжатларимни чет тиллар институтига топшириш ниятида эдим. Лекин амакимларнинг олдиларига маслаҳатга келсам, биофакка топшири, одам физиологияси билан шуғуллан, дедилар. Амакимнинг Бекжон ўғиллари ҳам биофакда ўқир эди. Тўғри маслаҳат берган эканлар, афсусланмайман.

**Раъно Иброҳимова:** Нима сабабдан уйдагиларга эмас, маслаҳат солгани амакингизнинг ёнига чиқкансиз?

**Муҳаббат Исаевна:** Мен Ойбек амакимларни маънавий отам деб биламан. Амакимнинг акаларига – дадамга бўлган меҳрлари, меҳр-окибатлари, муносабатлари менга нисбатан ҳам тараалган бўлса керак. Болалигум уларнинг уйида ўтган. Жуда кўп ётиб қолар эдим уларницида. Бекжон ўғиллари билан жуда кўп талашиб-тортишар, уйни бошимизга кўтарар эдик. Шунда амаким, иккалантга битта эшак олиб бераман, қурт еб юрасан, дер эдилар. Бундай дейишлари бувам билан боғлиқ бўлса керак. Бувам биз билан туарар эдилар. Қаерга борсалар қурт, писта олиб борар эдилар. Хеч қуруқ келмасдилар. Бувамларни жуда яхши кўрар эдик. Айникса, Бесекжон жуда яхши кўрар эди. 1943 йилда оламдан ўтдилар, мен ёш бўлганим учун йиғламаганман. Лекин Бесекжон ҳасса таяниб, тоза йиғлаган. Бувамларни мозорга қўйиб келишгандан сўнг, дўлпиларини топиб берасанлар, деб роса тўполон қилган.

Эсимда, еттинчи синфдан ҳамма болалар лагерга борса, амаким мени дамолап устаги юборар эдилар. Ўзлари олиб бориб кўярдилар, менга қараб туришларини тайинлардилар. Абдуллаевлар оиласи менга қараб туришарди. Хафта ичидаги шоффёрларини юбориб, мендан хабар олдирадар эдилар.

Студентлигимизда пахтага кўп олиб чиқинар эди. Амакимни меҳрибонликларидан фойдаланмоқчи бўлдим ва пахтага олишяпти, чиқишпим шарт экан, дедим. Кўнглимда майли, борма, деб айтишиларини кутдим. Лекин амаким: «Пахтага ҳамма қатори бориш керак», – дедилар. Пахтага чиқдим, пахта тугагунча ўша ерда бўлдим. Амаким кўргани чиқиб турдилар. Кагта ўғиллари Омон акам ҳам пахтада эдилар. Улар орқали ҳам сгулик юбориб турдилар. Амакимнинг шиорлари меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат эди. Шу боис хеч биримиз бир кун ҳам пахтадан қолмасдан, пахта тугагунча турага эдик.

Институтни битиргач, Москвада аспирантурада ўқидим. Амаким аспирантурани битиргунимча ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бериб турдилар. «Ҳар куни ярим кило гўшт егин», – деб тайинлар эдилар. Уч ярим йилда номзодлик диссертациямни химоя қилдим. Авторефератимни биринчи амакимларга, сўнг уйдагиларга юбордим. Амаким бу хушхабардан хурсанд бўлиб, дарров адамларга етказганлар, сўнг Москвага менга пул юборганлар – банкетга деб. Мен шу пайтгача амакимларни миннатдорчилик ҳисси билан эслаб келаман. Уларнинг ақа-сингилларига, якинларига, атрофдагиларга бўлган муносабатлари, меҳр-оқибатларини фарзандимга сингдириб ятапига ҳаракат қилдим.

Амакимларни оламдан ўтди, деб хабар келганида, бу хабардан мен карахт бўлиб қолган эдим. Ҳаёт тўхтаб қолгандек туюлди менга. Амакимларнинг эпикларидан кириб боришингиз билан йўлакка югуриб келиб кутиб олардилар. То олдиларига етиб боргунизча сабрлари чидамасмиди ё меҳмоннинг хурмати учун шундай килармидилар, билолмадим. Лекин дафн маросимида бу жудоликдан ўзимни тутолмай, энди бизни ким кутиб олади, деб тинмасдан йиғлаганим эсимда. Шунда Бекжон акамларнинг хотинлари мени бағриларига босиб, биз бормиз-ку, биз, деб тинчлантирганлари эсимда. Адамлар бўлса бу жудо-

ликка чидолмадилар. Ҳар куни далага, Ойбекка кетаман дер здилар. Ва орадан күл ўтмай улар хам оламдан ўтдилар.

**Раъно Иброҳимова:** Хотираларингиз учун раҳмат! Улар Ойбек хаёти ва ижодига оид чизгиларни янада тўлдиришда ёрдам беради, деган умиддамиз.



Ойбек ижод огушида



Ойбек дам олиш пайтида

*Гулранг Тошмуҳамедова:*

## «БИЗ УЧУН ДАДА ЭДИЛАР...»



Адам биз учун таникли ёзувчи ҳам, академик, жамоат арбоби ҳам эмас, ҳамма инсонларниң дадаси каби дада эдилар. Шўхлигимизни ҳам, эркалигимизни ҳам кўтарар эдилар, жуда болажон эдилар. Табиатларида болаларга хос ўта соддалик, ишонувчанлик кучли эди. Баъзан бизга кўшилиб шўхлик килардилар. Эсимда кулуший чиқиши билан ойимлар бозордан катта тогорани тўлдириб кулупнай сотиб олиб келардилар. Уни ликопчаларга солиб ейишига сабримиз чидамай тогорани ўртага кўйиб олганча, даҳлизда тик турган холда ким ошарга ердик. Дадам ҳам биздан орқада қолмай кулушийни еб туриб ойимларга: «Зарифа, сенга қолмади», — деб бакириб, мирикиб кулардилар.

Дадам хаммамизни бирдек яхии кўрадилар, лекин хар биримиз «Дадам мени кўпроқ яхии кўрадилар», деб ўйлардик. Сочим сарғиш бўлгани учун дадам мени: «Сарик мушукчам», — деб эркалардилар. Бир гал Москвадан жуда чиройли сарик рангдаги жемпер олиб келдилар ва менга бературиб: «Мана ҳақиқий сарик мушукча бўласан», — дедилар.

Дадам ёнларида пул олиб юришни яхши кўрадилар. Бу одатларини яхши билганимиз учун байрамларда «Дада, пул беринг», у ё бу нарса оламиз, деб хархаша килардик. Шунда дадам секин ён чўнтакларига қўлларини солиб неча сўмлик пул қўлларига чикса шуни берардилар. Биз бўлсак, ишқилиб пулнинг каттароғи: 50 ё 100 сўмлиги чиқсин-да, деб нафас

ютиб турадык. Дадам күлларига чиқкан пулни каардилар, күлларига 10 сүмлик ё 25 сүмлик чиқкан бўлса, кичкина пул чиққанидан хурсанд бўлгандек берардилар. 100 сүмлийик ё 50 сүмлик чиқиб қолгудек бўлса, қайтариб жойига солиб кўймоқчилик кўрсатардилар ўзларини. Биз бўлсак бу ўйинга ишониб кўлларидаги пулга ёпишиб олардик.

Уйимизга жуда кўп киши дадамлардан ёрдам, қарзга пул сўраб келишарди. Келган киптига пул берардилар. Кўпчилик холларда бу пулларни қайтариб бермасликларини билсалар ҳам берардилар. Кимнингдир кўнглига ёқадиган совға хадя этганларидан ё кимнидир илтимосини бажарганларидан завқланардилар, мамнунлик хиссини турдилар. Ойимлар гапириб берган эдилар. Мен туғилганимда дадам «Тортсин»га бориб ёкутли маржон сотиб олган эканлар. Ва бу маржонни ойимлар баъзан такмокчи бўлсалар «бу Гулрангники, тегма», — деб тақтирмас эканлар. Кейинчалик катта бўлиб ўқиши битирганимда ойимлар бу маржонни ўзимга топширганлар.

Дадам харид этиши, совға килишни яхши кўрар эдилар-ку, лекин ўзлари учун хеч нарса сотиб олмасдилар. Умуман кийиниши ёмон кўрадилар. Иложи бўлса битта кийимда юра берардилар. Айниқса, оёқ кийимиши янгиси билан хеч чикишолмасдилар. Кенг, катта, эски пойафзалларида юришни ёқтирадилар. Дадамга кийим, пойафзални ойимлар сотиб олардилар. Ва дадамларнинг бирон бир тантанага боришларига тўғри келса, янги кийимингизни кийинг, деб, зўрлаб қўймасдилар. Уларни тантанабоп кийимларини кийишга факат мен кўндира олардим. Тантана-йиғилишлардан қайтганларида бўлса ечинмасдан ёнбошлаб ётиши яхши кўрадилар.

Дадам ўта раҳмдил ва ўта кўнгилчан одам эдилар. Тез-тез дадаларини эслаб, кўзларига ёш олардилар ва «Ҳаммаси ўтди-кетди», — деб хўрсиниб кўярдилар.

Шахарнинг кайси даҳасида яшашимизга тўғри келмасин, маҳалладагиларга эътибор билан каардилар. Бирон бир айтилган ош, тўй ё таъзияли жойларга бормасдан қолмасдилар.

Бир йили маҳалламиздаги Кори аканинг уйлари ёнган, шунда ойим билан дадам югуриб чиқиб ўт ўчиришган. Ўтни

бир марта ўчиришга мұнаффак бўлишган, лекин бир оздан кейин ўт яна авжига олиб ёнган. У көзларда ўт ўчирувчилар йўқ эканми, эсимда йўқ, ҳар қалай дадам ва ойим эрта тонггача ўт ўчиришгани эсимда.

Кичиклигимда нима бўлди-ю, дадам билан бир масалада тортишиб қолдик. Кечаси ухлаб ётувдим, дадам тепамга келиб елкамдан туртиб: «Мени кечиргин», — дедилар секингина. Ўртада бўлиб ўтган араз аллақачон эсимдан чиқиб кетганди. Бу воқсани ҳар эслаганимда юрагим сирқираб кетади. Юз берган аразда, албатта, мен ноҳак бўлсан керак-ку, лекин дадамнинг эрталабгача кутишга сабрлари чидамаган...

Дадам уйга меҳмон келишини яхши кўрардилар. Менинг ўртокларим ҳам тез-тез келиб туришарди. Дадам уларга ҳар гал: «Қачон эрга тегасаи? Қайлигинг борми?» — деб савол бериб кулдирадилар.

Ақаларим Омон ва Бекжон билан тез-тез тортишиб, талашиб, уришиб турардик. Айниқса, мен уларга тегажоқлик қиласадим-да, сўнг диванда ёнбошлаб ётган дадамнинг орқаларига беркиниб олардим. Ақаларим мени тутволиб уриш учун югуриб келинарди, лекин дадам уларни бош томонларидан келишса қўллари билан ҳайдаб, паст томондан келишса оёқлари билан ҳайдаб менга яқинлаштирасдилар. Бу воқеаларни эслар эканман, дадамнинг бизларга нисбатан бўлган оталик меҳрларини янада чукурроқ ҳис этаман. Эсимда, биринчи ўғлимга оғир оёқ кезларим, туғуруукхонага кетиш олдидан дадам нима дейишлирини билмай, ёрдам беролмасликларидан саросималаниб: «Ҳаммаси яхши бўлади, ҳаммаси яхши бўлади», — деб факат иту сўзларнигина такрорлардилар. Менинг бўлса дадамга эркалигим ҳеч қолмаганидан «қаттан биласиз» деганман. Ҳозир эслаб куляман. Фарзандлик бўлганимда дадам мендан тез-тез хабар олиб турардилар. Кунлардан бирида мендан хабар олгани келган дадам мени ўғлимнинг тагликларини юваётганимда учратдилар ва: «Эрмак, эрмак», — дедилар. Ҳозир ўйласам бу дадамнинг менга ачингандаридан ўзларича юпатгандари экан.

Шарқ факультетида ўқитган кезларим пахта тергани олиб чикишарди. Дадам мени пахтага кўргани чикар эдилар. Йўл ёқасида кора «Зим» тўхтаганидан дадам келганларини билар-

дим. Бир тал Саримсоқов билан бирга күргани чиқишиган. Дадам иккалалари дүст әдилар. Дадам мени күргани чиқканларида ё умуман уйдан менга посылка бериб юборишганды бутун группамизга етадиган килиб етулик жүннатардилар.

Үкишни битириш олдида практикага Ирокқа борадиган бўлдим. Дадам хурсанд бўлдилар. Кузаттани чиқдилар. Учишимиизга саноқли сониялар колганда: «Балки бормассан», — дедилар. Кейинчалик дадамларнинг бу гапларини эслар эканман, мен билан айрилиш дадам учун нечоғлик оғир кечтанини хис этганиман.

Дадам серфарзанд оиласларни яхши кўрардилар. Лекин шунда ҳам мени аяганларидан бўлса керак, келинлар еттидан туғсин, кизларга бештаси ҳам етади дер әдилар. Дадамларнинг ўта болажонликлари, нима десак йўқ, дея олмасликларидан ҳам билиниб турарли. Бир куни дадамни кинога мен билан боришга кўндиридим. Ишчилар шахарчасида «Шухрат» номли кинотеатр бўларди. Борлик. Кинотеатр бир ташландик қаровсиз ахволда, томидан чакки ўтмоқда эди. Шу шароитда кино кўрдик, лекин дадамнинг сабрлари охиригача етмай, кинонинг ярмидан чикиб кетдилар.

Дадамни яхши кўрган машғулотларидан бири беданалар сайрашини тинглаш эди, умуман қушларни, ҳайвонларни яхши кўрардилар. Каршидан божалари Бекмурод aka сўйгани жийрон олиб келган әдилар, лекин кўзимиз қиймай сўйдирмаганимиз. Боққанмиз. У узок йиллар биз билан яшаган.

Дадам бир сидра чойхонага бориб беданаларнинг урушишини томоша қилишни одат қилиб олдилар. Лекин бу ойимларга маъкул келмай, дадамнинг бу одатларини ташлаттиридилар.

Дадамни ўзларига хос хислатларидан яна бири — байрамларни яхши кўрардилар. Байрамда: «Қани кетдик, аммани кўргани», — дер әдилар ва ҳаммамизни эргаштириб кариндошларни кўргани олиб борарди.

Дадам ҳақидаги хотираларимни адоги бўлмаса керак. Йиллар ўтган сайни дадам бизни, биз дадамни нечоғлик яхши кўрганимизни янада чукурроқ хис этаман.

*Калбдан севги тошди...*



\*Кичик академия»нинг келажаги



*Ойбекнинг тўнигич ўғли Омон Мусаевич Тошмуҳамедов  
ва келини Ҳулкар Олимжонова*

# ЗАМОНДОШЛАР ЭЪТИРОФИДА

*Абдулла Носиров:*

## «АЖОЙИБ ТАБИАТЛИ ИНСОН ЭДИ»



# 1942

йил эди, Ойбек, Хомил Ёкубов, Субутой Долимов, рассом Искандар Ақромов, доктор Азиз Максудовлар билан бирга жума кунлари ўзаро улфатчилгимиз бўлар эди. Ўтирища олдий сухбат билан бирга илмий мубоҳасалар ҳам бўлиб турар эди. Жумладан, шоир Мирзо Бедилнинг адабий фаолияти ва хаёти ҳакида музокараларда мени ўртага тушиб маъруза қилганимда, Ойбек ҳам сухбатга қўшилиб, Мирзо Бедил деб аталишининг сабаби, қаерлик экани, асарлари тўғрисида сўраб-сuriштиар, кези келганда фикрларни ҳам эди. Ўша вактларда мен ўзбек халқ мақолларини жамлаб юргац пайтим эди. Менгаям аигча ёрдами теккан эди. Кўпинча Ойбек Ингчилар шаҳарчасидаги уйимиз эшиги олдидан кулини орқасига килиб ўтиб юрар эди. Ўша даврлар ҳакида сўзлашиб қолиб, хазиллапиб ҳам қўяр эдик. Чунончи, мендан эшиттан: «Качонки хотининг жанжал қилса ёки уйингда нонинг бўлмай колса, ўша куни киёмат дегин» – деган гапдан келиб чиқиб: «Абдулла ака, киёмат качон?» – деб қўяр эди.

Ойбек Топкентда Шайх-хованд-тохур даҳа Говкуш маҳалласида туғилган. Табиати ажойиб, ўзига хос зукколиги ҳам бор эди. Серзавқ ва камсуқум, гавдаси ўзига ярашган йигит эди. Сўзнинг мазмунига оро бериш мақсадида тўхтаб-тўхтаб гапирадиган одати ҳам бор эди. Ўтиришимизда ўртоқларининг ўзаро ўйин-кулгиларига парво қилмасди. Илмий сухбат

бүлиб қолса, қизиқиб мусохаба килишиб ўтирап әди. Баъзан менинг ёнимга келиб кутубхонага келган янги асарлар ҳакида сұхбатлашар, баъзи шоирлар ҳакида, уларнинг ёзған асарлари түркисида сўраб-суриштирап әди.

Хуллас, Ойбек адабиёт оламига қизиқувчи, адабиёт соҳасидаги хар бир янгиликни билишига ташналиги билан улфатларимиз орасида ажралиб турарди.



*Ойбекнинг ўғли академик Бек Ойбекович  
Тошмұхамедов набиралари Отабек  
ва Комила билан*



*«Кичик фанлар академияси...»  
Н. Тихонов*

Асрор Самад:

## «ЗАМОНДОШЛИГИМДАН ФАХРЛАНДИМ»



*Осмон ўз бурчини билиб турибди,  
Она ерга таъзим қилиб турибди.*

Асқар Косимов.

# 1965

йили бутун Ўзбекистон Ойбек таваллудини нишонлади. Ойбек 60 ёшга тўлган эди. Газета, журналлар Ойбек номи билан чикар, шоирлар устоз ҳакида шеърлар битишарди. Туроб Тўла ўз ишхонасида (У пайтда Туроб ака Киночилар уюшмасининг котиби эди) менга бир тўртлик ўқиб бергани хамон эсимда. Иккинчи байти шундок эди:

*У ку менсиз қолиши мумкин,  
Мени усиз қолдирма, қисмат.*

Ўқиб бўлиб кўзларига гилт этиб ёш олди. Ҳайрон бўлдим.

— У куни зиёратларига борувдим, — деди шоир уф тортиб.

— Тоблари йўқ экан.

Кўп ўтмай, Навоий театри биносида юбилей бўлди. Ер ёрилган-у одам чиққандай. Юбилей кечасини ўша пайтдаги Ўзкомпартия Марказкўм котиби олиб борди. Дўстлар, жамоатчилик вакиллари табриклашди. Ўша забардаст гавдали, чуст дўппи тагидан соchlари патила-патила бўлиб чиқсан ёзувчи

Ойбек тўрда ўтирибди. Ёнида рафиқаси – Зарифа опа. Барча табрикларга Ойбек соддадиллик, бегакрор бир поклик билан қувониб ўтирибди. Табрикларга жавобан бир нималар деб ғудурлайди, англаб бўлмайди.

Табриклар тугади. Сўнгги сўз – юбиярга.

– Юбиярнинг нуткини ўқиб бериш учун сўз **Хамид** Фуломга! – деди раислик килувчи.

Хамид Фулом чиқди. Тўғри Ойбек олдига борди. Ойбек қувона ўрнидан туриб, қўйнидан нутқи ёзилган қоюзни олиб берди-да: «Ана, ана, шу», – деди тутила-тутила.

Хамид Фулом босинки, аммо, жарангдор, сарбаст овоз билан нуткни ўқий бошлади. Нутқ ҳали ярмига етмаган эди. Ойбек ҳалқумида турган йигини ортиқ уплаб туролмади. Кўз ёплари шашқатор юзидан оқиб туша бошилади. Хамид Фулом бир нафас ўқишдан тўхтади. Чунки гулдурос карсак зални тутиб кетган эди.

Карсак чалаётган Ойбек сенган, Ойбекни севган халқ эди. Ўзбекистон эди. Она бетоб фарзандига далда берар, ардоклисини шу қарсакларда авайлаб тебратар эди. Ойбек эркаланиб кетди: онанинг бағрига яна қаттиқроқ ёспигандай, ўпкасини тутолмай ҳўнграб юборди. Гулдурос карсаклар авжига чиқди, зал оёқка калқди...



**«О, кўнгил чексиздир, туби ийқ жаҳон»**

**Ойбек**

**Фарида Усмонова:**

## АДИБ МУКОФОТИ



# 1964

Йилнинг кузи. Икки томони улкан дарахтлар билан қопланган озода кўчада одимлаб боряниш. Бу кўчанинг номи Кисловодск.

Шитир-шитир тўкилаётган олтин ранг япроқларни супуриб юрган аёлдан сўрадим:

— Ойбек аканинг уйлари қайси, биласизми?

— Ху ана, рўпарадаги дарвоза, — деди аёл самимий ва кўшиб кўйли: — бу кишининг уйларини ким билмайти, дейсиз...

Аёл мен юриб кетганимдан кейин хам ўзича гапириб қолди: «Ишқилиб, тан-жонлари соғ бўлсин...»

Дарҳақиқат, ўзим хам согликлари дурустмикин, безовта қилиб кўймасмиканман, деган андишада келаётган эдим.

Чоғроқ ховли, оддийгина қурилган уйдац ўта камтарона ҳаёт нафаси келиб турарди.

— Жуда кеч ётгандилар, тунги соат иккиларгача ишлаб ўтирган эдилар,... — дейишди уйдагилар.

— Майли, уйғотманг, мен бир оздан сўнг келаман, дедим кетишга чоғланиб.

Шу пайт тўрдаги хона эшиги очилиб, остоңада Ойбек аканинг ўзлари кўриндилар:

— Келинг, келинг, кани марҳамат, — хона эшигини очиб ичкарига таклиф этдилар.

Чамаси аллақачон ижод хонасига кириб кетганиларини уйдагилар пайқашмаган чори.

Иш столида тун бўйи қоғозга тўлган араб алифбосидаги ёзувлар битилгап қоғозлар ёйилиб ётарди. Адиб уларни тахлаб бир четга суринб қўйдилар-да: «Кулогим сизда», дсётгандай менга қарадилар.

— Безовта килганим учун узр, ТошДУнинг 40 йиллик юбилейи муносабати билан газетада саҳифа бермоқчи эдик, сиз бу даргоҳнинг тўнгич фарзандларидан бири экансиз. Шу хақда икки оғизгина гапириб берсангиз.

Унинг нуроний чехрасида илик меҳрга ўхшаш ифода пайдо бўлди. Ўйчан кўзларидан узоқни хотирлаётгани сезилиб туради. Бир оз жимликдан кейин оҳиста ҳикоя қила бошиладилар:

— «Техникумда ўқирдим. Уни тугаллаб Университетга кирдим. Ёшлиқ, ўкувга иштиёқ баланд, берилиб ўқирдик. Орау килган умидга етдик, дердик. Мен иктисадий фанлар факультетини танлагандим. Рус профессор, доцентлар кўп. Кувониб ҳавас билан ўқирдик. Хаёт қайнок, фаолият кўн эди. Ўқиш билан бирга мактабда ларс ҳам берардим. САГУни 1930 илии тутатдим. Университетда домлалар — профессор, доцентлар кучли эди, бирор ўзбек ўқитувчилари энди-энди етишиб чиқаётган эди.

Ўқипни тугаллаганимдан кейин университетда иктисад фанидан 1936 йилларгача ларс бердим».

Адибнинг айтмоқчи бўлган тилаги чехрасидан сезилиб туради. Унинг гапларини ёзиб олган қоғозни узатиб дастхат ёзиб беришларини сўрадим.

Ташаккуримни айтиб, кўзғалмоқчи бўлгандим:

— Тўхтанг, ўтиринг, ўзингиз нималар ёзасиз? — дея сўраб қолдилар.

Ҳам бу буюк одамнинг кутилмаганда меҳрибончилигидан, ҳам хали уларга кўрсативига арзигулик бирон бақувват асарим ийӯклигидан саросимага тушдим.

— Шунчаки машқлар, домла. Асосан, газстага мақола, баъзида очерклар ёзиб тураман. Бир-икки ҳикоя ёзишга ҳам уриниб кўрдим, лекин...

— Олиб келинг, ўша машқларингизни, олиб келинг, ўкиймиз. Хўими, тортинимай олиб келинг, — дедилар.

Редакцияда ишләётганимга анчагина бўлган, кўпгина ёзувчи, шоирлар билан ҳамсуҳбат бўлганиман. Бирок улар орасида кўнгил учун ҳеч бўлмаса «Қани ёзганингизни кўрайлик-чи», деган бирор саховатли киши бўлмаганди. Ҳатто қанча хижолат-андиша билан илтимос қилганимда ҳам: «Жуда бандман, узр» — деган жавобни олганман...

Кўнгил бундай пайтда жуда нозик бўлади-да, бир оғиз илик сўз, эътибор дилга бир олам қувонч ато этади.

Адибларнинг адаби, устозларнинг устози — Ойбек домланинг хонадонидан узоқлашар эдиму гўё қанот ато этилганидек учиб борардим. Ҳа, бу дакиқалар бир умр хотирамда муҳрланиб қолган...

Орадан хафта ўтмай ТопшДУнинг юбилейига бағишлиланган саҳифа эълон қилинган «Тошкент ҳақиқати» газетасини (унда Ойбекнинг табриги ҳам чиққан эди) кўтариб яна ўша Кисловодск кўчасидан борардим.

Яна тун бўйи ишлаб эканлар. Шулга қарамай очик чесхра билан қабул килдилар. Газетани узатдим. Караб чиқдилар. Ўзларига таниш профессорларнинг суратлари, маколалари бор эди. Мамнунлик билан узок тикилиб қолдилар.

Кейин бир нарсани хотирлагандай:

— Ҳикоя қани? — сўрадилар. Аввал ҳаяжон билан, кейин равон ўқиб бердим. Юрагимни ховучлаб «Нима дер эканлар», деб кутардим.

— Тема яхши танланган, ҳикоя бор, факат унақа сўзларни жуда кўп сарфлаб юборманг-да, сиқиқ бўлсин, кайтарик кўп, одамни зериктириб қўяди, ҳикоянинг қиймати қолмайди. Тилга эътибор беринг, — сингари нишонга тегадиган, ўзим сезмаган, камчиликларимни кўз ўнгимга шундай келтириб қўйдилар. — Кайта ишлаб олиб келинг, ўзим фатво ёзиб бераман, — ледилар.

Ҳикояни айтганларидаи ишладим, қайта олиб боринга ботинолмадим, чунки соғликлари унча яхни эмас деб эшитдим. Лекин ўша «Гулсанам» деб номланган ҳикоям газетада эълон қилинди. Конкурсда мукофотга сазовор бўлганида, кўз олдимда Ойбек домланинг ўйчан кўзлари намоён бўлар, бу мукофот менга эмас, улкан адигга тааллуклидай ўзимни қандайлир қарадор, бурчли ҳис этардим...



Ойбек ижодхонасида

**Фарида Йўлдошева:**

## **МЕҲНАТ ИЛА ИЖОД ҲАМИША БИРГАДИР**



# **1966**

Йилнинг сентябр ойи. Ўзбек миллий адабиётининг асосчиларидан бири, атоқли адаби ва жамоат арбоби, академик Мусо Томмуҳаммад ўвли Ойбек таваллудига 60 йил тулиши муносабати билан кенгайтирилган илмий кенгаш ўтказилмоқда эди.

Устоз Ойбекнинг кайфиятлари хар кунгидан ўзгача эди. Сўзларни диққат билан тинглар эканлар, кўзлари чакнаб, лаблари пичирлаб, нитоҳлари стол устидан бир нарсалар қидиргандек мен томонга боқдилар.

Устоз коғоз ва қалам берипшимни ишора билан тушунтирдилар. Айтганларини бажо келтирдим. Коғоз юзига салмок билан гўё ҳар бир ҳарфни доналаб тераётгандек, аста-секин нималарнидир ёза бошладилар. Ёзиб ҳам бўлдилар, кейин менга ялт этиб қараб, беғубор табассум билан нарақни узатар эканлар, минбарга ишора қилиб ўқиб берипнiga даъват этдилар. Мана ўша ҳаяжонли устоз айтолмаган сўз:

«Азиз дўстларим!

Менинг чексиз миннатдорлигимни, ташаккуримни изхор этишга ижозат этгайсиз.

Йигирма йил мобайнида Сиз билан ижод заҳматини бирга чекиб, ижод шодлигини бирга тотиб келганимга бехад мамнунман, юят хурсандман. Сизнинг менга кўрсатган хурматингиз, самимиятингиз шу тобда юрагимга дарё-дарё нур ёғидирди, хисларим, туйгуларим қирғони йўқ. Менга бағишланган

бу баҳт, бу қувонч, бу эъзозишизга ҳар қанча ташаккур айтсан камдир. Мунаввар Академиямизнинг кўп илм соҳибалирининг қанча азиз вактлари ва меҳнатлари самараси булган нутқлари мени ғоят ҳаяжонга солди. Тил, адабиётчилар, шарқишуослар, тарихчилар, файласуфлар ва академия аъзолари, президент ҳам вице-президентлар -- барчангизга бутун юрагимнинг муҳаббатини, самимиятини бағишлайман.

Халқимизнинг маданияти, маърифати, илм-фани йўлида кўрсатган ижтиходингиз, фаолиятингиз, саботингиз чексиз мадхга сазовордир.

Буюк йўлимиизда биз билан бирга бораётган юрагимизнинг кучи ва қуввати, умид ва орзуларимизнинг қалбимиздан, қўлнимиздан олиб олға борувчи ёшлар бизнинг баҳтимиздир. Илм ҳазинасининг қалити ҳамиша ёшларники. Замон ўтиши, асрлар кечини билан олимлар илм ҳазинасиши қўлдан-қўлга тоширурлар ва ҳар бир олим ўз хиссасини, ўз юрак катрасини илм-фан денгизига кўшгани туфайли баҳт касб этади.

Илм-фани, сағъат-адабиёт ҳалқ бошига қуёш кўтарур, ҳаёгни мудаффақ этур; булар оғир, сермеҳнат талаб этувчи соҳалардир. Лекин фидокорона меҳнат мўъжизалар яратишини биз яхши биламиш. Бу қуёшдай равшандир. Бунинг учун ёш бўғимлар, ёш дўстларимга ёлғиз айтадиган сўзим -- буюк ирода, соғвиждон, чидамли мёҳнат билан илм чўққисига, илм булоғининг каърига йўл очасиз. Меҳнат ила ижод ҳамиша биргадир».



*Ойбекнинг набираси Юлдуз Бекжоновна Тошмуҳамедова*

# МАДАНИЯТИМИЗ ҚЎШ БАЙРАМИ

*Сўнгсўз ўрнида*



**М**азкур китобга киритилган хотиралар адабимиз Ойбек-нинг хаёти ва ижодига оид чизгиларни тўлдириш, бойитиши ниятида туплангаглиги сабабли сўнгти сўзини Зарифа Сайдносировага бағищлашни лозим тоғдик. Уларни бирга хотирламаслик мумкин эмас. Ойбек домланинг юз йыллик таваллудлари Зарифа опашиш хам таваллуд байрамлариdir.

Одамларнинг ўзаро муносабатлари, мулокоти мухит, таъбир жоиз бўлса, шахмат ўйинини эслатади. Ўйинчи шахматни нечоғли ўзидан кучли, уста одам билан ўйнаса, ўшангта қараб интилади, ўсади, кўтарилади. Ўзидан кучсиз, паст одам билан ўйнаса, ғолиблигидан, ҳар гал енгилйшидаш катъи назар, ўшанинг даражасига тушиб қолади, пастлашиб кетаверади. Ўзи тенги билан ўйнаса, бир жойда қотиб қолади, силжимасдан тураверади. Мен хам шундай илмий мухитга тушдимки, бу мухитда тобланмасдан, ҷархланмасдан илож йўқ эди. Шундай одамлар билан мулокотда бўлдимки, бирга ишладимки, фикран ўсмасдан, уларнинг даражасига кўтарилишига итилмасдан илож йўқ эди.

Тадқикотчи сифатида шаклланишимда хизмати синган шундай инсонлардан бири севимли ёзувчимиз, миллатимизнинг фахри Ойбек домланинг хотинлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Зарифа Сайдносирова эдилар. Зарифа опа Ойбек домланинг рафиқалари бўлганлари учунгина хурмату эҳтиромга сазовор эмасдилар. Улар шахс сифатида, иктидорли тадқикотчи, Ўзбекистонда аёллардан

чиқкан биринчи рассом, биринчи кимёгар, дарсликлар, луғатларниңг муаллифи, муносиб шогирдлар етиширига устоз, педагог сифатида кадрли, иззат-эхтиромга лойик эдилар.

1985 йили Москвада Ойбек домланинг 80 йиллик таваллудлари Колония залида кенг нишонланди. Бу тантанага чет эллардан, турли республикалардан таникли адиллар йигидилар. Ўзбек ёзувчиси таваллудининг бу даражада кенг нишонланиши ёзувчишинг хизматига яраша билдирилган катта хурмат эди. Зарифа опа қатнаша олмадилар... Гарчанд бу дақиқани орзиқиб кутган бўлсалар-да.

Мен Зарифа опага ўша кечасиёқ Москвадан телефон килдим. Тантана қандай ўтгани, Москвадек шахри азимда ўзбек ёзувчининг юбилейида залга одам сифмай, жой етишмай колгани, китоб савдосида Ойбекнинг китоблари қашчалик талаш бўлиб, қўлма-қўл сотиб олинганини гапириб бердим. Тошкентта қайтиб кетгач, яна бир бошдан сўзладим. Боролмаганларидан афсусландилар. Шунда мен: «Хафа бўлманг, Ойбек домланинг 90 йиллик таваллудлари ҳам кенг нишонлади», — дедим. Мана, Ойбек домланинг 90 йиллик таваллудлари ҳам, 100 йиллик таваллудлари ҳам етиб келди. Зарифа опага бу кунлар насиб этмаслиги ўшанда хаёлимга ҳам келмаганди...

Зарифа опа ҳаст бўлганларида уларнинг ҳам таваллудларини нишонлаган бўлар эдик.

Ўзбек халқи — шеърхон, илмнинг қадрига етувчи халқ. Шу боисдан давлатимиз ҳамиша ёзувчи ва олимларини қадрлаб келади. Зарифа опанинг ҳам кўп киррали ижодий фаолиятлари ёш авлод учун катта ибрат мактабини ўташи мумкинлигини назарда тутиб, мен Зарифа опа умрларининг сўнгти кунларигача ишлаган Қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Аграр университети) ректори Э.Шайховга телефон қилдим: «Домла, Зарифа опанинг юбилейларини биргалашиб, Адабиёт институти, Ойбек уй-музейи ходимлари билан ўтказсак», — дедим. Шайхов домла: «Одатда 80-90 йиллик нишонланади, 85 йиллик нишонланмайди», — деб гапларини тутатмасдан, мен: «Юбилейни ўтказиш-ўтказмаслик ташкилотнинг ўзига боғлиқ бўлса керак, фармон ўз йўлига», — дедим. Чунки, 90 йилликни

кутсак, Зарифа опани қўрган-билгандарнинг энг ёни мен «юз-га», қолганлар «минг»га кириб қолинишидан хавотирда эдим. Шунда ректор гапларини охиригача эшитмаганимга аччиқлашиб: «Зарифа опа сиздан ҳам бизларга қадрлироқ, яқин, мен факат амалдаги фармонни айтаяпман», — дедилар. Зарифа опа ҳақида айтилган мана шу — «Сиздан ҳам бизга қадрлироқ, яқин» деган жумлада шунчалар меҳр, муҳаббат жо бўлган эдик, бу умр арзигулик ўтганидан далолат эди.

Ойбеклар оиласи билан бизнинг оиласиз ойимлар ва акам Латиф Файзиев орқали азал-азалдан таниш бўлса-да, мен Зарифа опа билан бевосита 1972 йилдан, Ойбек асарларининг XX жилдли академ нашрини тайёрлаш муносабати билан мулоқотда бўла бошладим. Зарифа опанинг ёнларида бирга юрганим ўн беш йилни мен яна бир дорилфуонунни ўтадим, деб ҳисоблайман. Тошкент дорилфуонуни, Тил ва адабиёт институтининг аспирантураси билан бирга Ойбек домладан кейин Зарифа опа бошкарган «Кичик Академия»ни ҳам тугатганимдан фахрланаман. Зарифа опа туфайли мен Москвада Н.С.Тихонов билан сухбатлашишга мұяссар бўлган эдим, шунда бу рус ёзуучиси Ойбекни ҳам инсон, ҳам адаб сиғатида нечоғли тан олганининг шоҳиди бўлганман. «Ойбеклар оиласи — бу «Кичик Академия», — дедилар Тихонов, Ойбеклар оиласи учун бундан юксак мукофот бўлмаса керак.

Мен Зарифа опа боличилигидаги «Кичик Академия»да факат ишлашга эмас, мазмунли, мақсадли яшашга ҳам ўргандим, кўп сабок олдим. Сабоқлардан бирин кими ҳаёти давомида бажарини лозим бўлган вазифа, ишларни тўғри, реал режалаштира билиши, Зарифа опанинг умрларининг сўнгти ўн йилидаги режалари белгиланган ишларининг кўламидан ташқари, мақсад, мазмун, элга нафи борлиги билан ҳам ҳавас қилса арзигулик.

Зарифа опа Ойбекнинг XX жилдли академик нашрини тайёрлани жараёнида кечакундуз, баъзан ўн олти соатлаб кимирламасдан ишлардилар. Биз, Тил ва адабиёт институти ходимлари — напротив тайёрлончилар бу ўн олти соат ичидаги уч гурух алмалииб ишлардик. Бизни алмаштириш мумкин эди, чунки биримиз бажарадиган ишни бошкамиз бажара олардик, лекин Зарифа опани алмаштириб бўлмасди. У ки-

шининг зиммасидаги ишни ҳеч ким бажара олмасди. Зарифа она меҳнат интизомига ўта риоя қилардилар, бошқалардан хам шунни талаб этардилар. Ўша кезлари Зарифа она талабни ошириб юбораётгандек туюларди менга. Ҳозир ўйлаб қарасам, интизомсиз ҳаётда белгиланган довонлардан ошиб бўлмас экан. Зарифа она кундалик белгиланган ишларни бажарип улгуришга ва яна ортган вактда мирикиб расм чизишга, Ҳофиз, Бедилларга шўнгигиб қайта-қайта ўкишга ҳам улгурадилар. Бу сониялар Зарифа она учун ҳордиқнинг энг олий, энг лаззатли онлари эди. Мен бўлсан, ҳавас билан сукланиб қараб турардим. Шу-шу мен ҳавас қилишни ўргандим, бу хислат ҳам киши учун зарур омиллардан бири эканини тушуниб етдим. Зарифа опанинг ҳаётдан завқ олиб яшашларига ҳавасим ортди, яшаш тарзларига, ўзларини тутишлари, меҳнаткашликлари, фарзаңдларига ҳавас қилдим. Ойбек домланинг ижодий меросига муносабатларига ҳавас қилдим, илмдаги поклонкларига ҳавас қилдим, тилла буюм, жавоҳирлар ўриида Ойбекнинг қўлёзмаларини ардоқлаб, ҳалкка етказганларига ҳавас қилдим. Бу ҳаваслар бесамара бўлмади. «Ҳавас қилсанг — етасан, ҳасад қилсанг — йитасан», — мақоли бекорга айтилмаган бўлса керак. Ҳаётда ўрнимни тоғдим.

Зарифа опанинг кунлари нечоғли ўқиши, ёзиши, дарс бериш билан ўтган бўлмасин, меҳмон кутиш (бу кутиш одатий меҳмон кутишлардан фарқланарди, кинини ақлан бойитадиган дастурхон атрофилаги сухбат тарзида бўлардики, киши ўтган вактига ачинмасди), кимнидир йўқлашга, ўша кезлардаёқ бутун бошли бир инстигутга раҳбар бўлган ўғиллари Бекжон акани вактида олдиларига кирмаганлари ё дала ҳовлига кетгандарида ухлаш олдидан телефон қоқмаганлари учун уришиб ҳам улгурадилар. Мен бўлсан, ташкаридан бу манзарани кузатиб яйрадим, чунки Зарифа она қирқдан ошга ўғилларини тўрт яшар боладек кўриб, қанчалик койимасинлар ўғиллари билан, умуман фарзаңдларининг ҳаммаси билан ўта фахрланишлари кўзларида, юзларида балқиб турарди. Мен шундай сонияларининг шохи迪 бўлганман: бу жуда калбни яйрагувчи манзара. Шунда мен ҳаётда бир йўналишида — ё оила, ё иш билан машғул бўлиб эмас, балки ҳаммасини биргаликда ултуриб яшалса ҳаёт

мазмунлироқ кечишини түйдим. Ҳар воқеа, ҳодисадан хулоса чиқариб, умумлантириб яшашга ўргандым.

Зарифа оша умрларининг сўнгти йилларида 300 сахифалик хотираларини тугатиб, адабиётшунос олим Наим Каримовга таҳрир учун топширдилар. Бу хотиралар давр қиёфасини очища, Ойбек ижоди ва ҳаётига оид сахифаларни тўлдиришда, ўша кезлардаги мухит, Ҳамза, Чўлион каби шоирларнинг биографиясини бойитувчи, оталари -- маърифатпарвар Сайдносирбой ва у юргизган ишлар тўғрисида ўта қимматли материал бўлиб хизмат этади.

Зарифа оша фарзандлари ҳакида қизиқарли ҳикояларни сўзлаб берардилар. Мен шулардан айримларини келтириш билан чекланмокчиман.

— Бекжон ёшлигидан болаларга бош бўлиб юради, унинг ўртоқлари кўп эди. Кўчада бир киши маст кишини ураётган экан. Бекжон 7 ёшларда бўлса керак, бориб аралашган, нега урасиз, — деб. Ўртада жанжал кўтарилишган. Бекжонни милицияга олиб кетишган. Ўртоқлари менга келиб айтишгач, милицияга бориб олиб келгацман...

— Кизим Гулранг туқкан, кўрпача, кроват, чақалокқа зарур шарсаларни олганман, шуни қечкурун Омон билан Бекжонни олиб, «ЗИМ» машинада Гулрангникига олиб кета янимиз. Йўлда бир киши машинасини юргизолмай, хуноби ошиб турибди. Ўткинчи машиналарга кўл кўтараяпти, ҳеч ким тўхтамайди. Бекжон тўхтаб, бориб суринтириди. Мальум бўлинича, машинани сургаб эгасиникига элтиш керак, бунинг учун трос керак, трос бўлса йўқ. Бекжон машинанинг эгаси билан узоқ вакт йўқ бўлиб кетди. Аллақаерга бориб трос топиб келинди. Машинани тиркаб, шофернинг уйи эски Максим Горький кўчасида экан, олиб бориб кўйдик. Вакт аллама ҳал бўлиб кетди, ташнишдаман. Лекин бир ёқдан ўқлимишни шундай, одамларга бефарқ бўлмай ўсаётганидан хурсанд эдим...

— Ойбекка кўп зиён келтирган, дилини оғритган бир ёзувчининг ўғли диссертация химоя қиласиган бўлди. Бекжон елиб-югуриб ёрдамлашиб, ёрдамини аямади. Шунда мен: «Бу йигитнинг отаси бизга, отангга кўп ёмонлик қиласиган, унинг орқасида заҳмат чекканмиз, нега сен унинг ўғли учун шунчак

лик куйиниб, елиб-югуриб юрибсан», — дедим. Шунга Бекжон: «У отаси, бу ўғли, ўртада илм зиёни кўрмаслиги керак, щунинг учун», — деб жавоб берди. Хурсанд бўлдим».

Зарифа она билан бирга кечган 15 йил вакт оралиғидаги дақиқаларни хаёлимдан кечирсам, Зарифа она билан менинг муносабатларим шогирд ва устозниги ўхшамасди, она на фарзанд ўртасидаги муносабатга хам ўхшамас экан, муносабатларимиз орамиздаги ёш жиҳатдан катта фарққа қарамасдан икки дугона-ўртоқнинг муносабатларига тўғри келар экан. Чунки биз гаплашмаган мавзуу деярли йўқ эди. Бир куни менга: «Қаранг, одам ўла-ўлгунча ўрганишни қўймас экан. Бирор жойга борсам, торт сотиб олардим, келиним Хулкар ўргатди. Бу тортии бирор ейди, бирор емайди, шунинг учун хўжаликка зарур нарса олиб борган маъқулроқ, сариёғми, тухумми, деди. Маслахати маъқул келиб, шу-шу зарур нарсанни олиб боришга ҳаракат киласман».

Ойбек домла Зарифа она билан учрашиб юрган кезлари синфдаги партага «Чиндан севаман, юракдан севаман сени...» деб катта ҳарфлар билан ёзиб кетган эканлар.

Мен хам бу кун юрагимга яқин инсонлар — Ойбек ва Зарифа Саидносировани хотирлар эканман, шу сўзларни тақрорламоқчиман: мен хам сизларни «Чиндан севаман, юракдан севаман», соғипдим сизларни. (Мазкур сўнгти сўз ўриидаги хотира Ойбек домланинг хаёти ва ижодига оид чизгиларни тўлдиришидан умидвормиз).





*Ойбекнин келини кимё фанлари доктори, профессор  
Ойниса Каримовна Тошмұхамедова ва нағирадасы  
Юлдуз Тошмұхамедова*



*Ойбекнинг набиралари Отабек ва Комила*



*Ойбекнинг улут академик Бек Ойбекович Тоимухамедов япониялық ҳамкасблари билан*

# **МУАЛЛИФЛАР ХАҚИДА**

*Николай Тихонов* – машхур рус ёзувчisi, узбек адабиётининг кадрдони, Ойбекнинг дўсти (Москва).

*Хомил Ёкубов* – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори.

*Зоя Кедрина* – адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори (Москва).

*Жуманиёз Шарипов* – ёзувчи, адабиётшунос олим, таржи-машунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

*Матёқуб Кўшжонов* – адабиётшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

*Абдулла Орипов* – Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири.

*Кузьма Лапкин* – иқтисод фанлари доктори, Ойбекнинг дўсти.

*Қуддус Муҳаммадий* – Ўзбекистон ҳалқ шоири, Давлат мукофотининг совриндори.

*Зарифа Сайдносирова* – машхур кимёгар олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори, Ойбекнинг рафиқаси.

*Жуманиёз Жабборов* – Ўзбекистон ва Қорақалпогистон ҳалқ шоири.

*Омон Тошмуҳамедов* – тарих фанлари номзоди, доцент. Ойбекнинг катта ўғли.

*Ойниса Тошмуҳамедова* – кимё фанлари доктори, профессор. Ойбекнинг келини.

*Муҳаббат Тошмуҳамедова* – кимё фанлари номзоди, доцент, Ойбекнинг жияни.

*Гулранг Тошмуҳамедова* – шарқшунос, филология фанлари номзоди, доцент. Ойбекпинг қизи.

*Абдулла Носиров* – Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кекса ходими.

*Асрор Самад* – филология фанлари номзоди.

*Фарида Усмонова* – адиба, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

*Фарида Йўлдошева* – филология фанлари номзоди, ўқитувчи.

*Раъно Иброҳимова* – филология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори.



*Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат  
мукофоти совриндорлари* – чапдан:  
ф.ф.н. М.М.Султонова, ф.ф.д. Р.М.Иброҳимова,  
профессор З.С.Сайдносирова, ф.ф.д. Н.В.Владимирова

## МУНДАРИЖЛ

Сатрларда жонланган инсон .....	3
Сўзбоши ўрнида.	
ДЎСТЛАР НАЗИДА	
Николай ТИХОНОВ	
«Кичик фаплар академияси» .....	24
Хомил ЁКУБОВ	
Нева бўйларида .....	36
Зоя КЕДРИНА	
«Тафаккур ва қалб тантанаси» .....	44
Жуманиёз ШАРИПОВ	
Устоз ҳакида .....	46
Матёкуб ҚЎШЖОНОВ	
Улуғворлик .....	63
Абдулла ОРИПОВ	
Фавқулодда баҳт .....	74
Кузьма ЛАПКИН	
«Мен шоҳид бўлган воқеалар...» .....	77
Куддус МУҲАММАДИЙ	
«Улуғиафас шоир» .....	85
Зарифа САЙДНОСИРОВА	
«Бутун борлиқни унутиб...» .....	89
Жуманиёз ЖАББОРОВ	
«Олам ичра бир олам» .....	100
ФАРЗАНДЛАР НИГОҲИ БИЛАН	
Омон ТОШМУҲАМЕДОВ	
«Эртак ўрнида тарих эшитардик...» .....	103

<b>Ойниса ТОШМУХАМЕДОВА</b>	
«Хаммасига бир хил олинг...» .....	110
<b>Мухаббат ТОШМУХАМЕДОВА</b>	
«Энди бизни ким кутиб олади...» .....	112
<b>Гулранг ТОШМУХАМЕДОВА</b>	
«Биз учун дада эдилар...» .....	116
<b>ЗАМОНДОШЛАР ЭЪТИРОФИДА</b>	
<b>Абдулла НОСИРОВ</b>	
«Ажойиб табиатли ишон эди» .....	122
<b>Асрор САМАД</b>	
«Замондошлигимдан фахрландим» .....	124
<b>Фарида УСМОНОВА</b>	
Адаб мукофоти .....	126
<b>Фарида ЙУЛДОШЕВА</b>	
Меҳнат ила ижод ҳамиши биргадир .....	130
Маданиятимиз қўш байрами. Сўнгсўз ўрнида .....	132
Муаллифлар ҳакида .....	140

Адабий-бадиий нашр

РАҲНО ИБРОХИМОВА

**ҚАЛБДАН СЕВГИ ТОШДИ**

*Устоз Ойбек ҳақида*

Мухаррир Г.МИРЗАЕВА

Мусаввир Б.БОЗОРОВ

Тех.мухаррир В.ДЕМЧЕНКО

Мусаххих Д.МИНГБОЕВА

Компьютерда сахифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ № 3967

Босишга 12.11.2004й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоги 4,375. Шартли босма тобоги 7,35.

Адади 300 нусха. Буюртма № 96.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.